

ИЩОДАЛИ ЎҚИШ



Ўзбекистон
Ҳукумати



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ифродали ўқиш

(Ўқув-услубий қўлланма)

Жиззах
«Сангзор» нашриёти
2015

УДК: 325.575.1
КБК 74.57
С73

Муаллифлар томонидан қайта нашрга тайёрланган мазкур ўқув-услубий қўлланмада ифодали ўқиш ва нотиклик санъати тарихи, нутқ техникаси ҳамда бадий асарларни ифодали ўқиш усуллари кенг ёритилган.

Қайта нашрга тайёрловчилар:

Бахтиёр СОАТОВ - филология фанлари номзоди, доцент.

Ўқитувчилар:

Маҳфуза УСМОНОВА, Гулбаҳор ХАМИДОВА.

Жамоатчилик асосида масъул муҳаррир:

Туроб ЮСУФ - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир.

Тақризчилар:

Умурзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - филология фанлари доктори, профессор.

Анвар МЕЛИБОЕВ - педагогика фанлари номзоди, доцент.

Педагогика институтларининг мактабгача таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган

Ўқув-услубий қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. (30.08.2014, баённома №1).

ISBN: 978-9943-381-88-1

© “Сангзор” нашриёти -2015



СЎЗ БОШИ

Ифодали ўқиш бадий асарни англаш, эстетик ўзлаштириш, таҳлил қилишнинг муҳим воситасидир. Ифодали ўқиш ўқувчилар нутқини ўстириш билан бирга, уларнинг фикрини, тасаввурини ривожлантиради ҳамда уларда образли тушунча ҳосил қилади, шу билан бир қаторда фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Ифодали ўқиш тингловчининг ёзувчи тасвирлаган манзараларни аниқ тасаввур этишига ёрдам беради, ўқувчилар онгида ёзувчи яратган образлар ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Ифодали ўқиш ёддан ўқишни ҳам ўз ичига олади, пухта ўзлаштиришни таъминлайди. Ёддан ўқишда ўқувчи, асосан, матнни ўзлаштиришга эгиб беради. Шу орқали у асарни пухта ўзлаштиради. Ёддан ўқиш билан ўқувчи асарда тасвирланган воқеаларни чуқур тасаввур этади, воқеа ва образлар унинг кўз олдида намоён бўлади. Ёддан ифодали ўқиш асар ғоявий мазмунини ва шаклини узвий бирликда ўрганишда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Ёзувчи ҳаётни ўрганиш ва акс эттириш билан бирга, уни эстетик баҳолайди ва аниқ образлар яратади. Шунга кўра, ўқувчидан ифодали ўқиш жараёнида асардаги образлиликни англаб олиш талаб этилади. Чунки асарни равон, ифодали ўқиган ўқувчидан ёзувчи тасвирлаган воқеани, ғояни тингловчи онгига етказиш ҳам талаб этилади. Ўқувчи ифодали ўқиш орқали бошқа ўқувчиларга эстетик таъсир этади, уларда янги ўй-фикр ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтганда, асарни ифодали ўқиган ўқувчи тингловчида ёзувчи яратган образларни, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини, кечинмаларини билишга қизиқиш туйғусини, ёзувчининг фикр-ўйлари ҳақида тасаввурни ҳосил қилади. Бу иш, яъни асарнинг мазмуни, мавзуси, тасвир воситалари, ёзувчининг бу воситалардан фойдаланиши, табиийки, ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади. Ўқитувчи бу ишларни амалга ошириш билан ўқувчиларнинг ифодали ўқиш санъатини эгаллашларига эришади.


Ифодали ўқиш - бадий асарни мазмун ва шакл бирлигида ўрганишни, асарни бадий таҳлил қилишни таъминлайди. Ўқитув-

чининг ифодали ўқиши асарни бадиий таҳлил қилиш, унинг мазмунини англашнинг асосини ташкил қилади.

Бадиий асарни ўқишдан аввал ундаги ҳар бир сўзнинг нима мақсадда қўлланилганлигини, жумла, мисра ва банднинг тузилишини аниқлаб олиш керак.

Демак, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ифодали ўқиши ўртасида узвийлик бўлиши керак, чунки бу узвийлик асарни бадиий таҳлил қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, асарни мазмун ва шакл бирлигида ўзлаштиришни таъминлайди. Бу ишда фақат ўқувчиларнинг бадиий асардан ўзлари танлаб олган парча, қисм ёки бобларни ифодали ўқишларигина эмас, балки уларнинг асар мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олганликларини намоён қилишларига ҳам эътибор берилади.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан ўқув дарсликларида ҳам кўпгина ўзгаришлар юз берди. Янги ўқув режалари асосида дастурлар тузилиб, дарслик ва адабиётлар янгиланди. Шу жиҳатдан педагогика институтларининг педагогика-психология факультетлари “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари учун 2013/2014-ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги томонидан тасдиқланган янги ўқув режасига асосан “Ифодали ўқиш” курси фан сифатида киритилди. Ушбу фан нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда янги ўқув-услугий қўлланмага эҳтиёж сезилди. Тўғри, Карим Жўраевнинг 1968 йили чоп этилган “Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш”, Қобилжон Орипов, Маҳмуда Обидоваларнинг 1982 йили чоп этилган “Ифодали ўқиш” қўлланмалари мавжуд. Лекин ҳозирги кунда биз юқорида қайд этган қўлланмалардаги назарий қонун-қоидалар ўз кучини йўқотмаган бўлса-да, келтирилган мисолларнинг кўпчилиги эскирган. Шу нуқтаи-назардан ҳаммуаллифликни даъво қилмаган ҳолда ҳар икки қўлланмаларни уйғунлаштириб, йўналишимизга мослаштирдик ва қайта нашрга тайёрладик. Биз қайта нашрга тайёрлаган “Ифодали ўқиш” номли ўқув-услугий қўлланма йўналишимиз талабаларининг эҳтиёжи учун амалий ёрдам беради, деган умиддамиз.






ИФОДАЛИ ЎҚИШ КУРСИГА КИРИШ. ИФОДАЛИ ЎҚИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. ИФОДАЛИ ЎҚИШ ТАРИХИДАН

Мактаб ва мактабдан ташқари ҳамда мактабгача тарбияда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларда ўқувчиларни ифодали ўқиш ҳамда ҳикоя қилишга ўргатишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш асардаги образ ва персонажларни, асарнинг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятини, ўтмиш ва ҳозирги ҳаётни ўрганиш учун ёрдам беради. Чунки, бадиий сўз санъати деб аталган адабиёт ижтимоий ҳаётнинг энг ёрқин ойнасидир. Одатда, жамият ҳаётида содир бўлаётган янгиликлар, ривожланишлар ва ўзгаришлар адабий асарларда бадиий равишда ифода этилади. Шунинг учун ҳам ижодкорларимиз бадиий адабиётни «ҳаёт дарслиги» деб аташади. Бадиий адабиёт кишига эстетик завқ бағишлайди, унинг ички дунёси, фикрлари ва мушоада қилиш қобилиятининг бойишига, ҳақиқий ҳаётни ўрганишига ёрдам беради, дунёқарашини шакллантиради.

Бадиий асарни ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш ўша асарнинг ғоявий мазмунини, бадиий хусусиятини очишга ёрдам беради. Мактабда ифодали ўқиш, ҳикоя қилиш машғулотларини тўғри йўлга қўйиш ва уларни юқори савияда ўтказиш ўқитувчидан илмий ва услубий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришни, мавжуд тажрибалардан ижодий ва самарали фойдаланишни талаб қилади. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш билан ўқувчилар бадиий асарнинг ғоявий мазмунини яхши билиб оладилар ва асар қаҳрамонларининг қиёфаси, ҳатти-ҳаракатлари уларнинг кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш замонамиз талаблари ва вазифалари, ёшларнинг ҳаёти ва қизиқишлари билан узвий равишда боғлаб олиб борилгандагина бадиий асар чинакам сўз санъати ва ҳақиқий ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди. Бу услубий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун биз ҳамма имкониятларга эгамиз.

I-синф ўқувчилари бадиий асар намуналари билан ўқув йилининг дастлабки ҳафтасидан бошлаб танишадилар, яъни ўқитувчи ўқувчиларга бадиий асарлардан олинган парчаларни,



жониворлар ҳаётига бағишланган кичик-кичик эртақ ва масалларни ифодали ўқиб ёки ҳикоя қилиб беради.

Ўқувчилар эса чиройли қилиб ифодали ўқиб берилган содда ва осон асарларни кизиқиб тинглайдилар. Содда ва чиройли ўқишнинг ўзи бир санъатдир. Юксак бадиий маҳорат билан ўқилган асар ҳаёт лавҳаларини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантиради, уларга маънавий озик бағишлайди.

Ифодали ўқишнинг икки асосий хусусиятини кўзда тутиш зарур:

- 1) тўғри талаффуз қилиш (ёки талаффуз техникаси);
- 2) ўқиш вақтида адабий асарда ифода этилган ҳис-туйғуни, ёзувчи ёки қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, асарнинг мазмунини бера олиш.

Бу масалаларнинг ҳар иккови ифодали ўқишнинг муваффақиятли чиқиши учун замин ҳозирлайди.

Мактабларимизда баъзи бир ўқитувчилар “ифодали ўқи”, “ҳис-туйғу билан ўқи”, “буни баланд овоз билан, буни паст овоз билан ўқи” деб буюрадилар. Бундай кўрсатмалар ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргата олмайди. А.Зуннунов “Бадиий асар таҳлили методикаси” китобида ифодали ўқиш устида иш олиб борган вақтда “ўқишнинг асосий оҳангини аниқлашдан бошлаш”ни тавсия қилади.

Ифодали ўқишни яхши ташкил қилишда ўқитувчи асосий роль ўйнайди. Кучли ҳаяжон билан ўқилган асар ўқувчиларга зўр таъсир этади ва уларнинг хотирасидан чиқмайди. Ифодали ўқишнинг бу хусусиятини ўқитувчи, тарбиячи яхши билади. Шунинг учун ўқитувчи ифодали ўқишга пухта тайёрланиши лозим. Агар ўқитувчи ифодали ўқиса, асарнинг ғоявий мазмуни, унинг бадиий қиммати, фикр ва образларнинг бойлиги очилган бўлади, ўқувчилар эса бадиий асарни чуқур ва тўғри тушунишга одатланадилар. Бу эса ўқитувчининг ифодали ўқишига боғлиқдир. Яхши қироатхон асарнинг энг яхши текширувчиси ҳисобланади. Онглилик ва ифодалилиқ ўқишнинг асосий сифати бўлиб, булар бир-бири билан узвий боғланади.

Маълумки, бошланғич мактаб, мактабгача тарбия қироатхон-декламаторлар тайёрламайди. Бу боғча, мактабнинг вазифаси ўқувчи ва боғча болаларининг ифодали ўқиш малакасини тарбиялаш, ўрганилаётган асарнинг ғоявий мазмуни ва эмоционаллигини

ўқувчиларга ўргатишдан иборатдир. Ифодали ўқишнинг асосий вазифаси асарнинг мазмунини, эмоционаллигини товуш орқали ўқувчиларга кўргазмали қилиб кўрсатишдир.

Ўқувчи ифодали ўқиётган асарни тинглаб, унинг туб моҳиятини тушуниб олиш имкониятига эга бўлади, асар қаҳрамонларининг ички дунёсини, ҳатти-ҳаракатларини, руҳий кайфиятини тинглаб олишга ўрганади.

Ўқитувчи ёки тарбиячи бадий асарни овоз чиқариб ўқиётганда, болалар фикран унга эргашадилар ва ўқитувчи шарҳлаётганда, матнни кузатиб борадилар. Ўқитувчи асардаги воқеага ва асар қаҳрамонларига бефарқ қарай олмайди, аксинча, ўқувчиларнинг диққатини жалб этади. Ўқитувчи асарда тасвирланган воқеа ва бу воқеада иштирок этган образларнинг куч-қудрати ва олийжаноблигини зўр ҳаяжон билан ўқийди ҳамда ўқитувчи ўқиш вақтида шу воқеада иштирок этган салбий образларга нисбатан ўзида нафрат уйғотади ва бу ҳиссиётни ўқувчиларда ҳам кўзғатади. Бундай ўқиш натижасида ўқитувчи ўқувчиларни ўзига фикран эргаштириб боради, бадий сўз орқали уларга таъсир этади ва ҳаяжонлантиради, натижада ўқувчиларда айбдорни жазолаш, ижобий образларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, заифларини ҳимоя қилиш, ожизларни душмандан муҳофаза қилиш истаклари туғилади. Демак, ўқитувчи жонли сўзнинг таъсирчан кучидан синф ва синфдан ташқари ишларда шу хилда фойдаланади.

Ўқитувчи ўқувчиларга бадий асарни ифодали ўқиб бериш билан уларнинг ўйлаш, тасаввур этиш қобилиятларини ривожлантиради ва бадий дидини тарбиялайди. Бу масалалар ифодали ўқишнинг асосий вазифаларидандир. Ўқиш ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ифодали, гўзал, оҳангдор, таъсирчан, тўғри талаффузли бўлиши учун ёрдам беради, уларга оғзаки сўз санъатини ўргатиш учун хизмат қилади.

Ўқитувчи томонидан қўлланиладиган бадий сўзлаш турларидан бири қайта ҳикоя қилиш усулидир. Қайта ҳикоя қилиш ўқувчилар ўртасида кенг қўлланилади.

Қайта ҳикоя қилиш муҳим дидактик усуллардан бири бўлиб, ўқитувчи адабий-бадий асарларни, билимнинг турли соҳаларини ёритган илмий-оммабоп маълумотларни оғзаки баён қилган вақтда ёки газета, радио, телевидение ва бошқалардан олинган кундалик

воқеалар ҳақида маълумот берган вақтда бу дидактик усулдан фойдаланади.

Қайта ҳикоя қилиш билан ифодали ўқиш бир-бирига жуда яқин. Бирор бадиий асарни ифодали ўқиган вақтда қироатхон иложи бориचा муаллифнинг фикрига яқинлаштириб сўзлаб беришга, ёзувчининг нутқ услубини, асарнинг сюжет чизигини ва композициясини сақлашга ҳаракат қилади. У тингловчиларнинг асарни яхшироқ тушунишларига, ундан таъсирланишларига эришиш учун ифода воситалари йиғиндисидан, асосан, интонациядан, маълум даражада мимика, имо-ишоралардан фойдаланади. Бадиий асарни ифодали ўқийдиган қироатхон олдига қандай талаблар қўйилса, қайта ҳикоя қилувчи олдига ҳам ҳудди шундай талаблар қўйилади.

Агар қироатхон бадиий асар матнини сўзма-сўз, китобга қараб ўқиб берса, ҳикоя қилувчи, ҳикоя қилиш шартлари ва тингловчиларни ҳисобга олиб, ҳикояни “ўз ичидан чиқариб” баён этади, ҳикоя қилинадиган материалга нисбатан эркинроқ муносабатда бўлади, чунончи, асосий эътиборни асардаги бирор-бир воқеага қаратиб, муайян ғояни биринчи ўринга қўяди. Ҳикоя қилиш жараёнида эса муаллиф матнни қисқартириши, ундаги тушунилиши қийин сўзларни тингловчиларга тушунарли сўзлар билан алмаштириши мумкин. Умуман, ўқитувчи ижодий ҳикоя қилишда материални мустақил равишда танлайди, ҳикоя қилиш услубини яратади, тил воситалари ва баён этишнинг турли формаларидан фойдаланади.

Болалар табиатан таассуротга тез берилувчан бўладилар. Ўқитувчининг ҳаяжонли ҳикояси уларга қаттиқ таъсир этади ва уни бутун умр эсларидан чиқармайди, ҳикоянинг ғояси улар учун мустаҳкам ҳаётӣ қонун-қоидага, хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатларида асосӣ қўлланмага айланиб қолади.

Ўқитувчининг ҳикояси ўқувчилар учун билим манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар табиат ҳодисалари ва кишилар меҳнати ҳақида бошланғич тасаввурга эга бўладилар, теварак атрофдаги ҳаётга қандай муносабатда бўлишни ўрганадилар. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини билиб оладилар, меҳнаткашларимиз ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Қайта ҳикоя қилиш нутқнинг шундай бир турики, у болалар диққат- эътиборини ва қизиқишини тезда ўзига жалб этади ва ўқувчилар нутқининг ўсишига ижобӣ таъсир кўрсатади.



Ифодали ўқишнинг асосий принципи ўқиладиган асар ғояси ва бадиий қимматини чуқур тушунтиришдир. Бунинг учун ўқитувчи асарни ўқишга тайёрланаётганда уни яхшилаб ўқиб чиқади, мазмунини ўрганади, асарнинг ғояси, унда ифода этилган завқ-шавқ нимадан иборат эканлигини, ҳаётий воқеалар қандай тасвирланганини, воқеаларнинг қандай тартибда баён қилинганлигини ва асарда қандай кишилар иштирок этганини аниқлаб олади.

Ўқиладиган асарнинг тингловчиларга қанчалик тушунарли бўлишини ҳисобга олиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Бадиий матнни ўқувчиларга етказишда ифодали ўқишнинг қандай усулидан фойдаланиш кераклиги асар мазмунида сезилиб туради.

Асарни таъсирли ўқиш учун ўқитувчи ўз олдига қўйилган таълим-тарбиявий вазифани яхши англаб олиши лозим. Қайта ҳикоя қилишдан кузатилган мақсадга эришиш учун асарнинг ғоявий йўналишини, композицион қурилишдаги изчилликни ҳам мукаммал билиши зарур.

Ўқитувчи ифодали ўқиш ва қайта ҳикоя қилишда муваффақиятга эришиш учун доимо ўз тили устида ишлаши ва уни такомиллаштириб бориши керак. Бир хил оҳангда, айниқса, панд-насихат оҳангида ҳикоя қилиш болаларнинг асар мазмунига қизиқмай қолишларига сабаб бўлади. Ўқитувчи ўз ҳикояларининг тили устида қанча кўп ишласа, унинг нутқи шунча маъноли, ўткир ва тушунарли бўлиб боради, шу билан бирга, у ўз нутқ доираси тор эканлигини англаб, асарда тасвирланаётган воқеаларга бефарқ муносабатда бўлишни, воқеаларни қуруқ ва жозибасиз баён этишни йўқота боради.

Ифодали ўқиш ва қайта ҳикоя қилишни машқ қилиб бориш ўқитувчининг нутқини бойитади ва ўқитувчи нутқининг таркиб топиши учун асосий омиллардан ҳисобланиб қолади.

Нутқ техникасига ҳамиша етарли эътибор берилиши зарур. Чунки қайта ҳикоя қилиш ёки ифодали ўқиш жонли нутқ билан узвий равишда боғланади. Бинобарин, ўқитувчи ва ўқувчилар оғзаки нутқ малакаларини овоз, нафас олиш ва талаффузга доир махсус машқлар орқали мустаҳкамлаб борадилар. Бундай машқлар билан тез-тез, зарурият туғилса, ҳар бир машғулотда шуғулланиб туриш лозим. Мусиқа билан шуғулланувчилар чолғу асбоблари қилиш устида қанчалик кўп машқ қилсалар, ўқитувчилар ҳам нутқ техникаси машқлари билан шунчалик кўп шуғулланишлари керак.



Мустақил равишда нутқ ўстириш билан шуғулланишда нутқнинг ифодали, хаяжонли ва мантикий тўғри бўлишига бирданига эришиб бўлмайди, бунинг учун ўқитувчи ўз устида чидам, сабот ва матонат билан ишлаши лозим. Бу ифодали ўқиш ва қайта хикоя қилиш техникасини эгаллаш учун зарур омиллардандир, аynи замонда ўқитувчи нутқ техникаси устида ишлашда ўз-ўзини назорат қилиб бориши ҳам зарур.

Дастлаб киши сўзлаган вақтида ўзининг нафас ва овозидан фойдалана олиши, нутқ товушларини тўғри ва аниқ талаффуз этиши малакаларини текшириб кўриши зарур.

ИФОДАЛИ ЎҚИШ ТАРИХИДАН

Бадиий адабиёт пайдо бўлиши билан унинг ифодали ўқилиши, оғзаки ижрочилиги ҳам майдонга келди. Бадиий адабиётнинг шаклланиш босқичлари ғоят мураккаб, ранг-баранг бўлгани каби, унинг оғзаки ижрочилиги тараққиёти ҳам зиддиятлидир.

Жумладан, адабиёт ва санъат ҳам муайян маънода синкретик характерга эга бўлган қадимги даврда бадиий ва ифодали ўқиш санъати ҳам синкретик характер касб этган. Чунончи, бу даврда бадиий адабиёт яратувчилари аynи чоғда унинг ижрочилари сифатида ҳам донг таратганлар. Бадиий сўз санъаткори халқ ўртасида ижодкор эмас, балки ижрочи сифатида кўпроқ эътиборга эга бўлган. Жумладан, “Авесто”нинг яратувчилари, бора-бора унинг профессионал ижрочиларига айланиб қолган қоҳинлар тоифаси халқ орасида адиблар сифатидагина эмас, балки жонли сўз сеҳри билан мўъжизалар кўрсатувчи мутахассислар сифатида катта эътибор қозонганлар. Зотан, ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъатининг сарчашмалари тарихнинг жуда узок қатламларига бориб тақалади.

Профессор Н.М.Маллаев таъкидлаганидек, “бадиий сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод шаклида пайдо бўлади ҳамда ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. У оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, даврдан-даврга ўтади”. Тарихий тараққиёт давомида адабиёт билан бирга ижрочилик санъати ҳам ривож топа борди. Масалан, Ўрта Осиёда шоирлар билан бир қаторда, уларнинг асарларини ҳам мажлис-



пнжуманларда, кенг меҳнаткаш халқ оммаси орасида ижро этувчи санъаткорлар - ровийлар тоифаси пайдо бўлади.

Ровийлик ва ровийлар ҳақида тарихий манбаларда қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Низом Аруз Самарқандий маълумотига қараганда, Фирдавсий “Шоҳнома”ни ижод этгач, Али Дайлам унга хаттотлик, Абудулаф ровийлик қилган.

Улкан шарқшунос Э.Э.Бертельс ҳам ўрта асрларда ровийлар тоифаси мавжудлигини эътироф этади.

Кўринадики, қадимда бадиий сўз ижрочилигининг бутун бир йўналиши, ўзига хос мактабни ташкил этувчи ровийлар тоифаси катта шон-шухрат ва ижтимоий мавқега эга бўлган. Бироқ жамият тараққий қилиши билан ровийлик тармоқланиб, XV асрларга келганда, мустақил бадиий ижрочилик кўринишлари ва уларга мансуб ижрочилар тоифаси вояга ета бошлади. Жумладан, Алишер Навоий XV асрларга келиб бадиий сўз ижрочилиги санъатининг воизлик (нотиклик), қиссахонлик, бадиҳағўйлик, базлагўйлик (латифағўйлик), достонхонлик, қасидахонлик, ғазалхонлик санъати шаклланиб етилганлиги ҳақида муфассал маълумот беради. Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз Ҳиравий, Хожа Муайяд Меҳнагий, Мулла Калон Воиз Самарқандий, Қози Ўший, Мавлоно Риёзий, Баҳовуддин Валад, Жалолиддин Румий каби забардаст сўз санъаткорлари бадиий сўз ижрочилигининг бу даврда Шарқда машхур бўлган вакиллари дир.

Ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъатига хос бўлган бедилхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик билан бирга қиссағўйлик, ҳикояғўйлик, латифағўйлик, эртакчилик, кулгили ҳикояғўйликнинг тараққиёти бу санъатнинг жуда қадимий ва бой тарихга, маълум анъанага эга эканлигини англатади.

Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихида ифодали ўқиш санъатига бўлган эътибор алоҳида мавқе қасб этади.

Ўзбек педагогикаси тажрибалари ифодали ўқишни қуйи синфлардан бошлаб машқ қилишни ва уни кейинчалик аста-секин такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу тасодиф эмас, албатта. Чунки ифодали ўқиш санъати болаларнинг бадиий дидини шакллантирибгина қолмай, уларнинг маънавий чиниқишида, хотирасининг мустаҳкамланишида ҳам етакчи ўрин эгаллайди.


Ўтмишда шеърни тушуниб ўқишга катта эътибор берилганини Алишер Навоий қуйидагича ифодалайди:

*Ёдима мундоқ келур бир можаро,
Ким туфулият чоғи мактаб аро,
Истабон таишхиси хотир устод,
Назм ўқутурким, равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,
Бу “Гулистон” янглигу ул “Бўстон”.
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,
“Мантиқ-ут-тайр” айлаб эрди мултамас.*

Буюк шоирнинг ўзи болалик ва йигитлик пайтларидаёқ эллик минг байт, яъни юз минг мисра шеърни ёд билган ва улардан эстетик завқ олган. Бу ҳақида шоир шундай дейди: “Булардан доғи бошқа йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳр соз ва насрда фусун пардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абъетидан эллик мингдан ортиқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушҳоллигидан ўзумни овутубмен”.

Ифодали ўқиш санъатига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромни рус ва Европа халқлари педагогикаси тарихида ҳам яққол кузатиш мумкин. Жумладан, XVIII асрга келиб, Россияда ифодали ва бадий ўқиш санъати театр сахналаридан, адабий кечалардан кенг ўрин ола бошлади. Бу даврда декламация санъаткорлар томонидан бадий ўқиш деб номлана бошлади ва у, айниқса, илгор фикрловчи инсонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. XX аср бошларида эса, Россияда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ифодали ўқиш сахнани кенг миқёсда ишғол эта бошлади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Маннон Уйгур сингари етук педагогик-режиссёрлар ҳамда Н.Исомиддинхўжаев, Ш.Иноятов, Х.Юнусов, С.Қори каби талантли ёшлар бадий ўқишни сахнага олиб чиққан моҳир тарғиботчилар бўлишди. Улар театр сахналарида спектакллар бошланишидан олдин ёки антракт пайтида парда олдида чиқиб шеърхонлик қилардилар. Туркистонда янги-янги мактаблар (рус-тузем мактаблари) очилди. Мадраса ва масжитлар қошидаги эски маҳаллий мактаблар - “усули қадамия” ўрнига Ҳамза, Авлоний ва Айнийларнинг янги “усули жадидия” мактаблари майдонга келди.

Ҳамза, Авлоний ва Айнийлар ўзлари очган янги усулдаги мактаб ўқувчилари учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” каби ўқиш китоблари яратган эдиларки, уларда ифодали ўқишга алоҳида эътибор берилган.



Мактаб ва маориф тизими кун сайин ривожлана бошлади. Адабиётни ўқитиш масалалари “Нашри маориф”, “Маориф ва ўқитувчи” журналлари саҳифаларида тез-тез муҳокама этила бошланди. 1918 йилдаёқ етти йиллик мактаблар учун илк бор адабий ўқиш дастурлари тузилди. Бу дастурларда адабий ўқиш учун мавзулар танлаш, бу мавзулар қай йўсинда ўтилганда болаларнинг ёзма ва оғзаки нутқ малакаларининг ўсишига ёрдам бериши мумкинлиги ҳақидаги масалалар акс этди.

Кейинги дастур ва қўлланмалар янада такомиллаштирилди ва ифодали ўқиш санъатига бўлган эътибор мунтазам ортиб борди. Бугунги кунга келиб, ифодали ўқиш (декламация) санъати болалар боғчасидан бошлаб олий ўқув юртларигача дастурий тарзда мустаҳкам ўрин эгаллагани - бу соҳага бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўла олади.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ

Нотиқлик санъатининг тарихи жуда узоқ бўлиб, у эраиздан аввалги V аср бошларида Юнонистонда шакллана бошлади. Юнонистонда аристократия демократик тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишларида, халқ мажлисларида, сенат кенгашларида, суд ишларида ва йиғинларда мамлакатнинг ҳар бир озодаки киши эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айлана борган.

Нотиқлик санъатининг йирик намоёндаси Цицерон бу санъатга катта баҳо беради. У икки хил санъатни - лашкарбошилиқ ва нотиқлик санъатини тан олади.

Нотиқликнинг ниҳоят даражада оғир ва сермашаққатлилиги, шу билан бир қаторда, жуда шарафли эканлигини чуқур ҳис қилган Плутарх ҳам бу санъатни ҳаётий зарурият деб билади. Суд ишларида ўрнатилган тартиб нотиқлик санъатининг юксалишига катта бир туртки бўлди. Суд жараёнида жавобгар ўзига қўйилаётгани айбнинг асоссизлигини исботлаб гапириши, даъвогар эса ўз фикрида қаттиқ туриши, уни қоралаши лозим эди. Лекин ҳамма ҳам чиройли сўзлаш қобилиятига эга бўлавермайдди. Шунинг натижасида нутқ матнларини ёзиб берадиган билимдон кишиларга эҳтиёж



туғила бошлади ва ёзма нутқ санъатини яхши эгаллаган нотикларни ўша замон тили билан “логографлар” деб атай бошладилар.

Логографлар судга иши тушган кишиларнинг хожатини чиқариб, шундан оладиган қалам ҳақи эвазига кун кечирганлар. Логографиянинг тирикчилик воситасига айланиши нотиклик санъатининг равақ топишида катта роль ўйнади.


Нотиклик санъатининг кенг кўламда қанот ёйиши эса, ўз навбатида, унинг суд нотиклиги, ҳарбий нотиклик, сиёсий нотиклик каби шахобчаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Судда гапириладиган чиройли нутқ ўрнини эндиликда аниқ қонуниятга эга бўлган суд нотиклиги эгаллади. Орадан бироз вақт ўтгач, нотикликнинг яна бир тури – эпидейктик, тантанали нутқ услуби пайдо бўлди.

Нотиклик санъати қанчалик тез ривож топмасин, барибир у адабий фаолиятга қўшилмас, чиройли нутқ матнлари эса бирор ерда нашр этилмас эди.

Эпидейктик нотикликда баландпарвоз сўзлар ишлатилар, шунинг учун ҳам бундай нутқ матнини тайёрлаш анчагина изланишни талаб қилар эди. Бинобарин, логографлар ўзларидан олдин ўтган салафларининг меросига ва халқ оғзаки ижодига мурожаат эта бошладилар. Шу тариқа чиройли сўзлаш санъати - нотиклик санъати аста-секин шаклланиб, бадиий адабиётнинг равақида катта роль ўйнади: трагедия, комедия ва роман жанрларининг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

Булардан ташқари, нотиклик санъатининг ривожи адабий тилнинг шаклланишига, нотиклик санъатининг назариясидан иборат бўлган “Риторика” илмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Римдаги барча шоирлар ва нотиклар шу мактабдан, яъни риторика мактабидан таълим олганлар.

Нотиклик санъати, демак, мураккаб санъат бўлиб, уни эгаллаш кишидан кунт ва чидам, малака ва тажрибани талаб этади. Бу санъатни эгалламай туриб, хонани (аудиторияни) жалб этиш мумкин эмас. Шу боисдан нотиклик санъати предмети - оғзаки ва ёзма нутқни тингловчиларга жонли, ифодали ва таъсирчан етказиш малакасини эгаллаш ҳақида тушунча беради. Шу тариқа бадиий адабиётдан усталик билан фойдаланиш нутқнинг равақ, ёқимли ва ажойиб тарзда бўлишига олиб келади. Нутқда мақол, матал, идиоматик иборалар, ҳикматли сўзларни ўринли ишлата билиш ҳам



Ўзига хос санъат бўлиб, нотиклик санъати предметиға тегишлидир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг “Сўз кўрки - мақол” деб айтгани бежиз эмас.

Нотиклик санъати жуда мураккаб ва масъулиятли соҳа бўлиб, нотикдан ўз устида пухта ишлашни, нотиклик маҳоратини тобора ошириб боришни талаб қилади.

Маърузачилар нотиклик санъатини қанчалик қунт билан эгалласалар, тингловчилар диққатини шунчалик кўп жалб этадилар. Шунингдек, улар нутқининг таъсир кучи ва самарадорлиги ошади.

Ўтмишдаги машҳур нотикларнинг тажрибасини ўрганаётганда қуйидагиларға эътибор бериш лозим:

1. Нотиклик санъати ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлади.

Нотикликнинг:

- а) ижтимоий-сиёсий нотиклик;
- б) савдо нотиклиги;
- в) суд нотиклиги;
- г) академик-илмий нотиклик;
- д) дипломат нотиклик;
- е) ҳарбий нотиклик;
- ё) урф-одат нотиклиги каби турлари бор.

2. Нотиклик тарихий воқеадир. Ҳар бир давр минбарға ўз нотиғини чиқаради, ҳар бир синф ўз нотиғини етиштиради.

3. Нотиклик санъатида умумий қонуниятлар ҳам намоён бўлади. Нотик аудитория билан мустаҳкам алоқада бўлганида, унинг нутқи халқнинг ўйлари ва ишларини ифода этгандагина муваффақиятға эриша олади.

Чинакам нутқ катта маҳорат ва пухта тайёргарликнинг маҳсулидир. Пухта ва таъсирчан нутқ ҳамма вақт ҳам омманинг илгор қисми томонидан мамнуният билан кутиб олинган ва қадрланган. Омма ҳамма жойда ўз дилидагини топиб гапирувчи ажойиб, ёрқин нутқли кишиларни ёқтирган ва ҳурмат қилган. Бундай кишилар ўз нутқларининг ишонтириш қуввати, ҳаётийлиги, халққа тушунарлилиги билан эътибор қозонганлар. Халқ куруқ, дабдабали сўзларни ирод қилувчи, тингловчининг вақтини олувчи, тўғри йўлдан чапигитувчи маҳмадоналарни ёқтирмаган ва улардан юз ўгирган.

Оддий, маданий ва саводли гапиришни ўрганган тарғиботчи нотиклик санъатини эгаллашға биринчи қадамни қўйган ҳисоблана-

ди. Яна ҳам олға кетиш учун эса ёрқин образли, равон гапиришни ўргана бориш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир тарғиботчи, тажрибали нотик ўтмишдаги таникли нотиклар фаолиятини, нутқий услубини тинмай ўргана бориши ва уларни ўз фаолиятида ижодий қўллай билиши, ҳаётга тадбиқ эта олиши керак.

Демократия, яъни сўз эркинлиги бўлган жойда, нотикларнинг фикр ва ҳиссиётлари илғор синфларнинг манфаатлари билан мос келган жойдагина нотиклик санъати юксак даражага кўтарила олади. Шу боисдан ҳам нотиклик санъатининг онаси демократиядир.

Нотиклик санъати - энг қадимги санъат турларидан бири. Бу санъат дастлаб Миср, Ассирия, Вавилон ва бошқа қадимий давлатларда пайдо бўлган бўлса-да, асосан Грецияда ривожланди, раван топди.

Қадимги Грецияда буюк нотиклар етишиб чикди.

Нотиклар томонидан яратилган нутқ матнлари насрий ва поэтик ижод намунаси ҳисобланган. Бундай ижодкор нотикларнинг номи ўз мамлакати доирасидан чиқиб, жаҳонга маълум ва машҳур бўлган. Аристотель, Демосфен ва Цицеронлар шулар жумласидандир.

АРИСТОТЕЛЬ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўрта Осиёда Арасту номи билан машҳур бўлган Аристотель эрамиздан аввал, 384 йили Стагир (Македония ярим оролидаги Халкидик)да врач оиласида дунёга келади. Унинг отаси Никомах Александр Македонскийнинг ҳукмдор аждодлари саройида врачлик қилган.

Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган Платонга шогирд тушади.

Платоннинг вафотидан сўнг, Аристотель 347 йили Афинадан Троад томон ўтиб, Ассосга боради. Чунки бу ерда устозининг таърифдорлари кўп эди. Унга, айниқса, зўравон, золим Гермий ҳомийлик қилади. Аристотель Гермий вафотидан кейин, Лесбос ярим оролидаги Митилен шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда 342 йилгача яшайди.

342 йили Македония подшоси Филипп ўзининг Александр номли 13 ёшли ўғлининг тарбияси учун Аристотелни Митиленда чақириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кутуб-



хона ташкил этади.

Шу даврда Грецияда чиройли сўзлашга кизиқиш кучайиб кетган эди. Бунинг натижасида қатор нотиклик мактаблари очилди. Бу мактабларда сўз санъати усталари шогирдлар етиштириб чиқарар эди. Кейинчалик чиройли сўзлаш ҳақида қўлланмалар майдонга келди. Шундай асарлардан бири Аристотелнинг “Риторика” номли китобидир. Буюк олим уни машҳур “Поэтика” асаридан сўнг, яъни эрамиздан олдинги 330 йилларда, Афинага сўнгги мурта қайтиб келганида ёзган эди.

Маълумки, унғача Анаксимен Лампсак ҳам “Риторика” номли қўлланма яратган эди. Бу икки асар бир-бирига тамоман ўхшамайди. Уларнинг биринчиси қўлланма бўлса, иккинчиси чиройли сўзлар назарияси бўйича илмий мулоҳазалардан иборат.

Аристотелнинг “Риторика”си уч китобдан ташкил топган. Асарнинг биринчи ва иккинчи китоблари, асосан, чиройли сўзлаш, инжонтириш методлари ҳақида фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлса, учинчи китобда нутқ мантикига жуда катта аҳамият берилади. Олимнинг фикрича, нотик тилидаги турли “қоришмалар”, яъни сўзларнинг нотўғри ва ноўрин талаффуз қилиниши, жумлаларнинг мантиқан ҳар хил тузилиши сўзловчининг катта хатосидир. Аристотель ҳар бир жумланинг асосий фикрни ифода этишга қаратилиши, равион ва тингловчи тушунадиган даражада содда бўлишини алоҳида уқтиради. Бундан ташқари, Аристотель нотикни аудиторияни ўзига жалб этиши учун ҳазил-мутойиба сўзлар билан лирик чекиниш қилиб, тингловчиларни ҳаяжонлантира билиши зарурлигини, агар турли кўргазмали куруллардан фойдаланса, ҳар хил эпитет, чоғиштириш ва метафораларни қўлласа, нутқнинг таъсирчанлиги янада ошишини, аммо келтирилган мисоллар кўпайиб кетиб, тингловчини зериктириб қўймаслиги кераклигини ҳам таъкидлайди.

Аристотель нотиклик санъатини эгаллашни 5 қисмга бўлиб ўргатади:

1. Материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш);
2. Материални жойлаштириш шакли (режаси) ;
3. Материални эслаб қолиш (ўзлаштириш);
4. Материални сўз ёрдамида тўғри акс эттириш;
5. Материални тўғри талаффуз этиш.

Аристотель фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.



ДЕМОСФЕН ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Умрини она ватанининг гуллаб-яшнашига багишлаган давлат арбоби, машхур нотик Демосфен эрамиздан олдинги 348 йилда Афинада ўзига тўқ оилада дунёга келади. Унинг отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, кулол-яроғ устахонасининг эгаси эди.

Бўлажак нотик беш ёшга тўлганида отасидан ажралди. Демосфен билан синглисига отадан катта мерос қолади. Болаларнинг тарбияси ва мерос вақтинча тоғасига топширилади. Тоға эса барча бойликларни қўлга киритиб олгач, болаларнинг тарбияси билан қизикмайди. Натижада, Демосфен жуда нимжон ва касалман бўлиб ўсади.

Демосфен вояга етгач, тоғаси унга фақат қуллари, уйи ва уй жихозларини ҳамда пулининг маълум қисминигина бериб алдайди. Демосфен тоғасидан мол-мулкнинг қолганини ҳам яхшилик қайтариб беришини сўрайди. Бироқ тоға бундан бош тортганидан кейин, у қолган меросни суд орқали ундириб олишга қарор қилади. Судда муваффақият қозониш учун Афина давлат қонунларини яхши билиш, шу билан бирга равон сўзлаш, даъвосининг тўғрилигига ишонтириш керак эди. Шу сабабли Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун ўз даврида мерос ишлари бўйича машхур бўлган адвокат Исей мактабида таълим олишга мажбур бўлади. Тўрт йил давомида кунт билан ўқийди ва бу даврда кўпгина ёзувчиларнинг асарлари билан танишиб чиқади. Айниқса, машхур тарихчи Фукидид ва файласуф Платоннинг танланган асарларини пухта ўрганади. Бўлажак нотик Фукидид асарларини саккиз марта қайта кўчириб ёзиб, уни деярли ёддан ўзлаштиради.

Демосфен ўқишни тугатгач, васийлари билан судлашади ва суд беш йил давом этади. Бир неча йил сурункасига бўлган кураб бўлажак нотик характерининг тобланишида, бир сўзли ва матонатли бўлишида катта роль ўйнади.

Ёшлик чоғларидаёқ кўпчилик олдида сўзга чиқишни орқилиб юрган Демосфен ўқиш йилларида ўқитувчиси билан сўз мажлисларига қатнашади. Демосфен нотиклик билан шуғулланишдан аввал ўз устози йўлидан бориб, бошқаларга судда сўзланадиган нутқ матнини ёзиб берар ва бу ишлари учун яхшигина ҳақ олар эди. Бора-бора нутқий матнлар ёзиш Демосфенни кониктирмайди. Оташин ватанпарвар сифатида ижтимоий фаолиятини ватанни

равнақи йўлида сарфлашни орзу қилади.

Ёш нотикнинг халқ олдидаги биринчи нутқи аянчли ҳолда: тўполон, кулги, қийқирик, хуштак чалиб масхаралаш билан қарши олинади. У ўз нутқини тугатолмай минбардан тушишга мажбур бўлади.

Демосфен нутқининг бундай аянчли тугаши табиий эди, чунки унинг товуши жуда паст бўлиб, бироз дудукланар, “р” ҳарфини тўғри талаффуз этолмас, ғудраниб, мужмал гапирар эди. Булардан ташқари, унинг елкасини қимирлатиб турадиган одати ҳам бўлиб, кўпчилик орасида ўзини тўғри тута олмас эди.

Халқ мажлисларидан бирида у ўзини яна бир синаб кўради. Лекин бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шундан сўнг ўз нутқидаги камчиликларни такрорламаслик учун астойдил бош котиради. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида қайта-қайта машқ қилади. Ҳатто оғзига тош солиб, “р” товушини тўғри талаффуз этиш учун кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам худди шу товушни қайтаради.

Ниҳоят узоқ муддатли тинимсиз машқлардан сўнг Демосфен ўз мақсадига эришади: машҳур нотик бўлиб етишади. Аммо, шунга қирамай, у ҳеч қачон тайёргарликсиз нутқ сўзламас, олдиндан ёзиб кўйилган матнни ёдлаб олар, ҳар бир сўз устида пухта ўйлар, жумлаларни аниқ ва чиройли тузишга ҳаракат қилар эди. Улуғ нотикнинг нутқи шу қадар содда, равон, мантиқан пухта ва жозибали бўлардики, бу фақат машаққатли меҳнат самараси эди.

Демосфен ҳеч вақт бўлмағур сафсаталарни ёқтирмас, хотир-жамлик билан тингловчиларнинг фикрини ўзига тортар, ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ҳақлигига ишонтириш учун бутун куч-қувватини сарфлар эди.

Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида ҳам иштирок эта бошлади. У ўзининг бутун таланти ва билимини ватанининг душмани - македониялик подшо Филиппга қаратади. Афина давлати Македония раҳбарлигига ўтгач, Демосфен душманлари қайтадан бош кўтардилар. Бундан бир неча йил илгари халқ партияси Демосфеннинг ватанпарварлигини юксак баҳолаб, уни “Олтин гулчамбар” билан тақдирлашга тавсия этган, халқ мажлиси ҳам бунини қабул қилган эди. Македония тарафдорлари бу қарорга қарши чиқадилар. Ҳатто ўз даврининг машҳур нотикларидан бўлган Эсхил мажлис қарори устидан судга шикоят қилиб




ариза беради. У халқ мажлисининг нотўғри қарор чиқарганлигини исботлашга уриниб, Демосфеннинг бундай олий мукофотга муносиб эмаслигини уқтиради. Қайта бўлган суд икки буюк нотикнинг яккама-якка олишувига айланиб кетади. Суд бўлаётган майдонга шунчалик кўп халқ тўпланган эдики, бу издиҳом гўё мавж уриб турган денгизни эслатарди. Демосфенни қоралаб сўзга чиққан Эсхил тамомила куракда турмайдиган гаплар билан тухмат тошини ота бошлайди. “Гулчамбар”ни ҳимоя қилиш мақсадида сўз олган Демосфен эса, ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида тинмай курашганини, шу билан бирга, Эсхилнинг сотқинликдан иборат фаолиятини ёрқин нутқида образли тарзда тасвирлаб беради. Ғанимларнинг қаршилигига қарамай, суд жуда тўғри ва оқилона қарор чиқаради. Суд ҳукмига мувофиқ Эсхилга катта суммада жарима солиниб, Афинадан бадарға қилинади.

Демосфеннинг “Гулчамбар” ҳақидаги нутқи фақат Эсхил устидан қозонилган ғалабагина эмас, балки Афина ва бутун Грециядаги ватанпарварларнинг тантанаси ҳам эди. Суддаги муваффақиятдан сўнг Демосфеннинг обрўси янада ошади. Бироқ турли сабабларга кўра Македония билан Афина ўртасида бошланиб кетган урушда афиналиклар мағлуб бўлиб, барча ватанпарварлар бадарға қилинади. Фақат аристократ бойларагина сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар берилади. Демосфен сиртдан ўлимга маҳкум этилади. Шундан сўнг у Калаври оролига қочиб бориб, Посейдон ибодатхонасига яширинади. Ўша вақтларда ибодатхонага қочиб кирган одамни, ким бўлишидан қатъий назар, қамаш ёки ўлдириш мумкин эмас эди. Чунки у худонинг паноҳи ва ҳимоясида ҳисобланар эди.

Душманлари Демосфеннинг яширинган еридан хабар топиб, уни тириклайин қўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Улар нотикқа бўлмагур ваъдаларни бериб, Антипатра ҳузурига олиб бормокчи бўладилар. Демосфен ёвуз ниятни фаҳмлагач, уйига хат ёзиш баҳонаси билан ибодатхонанинг ичкарасига кириб захар ичади.

Буюк нотик эрамиздан олдинги 322 йилнинг 12 октябрида дунёдан ўтади.



ЦИЦЕРОН ҲАКИДА МАЪЛУМОТ

Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 103 йилда Римдан унча узоқ бўлмаган Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келади. Унинг болалик йиллари Арпина шаҳридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси ўз фарзандига таълим-тарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда юнон мураббийлари қўлида тахсил кўради, юнон тили ва адабиётини мукамал эгаллагач, Юнонистоннинг машҳур сўз усталари Лициний Красс ва Марк Антоний каби нотиклардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади. Уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди.


Бўлажак нотик айна вақтда фалсафа билан ҳам шуғулланади. Лекин уни кўпроқ нотиклик қизиқтиради. Цицерон нотикларнинг турли мимика ва ҳаракатлар билан сўзлашаётганини кўриб, нотик бўлиш учун актёрликдан ҳам хабардор бўлиш керак экан, деган ҳулосага келади. Шунинг учун Эзоп ва Росций каби ўз даврининг машҳур актёрларидан сабоқ олади.

Цицерон узоқ тайёргарликдан сўнг, 25 ёшида халқ олдида биринчи маротаба нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал фуқаролик, сўнгра жиноий иш жараёни юзасидан гапиради. Бироқ унинг бу нутқига давлат бошлиқларидан Сулл ва Котт исмли машҳур нотиклар қарши чиқади. Шундан кейин у риторика ва фалсафа фанларидан мукамалроқ назарий билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотикларидан ҳисобланган Антио Аскалон-скийдан таълим олади, машҳур сўз усталаридан ўрганиш ниятида Кичик Осиёнинг бир қанча шаҳарларини кезиб чиқади.

У анча вақтгача нутқ сўзлашда янги усуллар қидиради. Ниҳоят Осиё ҳамда Аттика усуллари омухтасидан иборат бўлган янги бир услубни кашф этади.

Цицерон ўз замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари ўз фиолиятининг дастлабки даврларидаёқ нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради.

Цицерон Осиёга саёҳат қилиб, нотиклик санъатининг сирларини ўрганиб юрган вақтда Рим ҳукмдори Сулл вафот этади. Шундан сўнг ёш нотик Римга қайтиб келади ва 31 ёшидан бошлаб давлат ишларида иштирок этади.




Цицерон консуллик лавозимига сайлангач, бутун нотиқлик маҳоратини сиёсий нутқларга бағишлайди. У суддаги нутқларида ўзи яратган усуллардан фойдаланиб, рақибларини “қўл-оёғи боғланган куёндай таслим қилди”.

Рулл томонидан қабул қилинган сенат қонунларини қаттиқ қоралаб, Рулл тарафдорларини ўлдириб юборди. Келгуси йили Цицерон ўрнига Цезарь консуль (59 йил) бўлиб сайлангач, сенатнинг Рулл проектига жуда янги бўлган қонунлари қабул этилади. Габини ва Пизонлар ўзлари консуль бўлиб иш бошлаган 58 йилнинг дастлабки даврида Цицеронни Римдан бадарға қилиш ҳақида қонун чиқаришга ҳаракат қиладилар. Душманлари томонидан қасос олиниши муқаррар эканлигига ишонган нотиқ қонун проекти чиқмасданок Юнонистонга жўнаб кетади.

Ватандан ҳайдалиши Цицерон учун ниҳоят даражада оғир бўлди. У салкам бир ярим йилдан сўнггина дўстларининг ёрдами билан Италияга қайтиб келиш учун рухсат олади. Она Ватанига бўлган чексиз муҳаббати буюк нотиқнинг илҳомини тагин ҳам жўш урдиради. У нутқ назарияси устида тинимсиз ижод қила бошлайди. Орадан кўп ўтмай, машаққатли меҳнат самараси сифатида уч китобдан иборат “Нотиқлар ҳақида” асари дунёга келади. Асар муаллифи унда нотиқларнинг одамлар дилига кўркув, ғазаб ва қайғу сола билиши ва аксинча, бу хилдаги ҳаяжонли ҳолатлардан кишиларни халос қилиб, уларнинг руҳида хотиржамлик, меҳр-шафқат ҳисларини уйғота олиши керак, деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, агар нотиқ одамларнинг турли-туман характерларини сезмаса, инсон табиатига хос умумий хусусиятларни билмаса, ҳар бир кишини гоҳ безовта қиладиган, гоҳ тинчлантирадиган сабабларни тушунмаса, ҳеч қачон ўзининг мақсадига эриша олмайди.

Цицерон “Брут”, “Нотиқ” номли бошқа асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил фикр юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалари билан майдонга чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотиқнинг кўзда тутган асосий мақсади - тингловчининг завқини уйғотиб, ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотиқ шароитга қараб, мавжуд услубларнинг ҳаммасидан баробар фойдаланиши зарур.

Цицерон бу фикрини давом эттириб, кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуг



ходисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа ҳижолаарнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик, сўзларни тўғри талаффуз этиш, грамматик қоидаларга катта эътибор бериш каби нотиклик санъатининг муҳим масалалари ҳам Цицерон асарларида ўзининг тўла ғойадасини топган.

Тингловчини толиқтириб қўймаслик учун нутқ давомида кўтаринки услубни бир парда пасайтириб, суд ишига алоқадор бўлган кишиларнинг гоҳ салбий, гоҳ ижобий тавсифини бериш, илгари ўтган машҳур зотлар ҳақидаги бирон латифани эслатиб кетиш лозим бўлиб қолганда, баъзи бир ҳаётий манзараларни, драматик воқеаларни эслаш, ўрнига қараб, бирор ҳикматли сўз, макол ёки қочирик гапни қистириб ўтиш – Цицероннинг энг севган усулларидан эди.


Цезарь вафотидан сўнг унинг набираси Октавиан давлатни бошқаради. У ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Цицероннинг сенат олдидаги мавқеи ва обрўсидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ Цицерон Октавианга ишонмайди. Цицероннинг душманлари янги ҳукмдорни ўзлари томонга оғдириб олгач, ундан буюк нотикни катта этишни талаб қиладилар. Шундай қилиб, сўз санъатининг моҳир устаси шафқатсиз жазога ҳукм этилади. Олдин унинг ўнг қўли қиркиб ташланади, сўнгра боши танасидан жудо қилинади.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаган, обрўсини оширган нарсаси - унинг ажойиб, такрорланмас нутқлари бўлди.

ҚАДИМГИ ШАРҚДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадиий дидли кишиларни қадрлаб келганлар. Ўша даврда нотиклик санъати **воизлик**, нотик **воиз**, нутқ эса **ваъз** деб аталган.

Ўрта Осиё халқлари, хусусан IX-XV асрларда дунё маданияти таракқиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олди. Ўрта аср фани, маданияти Хоразмий, Фарғоний,



Фаробий, ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Жомий, Навоий каби улуг сиймоларнинг номлари билан характерланади.

Бу мутафаккир, шоир, санъаткорлар яшаган давр Шарк тарихида Уйғониш даври деб аталади. Бу даврда маданият, санъат, илм-фан равнақ топди. Фан ва маданият тарғиботчилари - воизлар етишиб чиқди. Воизликни кадрловчи фикрлар вужудга келди.

Ўрта аср Шарқининг буюк алломалари орасида машхур табиб, файласуф, шоир Абу Али ибн Сино (980-1037) алоҳида ўрин тутди. Буюк мутафаккир нон деб виждонни, шараф-шон деб имонни тикадиган риёкорларга лоқайд қараб тура олмаган:

*Ўзни доно билган уч-тўртта нодон,
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса “кофир” деб қилишар эълон.*

Умуман, мусулмон Шарқи маданиятининг зарваракларини ташкил этувчи нотиклик санъати тарихига оид талайгина манбалар бор бўлса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас.


Алишер Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиши билан бирга, кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда ҳам кадрловчи, улуғловчи, бундай санъат усталарига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи бир шахс эди.

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила, -*

деб, ҳар бир кишини ўзининг билимли бўлиб етишишига сабаб бўлувчи мухтарам зот – устоз шаънини улуғлашга, уни кадрлашга даъват этган.

Алишер Навоий нотиклик санъатининг буюк қудратига алоҳида эътибор беради. “Махбуб ул-қулуб” номли фалсафий асарининг 24-фаслини “Насихат аҳли ва воизлар зикрида” деб атайти ва бунда воизлик санъатига, ваъзга, воизга ўз муносабатини билдиради.


Ўша даврнинг машхур нотикларидан бири Мавлоно Риёзий-нинг нотиклик фаолиятида нутқни ҳаракат билан, мимика билан



кўшиб олиб бориш устун бўлган. У ўз нутқини актёрлар каби ижро этган. Навоийнинг ёзишича: “Ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорини ўқур, йиғлаб важди ҳол қилур”. Кўринадики, Риёзий нутқ сўзлаганда, унинг таъсирчанлигини таъминлашда ижрочиликни биринчи ўринга қўяди.

Алишер Навоий томонидан ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинган нотиклардан яна бири **Хусайн Воиз Кошифийдир**. У сабзаворлик бўлиб, тугилган йили номаълум. 1504-1505 йилларда вафот этган Хусайн Воиз Кошифий воиз сифатида ўша даврда энг машхур кишилардан бўлиши билан бирга, ўз даврининг забардаст олими, астрономи, шоири ҳам эди.

Алишер Навоий давридаги машхур нотиклардан яна бири **Мавлоно Муин Воиздир**. У ҳақда Навоий: “Ҳоло ўзи дағи азим воиздурур ва муридлари кўп”, - деб ёзади. Кўринадики, Муин Воиз нотикқина бўлиб қолмай, ўзининг нотиклик мактабига, шогирдларига ҳам эга бўлган. Бундан англашиладики, Муин Воиз нутқининг ижрочилик томонига алоҳида эътибор қилган ва бутун хатти-ҳаракатларини, имо-ишорасини ўринли ишга сола билган.





НУТҚ ТЕХНИКАСИ

“Нутқ техникаси” дейилганда, ўқиш ва сўзлаш мобайнида тўғри нафас олиш, овоз ва талаффуз тушунилади. Мана шунга кўра, ифодали ўқишни эгаллашда 3 муҳим масала кўзда тутилади:

1. Нутқ жараёнида нафас олишдан фойдалана билиш;
2. Ҳар бир товушнинг тўғри артикуляциясини ва аниқ дикциясини эгаллаш;
3. Адабий талаффуз нормаларини эгаллаш.

Ифодали ўқишда асосий воситалардан бири овоздир. Овоз нафас олиш билан узвий боғланади, нафас олмасдан товуш чиқариб бўлмайди, сўзлаш учун эса аввал ўпка ҳаво билан тўлдирилади, ҳатто қатор сўзларни гапирган вақтимизда ҳам, бир қием ҳаво ўпкамизда қолади. Бундан маълум бўладики, биз сўзлаган вақтимизда ўпкамизни кўшимча ҳаво захираси билан доим тўлдириб турамиз. Тўғри нафас олиш овоз пайчаларини чарчаб қолишдан, кекирдак (бўғиз)нинг касалланишидан, хириллашидан сақлайди. Демак, тўғри нафас олиш товушнинг ва нутқнинг жаранглаб чиқиши учунгина эмас, ҳатто кишининг соғлиғи учун ҳам зарур, бу масалани тарбиячи ва ўқитувчи асло унутмаслиги лозим.

Мана шу фикрларга асосан, мактабгача таълим муассасаси ва бошланғич мактабда ўқувчиларни тўғри нафас олишга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масала тарбиячи ва ўқитувчининг диққат марказида туриши зарур.

1-синф ўқувчиларини логик паузада нафас олишга ўргатиш лозим. Ўқитувчи мана шундай ўринларда ўқувчиларнинг бурун орқали осойишталик билан секин-аста, елкаларни кўтармасдан нафас олишларини кузатиб боради. 2–4-синфларда эса бу кўникма ўқитувчининг кузатишлари билан мустаҳкамланиб боради.

ОВОЗ

Сўзларни талаффуз қилаётганимизда ўпкамиздан ҳаво чиқарамиз. Бунда ҳаво нафас йўли орқали бўғизга ўтади, у ерда товуш пайчаларини тебратади, натижада товуш ҳосил бўлади.



Ана шу товуш овоз деб аталади.

Овоз кучли, жарангли, соф ва ширали бўлиши керак. Талаб даражасидаги овозга эга бўлмаган, хирилдоқ, бўғиқ овозли кишининг мактабда ўқитувчилик касбида ишлаши мумкин эмас. Овоздаги кичик нуқсонларни кўпроқ машқ қилиш билан йўқотиш, сира бўлмаса, сезилмайдиган даражага келтириш мумкин. Овозни эҳтиёт қилиш учун маълум тартибга риоя қилиш, яъни товуш пайчаларини зўриқтирмаслик, иссиқлаб туриб совуқ ҳавога чиқмаслик, қаттиқ совуқда кўчада иложи борица камроқ гапириш керак.

Овоз кучли-кучсиз, паст-баланд, ингичка-йўғон, узун-қисқа, тезлик (маром)га, ёқимли - ёқимсизлик (тебраниш) каби хусусиятларга эга бўлади. Овознинг ана шу хусусиятлари ифодали ўқишга таъсир этади. Ўқитувчи бинонинг катта-кичиклигига, тингловчилар сонига қараб, овозини пасайтириши ёки баландлатиши керак.

Материалнинг мазмунига, бадий хусусиятига қараб, кироатхон баланд, ўртача ва паст овоз билан ўқиши мумкин. Матн фақат баланд ёки фақат паст овоз билан ўқилса, тингловчи зерикиб қолади ва бундай ўқишдан эстетик завқ ололмайди.

Ўзингизнинг қандай гапираётганингизни ёки ёнингизда турган кишининг қандай гапираётганини эшитинг. Шунда паст, баланд ва ўртача товушни, яъни овоз оҳангининг ўзгаришини фарқ қила olasиз. Овознинг ўзгаришини кузатиш учун, масалан, "Ер хайдасанг, куз хайда, куз хайдамасанг, юз хайда" мақолини талаффуз қилинг. Овоз ҳаракатини шартли равишда қуйидагича чизик билан кўрсатиш мумкин:

Ер хайдасанг, куз хайда, куз хайдамасанг, юз хайда.

Ёки: Аввал ўйла, кейин сўйла.

Овознинг паст-баландлик даражаси ўзгариб, нутқ охангини ҳосил қилади.

Овозни паст-баландлик жиҳатдан ўртача қилиб тарбиялаш керак.

Одатдаги нутқимиз ҳеч вақт бир хил маромда бўлмайди. Сўзловчи ўз нутқининг маромини гоҳ секинлаштиради, гоҳ тезлаштиради, у ўз хоҳиши билан секин, ўртача ва тез маромни танлаб олиши мумкин. Қайси темпнинг танлаб олиниши - ўқиладиган асарда тасвирланган фикрга, воқеага ва бошқа кўпгина сабабларга

боғлиқ. Овозни тараққий эттириш жараёнида унинг узун-қискалиқ даражасини алмаштиришни ҳам машқ қилиш лозим. Машқ қилиш йўли билангина нутқ мароми ва оҳангини сеза олиш мумкин. Ўқитувчи шошмаслиги, нутқ темпини бекордан-бекорга тезлатишга йўл қўймаслиги керак. У ўз нутқи орқали осойишта ва равон маромни эгаллаши лозим.

Овоз ўзининг кучли-кучсизлиги, паст-баландлиги, узун-қискалигидан ташқари, ёқимли-ёқимсизлиги, яъни тебраниши билан ҳам фарқ қилади. Овознинг чиқишига, унинг таркиб топишига биринчи товуш (харф) катта таъсир қилади ва товушларнинг бирин-кетин чиқиши овозларнинг ўткир, жарангли ва ёқимли бўлишига ёрдам беради. Бу фикрни исботлаш учун сонор (м, н, л), ҳам унли (а, у, ў, э, о) товушлардан фойдаланамиз. Масалан: сонор товушлар билан унли товушларни қўшиб бўғин ташкил қилганда, товушлар мусиқа нотаси каби янграйди:

Ма, мў, му, ми, мэ, мо,

На, нў, ну, ни, нэ, но;

Ла, лў, лу, ли, лэ, ло.

Овоз устида ишлаш осон эмас. Аммо ўз олдига тўғри гапиришга эришишни қатъий мақсад қилиб қўйган киши ўз овозини тўғри тарбиялай олади.

ДИКЦИЯ (ТАЛАФФУЗ)

Ўқитувчи ҳар бир сўзни тўғри ва аниқ талаффуз қилиши лозим, чунки у ўқувчиларга бенуксон сўзлашни ўргатади ва улардан ҳар бир сўз, бўғин ва товушни тўғри ва аниқ талаффуз қилишни талаб этади. Бунга, албатта, мунтазам равишда машқ қилиш орқали эришилади. Сўз, бўғин ва товушни тўғри ва аниқ талаффуз этиш, яъни аниқ, равшан, бурро гапириш дикция дейилади.

Матнни аниқ талаффуз этиш нутқ органларининг тузилишига ва уларнинг тўғри ишлашига боғлиқдир. Нафас йўли (трахея), товуш пайчалари, бўғиз, ҳалқум, лаб, тил, жағ, тиш, қаттиқ ва юмшоқ танглай - буларнинг ҳаммаси нутқ органлари ҳисобланади. Сўз ва товушларнинг талаффуз этилиши нутқ органларидаги айрим мускулларнинг қисқариш ва жойлашиш натижасидир. Марказий нерв тизимидаги маълум бир қисмнинг кўрсатмасига биноан, сўзловчи айрим сўз, гап ва бутун бир фикрни ифода қилади.


Баъзан пала-партиш, бир-бирига қовушмаган гапларни эшитиб қоламиз. Матн тез талаффуз этилганда айрим товушлар туширилиб қолдирилади, сўзларнинг охирги товушлари “ютиб юборилади”, баъзи товушлар ноаниқ талаффуз этилади ёки бошқа товушлар билан алмаштирилади. Натижада нутқни тушуниш ва идрок этиш қийинлашади.

Бу ерда нутқ аппаратидаги органик нуқсонлар, масалан, жағнинг нотўғри юмилиши, қийшиқ жойлашган сийрак тишлар тўғрисида тўхталиб ўтирмаймиз. Инсон аъзосидаги нуқсонлар матнни нотўғри талаффуз этишга сабаб бўлади. Уларни фақат врач-логопедгина тузатиши мумкин. Бу ерда нутқ органларининг нормал тузилганлигига қарамасдан, уларнинг бирортасидан нотўғри фойдаланиш натижасида талаффузнинг бузилиши ва уни тузатиш ҳақида гапирилади. Баъзан мактабларда ўқувчилар нутқини ўстириш ишлари нотўғри йўлга қўйилиши ёки ўқувчиларнинг катталарга тақлид қилиши натижасида дудукланиш, ш-шлаш, тилни чучуклаштириш, димоғ билан гапириш ҳоллари юз беради.

Талаффузнинг аниқ ва соф бўлиши учун артикуляциянинг, яъни нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракат ва ҳолати тўғри бўлиши лозим. Тил, лаб, пастки жағ ва орқа танглайнинг ҳаракатчанлигини такомиллаштириб бориш, айтилиш вақтда нутқ органларидаги айрим камчиликларга, масалан, тилнинг яхши айлана олмаслиги, жағларнинг яхши ишламаслиги ёки ҳаракатланмаслиги, бир-бирига қовушмаслиги, ш-шлаб, дудукланиб, димоғ билан гапириш ва ҳоказоларга барҳам бериш лозим.

Ўзбек тили дарсларида нутқ товушларининг артикуляцияси билан шуғулланилади. Чунки тилнинг фонетика қисми ўтилаётганда ўқувчилар нутқ товушларининг артикуляцияси билан таништирилади. Қуйида тавсия этиладиган машқлар сўзларни тўғри талаффуз этиш малакаларини текшириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Дастлабки машқларни тажрибали ўқитувчи ёки талаффузи яхши бўлган киши раҳбарлигида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. талаффузи яхши бўлган ўқитувчи ва нотиқнинг артикуляциясига тақлид қилиш билан бирга, ўз нутқи устида мустақил суратда ишлаш, яхши талаффуз қилиш йўллари қидириб топиш зарур эканлигини унутмаслик керак.



Дастлабки машқлар ортикчадек бўлиб туюлиши мумкин, аммо ўзингизни яхшилаб текшириб кўрганингиздан кейин, баъзи товушларни мукамал талаффуз этмаслигингиз натижасида бир товуш ўрнида иккита товушни талаффуз қилишингизга, масалан, сингил, кўнгил каби сўзлардаги нг товушини (бир товушни) н ва г товушлари каби, шунингдек, ц товушини тс шаклида талаффуз қилиб юборишингизга ишонч ҳосил қиласиз.

ИФОДАЛИ ЎҚИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШДА БАДИИЙ ТАЛАФФУЗ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ

ОРФОЭПИК ТАЛАФФУЗ

Ифодали ўқиш учун талаффузнинг аниқ-равшан ва тўғри бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ифодали ўқиш орфоэпияга, яъни адабий талаффуз қоидаларига бўйсунди.

Орфоэпия тўғри талаффуз қилиш қоидаси бўлиб, бадиий нутқ хусусиятларидан биридир. Шунинг учун ўқитувчи ифодали ўқиш жараёнида орфоэпияга бўйсунди. Нутқида шева таъсири бўлган кишилар орфоэпия қоидаларини ўзлаштиришда қийналадилар, аммо мунтазам машқ натижасида бу қийинчилик аста-секинлик билан йўқолиб боради.

Ўзбек тилига кирган русча - интернационал сўзларни талаффуз этишда, асосан, рус орфоэпияси нормаларига риоя қилинади. Аммо баъзи сўзлар ва айниқса, чет тилидан кирган киши исмлари алоҳида талаффуз қилинади.

Айрим товуш ва қатор келган товушлар орфоэпияси ҳақида қуйидагиларга диққат этинг:

1. И унлиси - кил, дил, киши, бир каби сўзларда қисқа айтилади;

мухит, ахил, литр, лирика, силос каби сўзларда бироз чўзиқ ;

й товушидан олдин келганда эса чўзиқ айтилади: сийрак, зийрак, бийрон, илмий, ижодий, Навоий, Муқимий, Низомий (с:рак, би:рон, зи:рак, илми: ижоди:, Навои: Низоми:)

2. Костюм, сюжет, бюллетень, люкс каби русча - байналминал сўзларда у унлисининг тил олди юмшоқ варианты талаффуз қилинади: кастум, сүжет, бүллитин, лүкс.



3. Ўзбек тилига кирган русча - байналминал сўзларда о ҳарфи урғули бўғинларда ўзбекча ў товуши сингари талаффуз қилинади: (опера, очерк, роль, том) каби.

Аммо урғули бўғин олдидаги урғусиз о унлиси кўпинча ўзбекча а каби, урғули бўғиндан кейингиси эса ўзбекча и товушига мойил талаффуз этилади.

Масалан: агроном, модел, поэма сўзлари агроном, модель, поэма каби.

4. Раъно, маъно, лаъл, аъло, таъна, даъво каби баъзи арабча сўзларда а унлиси бирмунча чўзиқ талаффуз этилади (Ра:но, ма:но, ла:л, а:ло, та:на, да:во каби).

5. Сўз ўртасида ва сўз охирида келган жарангли ундошлар жарангсиз талаффуз этилади, яъни жарангсиз жуфтлари билан алмашади.

Масалан: мазкур, фуражка, автомат сўзлари: маскур, фурашка, афтомат каби; мактаб, обод, завод, озод сўзлари эса мактап, обот, заво́т, озот каби айтилади.

Нутқ маданиятини пухта эгаллаган нотикларнинг нутқини тинглаш - орфоэпияни ўзлаштириб олиш учун замин ҳозирлайди. Шу мақсадни кўзда тутиб, бадиий сўз усталари ҳамда актёрларнинг магнитофон ва грампластинкага ёзиб олинган нутқларини тинглаш жуда фойдалидир. Имконият бўлса, киши ўз нутқини ёзиб олиши ва уни такрор дискда тинглаши ҳам яхши натижа беради. Чунки киши ўз нутқини такрор тинглаш билан ундаги ўз нуқсонларини аниқлайди, уларни йўқотиш ва ўз нутқини янада такомиллаштириш имконига эга бўлади.

СЎЗДА УРҒУНИ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШ

Ўзбек тилининг урғуси, асосан, ҳаво оқимининг кучи билан ифодаланган урғудир. Шу билан бирга, у мусикий урғу билан ҳам пралаша олади. Мусикий урғу (тоннинг бир хил юксалиши билан ифодаланган урғу) сўроқ, таажжуб маъноларини англатишда очик кўринади.

Урғули бўғиннинг унлиси кучли айтилади, аниқ эшитилади, унли ўзини тўла сақлаб туради. Урғусиз бўғиндаги унлилар кўп вақт аниқ эшитилмайди, билинар-билинмас даражада айтилади.

Масалан: билақ, тилақ, пишган, бирок, директор.



Демак, бу таъриф интонациянинг мазмун ва формасини белгилаб беради, яъни нутқ интонацияси, бир томондан, логик-грамматик вазифаларни бажаришга хизмат қилса, иккинчи томондан, нутқнинг семантикаси, эстетик гўзаллиги, таъсирчанлиги каби вазифаларни ҳам бажаради. Агар нутқда интонация бўёксиз бўлса, у нутқ ифодалиликдан маҳрум бўлади, нутқнинг таъсирчанлиги шиғлашади, тингловчи эса пассивлашади. Аксинча, нутқдаги интонация бўёкдор-таъсирчан, хаяжонлантирувчи, мазмундор бўлса, бундай нутқ кишига завқ бағишлайди.


Киши бирор шахс билан суҳбатлашган вақтда маълум мақсадни кўзда тутаяди, агар суҳбатнинг мақсади ўзгарса, ифоданинг мазмуни ҳам, матннинг интонацион сандоси ҳам ўзгаради.

Ифодали ўқиш ва ифодали нутқ маълум мақсадга қаратилган бўлади. Шунинг учун ифодали ўқишдан ёки бирор нутқ сўзлашдан илгари кироатхон ёки нотик ҳар бир гапдаги сўзни текшириб чиқиши зарур. Қироатхон ёзувчи бу сўзларни нима мақсадда ишлатгани, бу сўзлар орқали тингловчига қандай таъсир этиш каби масалаларни ҳал қилгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиши, нотик эса шу сўзларни ишлатсам, менинг нутқим тингловчининг қалбига бориб етармикан, деган саволни ўзига бериб кўриши лозим. Бундай ўз-ўзига берилган саволлар гапни тўғри тузиш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, интонацияни ўз ўрнида ишлатиш учун замин ҳозирлайди. Гапда сўзлар бир-бири билан боғланади ва маъноларига қараб гуруҳларга ажралади.

Масалан: **Кенг пахтазорлар қандай чиройли!** жумласини олиб кўрайлик. Бу жумлада икки сўз группасига тенг келувчи иккита синтагма бор. Ҳар бир гуруҳдаги бир сўз овознинг кучи ва урғули бўғинининг узун-қисқалиги билан ажралиб туради. Маъно ургуси чиройли сўзига тушган. Биринчи гуруҳдаги пахтазорлар сўзида ҳам ургу бор, аммо бу ургу иккинчи синтагма тагига инсбатан кучсизроқ ҳисобланади.

Интонация сўзловчининг мақсадини, турли хис-туйғуларини ифодалаш борасида хилма-хил маъно оттенкаларини, турли эмоционал ҳолатларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунга кўра у даражаси, сўроқ ва ундов интонацияси каби турларга бўлинади.

Ҳар бир сўз контекстидаги ўрнига қараб, киноя, шама, гина, ўпкалаш, таажжуб, шодланиш, сўроқ, мурожаат, гурур, ғазаб сингари жуда кўп маъноларни англата олади. Кишининг бу



кечинмалари интонация билан маълум даражада боғланади.

Ифодали ўқишга ҳозирланишда тиниш белгиларининг ўрнига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Пунктуация ёзувга, интонация эса оғзаки нутққа хос воситалардир. Оғзаки нутқда интонация воситаси билан акс эттирилган ҳолатлар ёзувда, асосан, тиниш белгилари ёрдами билан ифода этилади. Лекин бу нарса тиниш белгиларини қўйиш бутунлай интонацияга боғлиқ, деб қарашга асос бўлолмайди. Интонация билан пунктуация ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермайди. Бу икки воситадан бири иккинчиси ўрнида ишлатилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, йиғиқ гапда эга ва кесим орасидаги пауза тиниш белгиси билан кўрсатилмагани каби, ҳар бир сўз, гап, ҳар бир асар (проза, поэзия, драма, публицистика)нинг ўзига хос интонацияси бор. Масалан, поэзияни олиб кўрайлик: Лирик шеър шоирнинг кечинмаларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам унда интонация ҳар хил бўлади. Шеърдаги интонация интонацион даврлар ва улар таркибига кирган интонацион бутунликлар билан изоҳланади. Қуйидаги бир байт битта интонацион даврни ўз ичига олади:

*Севинаман, қаҳ-қаҳ ураман,
Эл ичида мағрур юраман.*

(Р.Бобожон)

Бу интонацион давр учта интонацион бутунликдан ташкил топган: 1) севинаман (бир сўз); 2) қаҳ-қаҳ ураман (икки сўз); 3) эл ичида мағрур юраман (тўрт сўз).

Интонацион давр баъзан фақат бир байтнинггина эмас, балки бутун бир тўртликни, айрим вақтларда эса бир неча бандни ўз ичига олади. Гоҳи бир тўртлик ичида бир неча интонацион давр бўлиши мумкин. Масалан, қуйидаги тўртликда тўртта интонацион давр бор:

*Ҳаво совуқ. /Қор денгизи беқарор./
Беқарорлик шабаданинг қўлида.//
Кечки шўх дам.// Бу онларнинг завқи бор./
Қадамингиз буюк сайлов йўлида.//*

(А.Умарий)

Бу интонацион даврларнинг тузилиши қуйидагича:

1) Ҳаво совуқ (бу интонацион давр интонацион бутунликларга


бўлинмайди). 2) Қор денгизи бекарор, бекарорлик шабаданинг кўлида (бунда иккита интонацион бутунлик бор). 3) Кечки шўх дам (бу интонацион даврнинг ўзи битта интонацион бутунликдан иборат). 4) Бу онларнинг завқи бор, кадамингиз буюк сайлов йўлида (бу интонацион давр эса икки интонацион бутунликни ўз ичига олади). Шеърда интонацион давр ва интонацион бутунликнинг хилма-хиллиги шеър интонациясининг кўп қирралиги ва мураккаб эканлигини кўрсатади.

Агар сиз нутқингиз охирида овозингизни пасайтирмасангиз, тингловчи жумла тамом бўлганини сира сезмайди. Сўроқ гапдан эса овознинг сўроқ белгисидек юқорига кўтарилиб, қайрилиб тушиш хусусияти олиб ташланса, тингловчи ўзига савол берилаётганини пайқамайди. Қисқаси, ҳар бир интонацияда маълум мақсад бор. Ҳар бир матн интонацияга риоя қилиб ўқилгандагина, унинг тингловчиларга мазмуни мукамал етиб боради.

Интонация фақат бир кишигагина хос бўлиши ёки муайян тилда гаплашувчиларнинг ҳаммаси томонидан қабул қилинган, улар учун мажбурий ҳисобланган норматив бўлиши мумкин. Ургу (логик ургу, синтагма ургуси), нутқ темпи, ритми, паузалар ва нутқ мелодикаси - буларнинг ҳаммаси норматив интонациянинг асосий элементлари ҳисобланади. Бу элементлар бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Бир жумлада интонациянинг бир элементи яққол сезилиб турса, бошқа жумлада ифодаланиши лозим бўлган маънони бериш учун бир элементнинг ўзи кифоя қилмайди, натижада сўзловчи интонациянинг бир элементи билан боғланган бошқа элементларидан ҳам фойдаланади.

Юқорида келтирилган мисолларда товуш воситаларининг хилма-хил функцияга эга эканлиги кўрсатилади. Ана шу товуш воситалари фонетик нуктаи назаридан нутқ ҳосил қилади, жумла қисмларини маъно томонидан бир-бири билан боғлайди, жумлага дарах, сўроқ, ундов каби маъноларни ҳамда уларнинг хилма-хил оттенкаларини юклайди, ҳар хил ҳис-туйғуларни ифодалайди.

Оғзаки нутқда интонация элементлари ҳеч қандай қисмларга бўлинмайдиган бир бутун нарса деб қаралади. Аммо интонациянинг асосий элементлари хусусиятларини тушунтириш мақсадида уларни сунъий равишда бирини иккинчисидан ажратамиз ва уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.



СИНТАГМА УРҒУСИ ВА ЛОГИК УРҒУ

Интонация билан бириккан, бир-биридан қисқа паузалар орқали ажралиб турадиган мазмунли яхлит парча синтагма дейилади. Синтагма энг содда синтактик парчадир. Синтагма бир сўзли ва бир неча сўзли бўлади.

Масалан: Ёз. Кун / жуда иссиқ .

Курашади / икки тўлқин, / қараб турайми? (Ойбек).

Ҳар бир синтагма бир нафас кучи билан айтилади, қисқа паузадан сўнг янги синтагма бошланади. Синтагманинг энг сўнгги элементи (кўпинча шу элементнинг сўнгги бўғини) урғули бўлади. Аммо дарак гапнинг охириги синтагмаси бундай хусусиятга эга бўлмайди.

Масалан: Биз / мустаҳкам тинчлик учун / астойдил курашаётимиз.

Синтагма урғуси билан логик ургуни фарқ қилиш лозим. Тўғри, баъзан иккала урғу ҳам бир ўринда келади, яъни синтагма урғуси ҳам, логик урғу ҳам бир сўзга тушади. Юқоридаги гапда астойдил сўзи ҳам синтагма урғусини, ҳам логик урғусини олган. Мазмун жиҳатидан биринчи ўриндаги бўлакни ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш учун - у бўлак бошқа бўлакларга нисбатан кучли айтилади. Мазмун жиҳатидан биринчи ўриндаги бўлакнинг бошқа бўлаклардан ажратиб кўрсатилиши - маъно урғуси ёки логик урғу дейилади. Логик урғули сўздан аввал бироз тўхташ (пауза) бўлади.

Логик урғу олган бўлак, одатда, кесимнинг олдида келади. Масалан:

Эртага биз экскурсияга борамиз. (Бошқа ерга эмас.)

Эртага экскурсияга биз борамиз. (Бошқалар эмас.)


Биз экскурсияга эртага борамиз. (Бошқа кун эмас.)

Бўлакларнинг логик даражаси эса шу бўлак билан кесим ўртасидаги масофага қараб ўлчанади.

Одатда, содда гапда битта логик урғу бўлади. Масалан: Ҳақиқат ўтда ҳам куймас (мақол).

Бироқ иккита ва ундан ортиқ логик урғули гаплар ҳам бўлади. Масалан: Она одамлар билан сухбат қилишни, ҳаёт тўғрисидаги уларнинг сўзларини эшитишни яхши кўради. Бу гапда «сухбат қилишни», «эшитишни» бўлаклари бошқа бўлаклардан логик урғу воситасида мантиқан ажралиб туради.

Логик урғу оғзаки нутқда муҳим роль ўйнайди. Агар логик урғу ноаниқ ажратилса, бутун жумланинг маъноси тушунарси.



бўлиб қолади. Мазмун жиҳатидан биринчи ўриндаги бўлак тартиб ўзгаришсиз ҳам логик урғу олиши мумкин. Қуйидаги жумлада гап бўлаклари тартибини ўзгартирмай туриб, логик урғу ўрнини ўзгартириш билан гап мазмунининг қанчалик ўзгариб кетишини кузатдик. Гапдаги ҳар бир сўзга навбат билан қуйидаги тарзда урғу бериб чиқинг:

Кеча биз экскурсияга бордик. (Бошқа киши эмас.)

Кеча биз экскурсияга бордик. (Бошқа ерга эмас.)

Кеча биз экскурсияга бордик. (Бошқа кун эмас.)

Кеча биз экскурсияга бордик. (Бормадик эмас.)

Демак, бу гапда логик урғунинг ўрнини алмаштириш билан фикр тўрт хил ифодаланади. Аммо фикрни бу йўл билан ифодаланишга қараганда, мазмунан аҳамиятли бўлган сўзни кесим ёнига келтириб логик урғу берилса, у сўз кучлироқ янграйди.

Масалан: Кеча опам мактабга борди. Опам мактабга кеча борди. Кеча мактабга опам борди.

Демак, сўз, асосан, кесимга яқин турганда, логик урғуга эга бўлади ва алоҳида аҳамият касб этади.

Логик урғунинг тўғри қўйилиши бутун бир асарнинг ёки унинг муайян бир қисмининг маъноси билан белгиланади.

Ифодали ўқиш ва нутқ амалиётида логик урғуни қандай қўйиш кераклиги ҳақидаги баъзи бир кўрсатмаларни ҳам эсда тутиш лозим. Улар, асосан, қуйидагилардир:

1. Санаш оҳанги билан боғланган уюшиқ бўлакларнинг ҳар бири алоҳида урғу олади, бунда биринчи сўзга нисбатан кейингиларига кучлироқ урғу қўйиб бориш талаб этилади:

Эй Фарғона!

Мушкул кунлар боласини

тишида тишлаб,

Ювиб,

тараб,

севиб,

ўпиб,

кучиб,


опичлаб,

Эй бахтларни балоғатга

етказган она!

(Ҳ.Олимжон)

2. Маънони кучайтириш учун такрорланган сўзларнинг ҳар бири логик урғу олади:



Кўнглим ғазаб билан тўликдир, тўлик!

Заҳарли илонга йўл йўкдир, йўл йўк!

3. Эргаш гаплардаги бир манзарани тасвирловчи бир хил бўлақлар логик урғуга эга бўлади:

На кўкнинг фонари ўчмасдан,/

На юлдуз сайр этиб кўчмасдан,/

На уфк ўрамай ёқут-зар,/

На булут силкитмай олтин пар,/

Тонг кулмасдан бурун Жонтемир/

Қуюқ бир завқ билан туради.//

(Уйғун)

4. Гапдаги таъкидланадиган сўзлар логик урғуга эга бўлади. Масалан: Бу китоб сенга эмас, менга керак.

ЛОГИК, ГРАММАТИК ВА ПСИХОЛОГИК ПАУЗА. НУТҚ МАРОМИ ВА ОҲАНГДОРЛИК

Гапни маъноли талаффуз этиш учун уни синтагма ва тактларга тўғри ажратиш талаб этилади. Бундай бўлишлар ифодали ўқишни енгиллаштиради.

Ифодали ўқишда гапни синтагмаларга ажратиш ўқитувчининг матнни таҳлил қилишини, тингловчининг эса унинг мазмунини идрок этишини осонлаштиради. Матнни ўқиш давомида синтагма урғусини идрок қилиш анча осон бўлади, чунки бу хилдаги ўқишда гапдаги ҳамма логик маънони, кейинроқ эса матндаги мазмунни аниқлаш мумкин, шу билан матн мазмунига тўғри изох берилади. Нутқ паузаларга қараб бўлимларга бўлинади. Тасвирланаётган ҳодиса, воқеанинг характериға қараб пауза уч хил бўлади: **логик пауза**, **грамматик пауза**, **психологик пауза**. Пауза қатор товушларнинг узлуксиз ёрдамида сўзларни бирлаштиради, аynи вақтда сўз гуруҳларини бир-биридан ажратади. Бундай пауза **логик пауза** дейилади. Паузанинг узун-қисқалиғи ўқиладиган материалнинг маъно ва мазмунига қараб турлича бўлиши мумкин. Бадиий сўз устаси сўз гуруҳларини талаффуз этишда логик паузага тўлиқ риоя этиши лозим. Логик пауза билан чегараланган сўзлар худди битта сўздек талаффуз этилади. Гапда қисқа пауза: :

белги билан, ўртача пауза - / ва узун пауза - // белгилари билан кўрсатилади. Масалан: Сен ҳам, : арзанда ўғлим, / ана шу ўрик сингари : юз йил яша.// (Ш. Рашидов) деган гапда паузалар узун-қисқадир.

Паузадан нотўғри фойдаланилса, маъно бузилади, гапнинг мазмунини тушуниб бўлмайди, мазмун ўзгариб кетади.

Бу фикримизни исбот қилиш учун “Куппа-кундуз куни Салимнинг сигири йўқолиб қолса бўладими?” деган гапни олиб кўрайлик. Бу гапда куни сўздан кейин пауза қилинса, гапнинг мазмуни тушунарли бўлади. Агар кундуз сўздан кейин пауза қилинса, гап мазмунини тушуниш қийинлашади.

Гапда синтактик муносабатни ифодаладиган қисмни ажратадиган пауза **грамматик пауза** дейилади.

Грамматик пауза муаллиф томонидан қўйилган тиниш белгилари ўрнидаги паузадир.

Ўқувчи асарни ўқиганда тиниш белгиларига риоя қилади. Лекин ҳамма вақт ҳам тиниш белгиларининг қўйилишига қараб пауза бўлавермайди. Масалан, биргина сўздан иборат бўлган кириш сўзларни ажратувчи вергулда кўпинча пауза бўлмайди:

*Икки йигит, икки қиз,
Бири севар бирини.
Сиз, эхтимол, билмассиз
Йигит-қизлар сирини.
(П.Мўмин)*

Ундовни ажратиш учун қўйиладиган вергулда ҳам пауза бўлмайди:

*Эҳ, бу ҳаёт шунча дилбарки,
Қучоқлаб бағрига тортади.
Эҳ, бу ҳаёт шунча гўзалки,
Кундан-кун чамани ортади.
(Уйғун)*

Ўқитувчи баъзан матннинг мазмунини ойдинлаштириш ва тушунилишини осонлаштириш мақсадида тиниш белгилари бўлмаган жойда ҳам пауза қилади. Масалан: Пушкин асарларининг таржимаси муносабати билан (бизнинг адабий танқидчилигимиз зиммасига) жуда катта вазифалар қўйилади (Ҳ.Олимжон).



Жумла ва парчанинг психологик аҳамиятини намоён қилган ва кучайтирган ўрин психологик пауза дейилади. Бундай пауза мазмунан бой, фаол бўлади, чунки бундай паузада қироатхон воқеага, асарда иштирок этувчи шахсларга ва унинг қилиқларига ўз муносабатини билдиради. Бундай пауза қироатхоннинг тасаввурини ифода этади.

МАРОМ ВА ОҲАНГДОРЛИК

Маром ва оҳангдорлик ифодали ўқишнинг асосини ташкил қилади. Ифодали ўқишда қироатхон интонация ва психологик паузага, маром ва оҳангдорликка қанчалик эътибор берса, асарнинг эстетик хусусиятларини тингловчиларга шунчалик тез етказа олади. Бунга, албатта, ифодали ўқиш орқали эришилади.

Маром деганда ирод қилинган нутқнинг тезлиги тушунилади, бундай нутқ асарнинг мазмунига қараб ё тезлашади, ёки секинлашади. Нутқ қанчалик мураккаб ва ҳаяжонли бўлса, унинг мароми шунчалик хилма-хил бўлади. Агар нутқ бир хилдаги маромда ийрод этилса, ундай нутқ ифодасиз, таъсирсиз ва ҳаяжонсиз бўлади. Маромнинг ўзгариши қироатхоннинг асарни ўқишига боғлиқдир. Асарни ўқишда зарур бўлган маромни топиш ўша асарнинг эстетик таъсири билан узвий боғланади.

Маром ҳақидаги юқорида айтилган фикрларни оҳангдорликка ҳам тадбиқ этиш мумкин, чунки маром ва оҳангдорлик ифода воситаларидан бўлиб, булар бир-бири билан узвий боғланади. Аммо оҳангдорлик ўзига хос хусусиятга эгадир. У атрофни ўраб олган муҳитнинг такрорланиб келувчи бир хилдаги ҳодисаларининг алмашинувини ифодалайди. Қўшиқ, рақс, ҳикоя, шеър – буларнинг ҳаммаси бир рукнга асосланади.

Оҳангдорлик бадий асарга алоҳида бир гўзаллик бағишлайди. Масалан, яхши ёзилган бир шеърни мусиқа оҳангига уйгунлаштирилса, бу шеър маълум оҳангдорлик касб этади ва шеърнинг гўзаллиги ва таъсирчанлиги янада ортади.

Шеърнинг қофия ва радифларининг оҳангдорлик жиҳатидан кучайиб бориши натижасида унинг эстетик фазилати яна таъсирчан бўлади.

Оҳангдорлик, асосан, шеърини нутққа хос бўлиб, у шеърни маълум ўлчовга, қофия ва радифга солишда, оҳангдор бўлишида ва



унинг мукаммал асар сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Демак, оҳангдорлик поэзияда муסיқийликни ҳосил қилувчи асосий элементлардан биридир. Рукн шеър тузилишининг энг асосий жиҳатидир. Шеър қофиясиз бўлиши мумкин, аммо оҳангдорликсиз бўла олмайди.

Шеърда оҳангдорликдан ташқари вазн ҳам бўлади, буни шеър ўлчови деб ҳам айтилади. Демак, маром, оҳангдорлик ва шеър ўлчови ифодали нутқ учун зарурий воситалардир.

МАТН БИЛАН ТАНИШИШ ВА УНИ ИЗОҲЛАШ


Асарни таъсирли ўқиш ва унинг мазмунини ўқувчиларга тўғри етказиш учун аввал ўқитувчининг ўзи асар билан танишиб, унинг мавзуси ва ғоясини билиб олиши, персонажлар ва воқеаларни, уларнинг ички боғланиши, ўзаро муносабатини тасаввур этиши лозим.

Ҳикоянинг ғоявий-тарбиявий томонларини ҳар жиҳатдан очиб бериш ҳам ўқитувчининг вазифасидир. Агар ўқитувчи ҳикояда қайси ғоя биринчи бўлиб турганлигини тушунтирса, тингловчилар муаллифнинг фикри, ҳис-туйғуси ва кайфиятини яхши билиб оладилар. Одатда, болаларга ўқиб бериладиган асарнинг дастлаб мавзуси аниқланади, сўнг юз берадиган воқеа-ҳодисалар доираси, ўқиш мароми белгилаб олинади. Матн мазмунидан келиб чиқиб, ундаги образларни таҳлил қилишга тайёрланади.

Қисқаси, бирор асарни ўқиётиб, унда юз берган воқеага тингловчини ишонтирмоқчи бўлсак, аввало ўша воқеани ўзимизнинг тасаввур қила олишимиз керак. Нима ҳақида гапирсак, уни кўзимиз билангина эмас, балки бутун вужудимиз билан кўришимиз ва ҳис қилишимиз лозим.

Агар кироатхон асардаги қаҳрамонлар ички ҳиссиётини бера олмаса, тингловчи кироатхоннинг овозидан қаноатланмайди ва шунинг баробарида гўзал бир асарнинг қиммати ҳам йўқолади.

Демак, асарнинг ғоявий мазмуни, жанри, мавзусига қараб, матнни қандай ўқиш лозимлиги, яъни матнга изоҳ бериш йўллари аниқланади. Бу масалага ўқитувчи алоҳида эътибор бериши лозим.



МАТННИНГ ТУБ МАЪНОСИ

Тажрибали сўз усталарининг таъкидлашича, агар бадий асарни ўқувчи тингловчилар кўз ўнгида гавдалантирмоқчи бўлган образларини аниқ кўра олмаса, бу образларни тингловчилар ҳам кўра олмайди, ўқилган сўзлар куруқ товуш бўлиб қолаверади. Шунинг учун қироатхон ўқиладиган асардаги воқеаларни, қаҳрамонларни, шароит ва вазиятни бутун вужуди билан ҳис этиши лозим. Шундай қобилиятга эга бўлган қироатхон нима ҳақида гапирган бўлса, болаларни ҳам ўшани кўришга ва тасаввур этишга ўргатади. Қироатхон тасвирланаётган воқеани бутун вужуди билан ҳис этиши, аниқ ифодалаб бериши натижасида тингловчи унинг самимияти билан қарайди ва булар орасида маънавий муносабат пайдо бўлади. Агар асар ифодали ўқилса, унда тасвирланган ташқи муҳитни ҳам, персонажларнинг ички кечинмаларини ҳам яхши тасаввур этиш мумкин бўлади. Бунда қаҳрамон сўзларига берилган кичик бир интонация ҳам ички кечинма билан боғлиқ бўлади.

Ифодали ўқишда фикрларни бир-бирига уйғунлаштирувчи сўзни асарнинг асосий ғоясини ҳал қилиш томон йўналтирувчи мазкур ички психологик ҳаракатлантирувчи куч матннинг туб маъноси ёки туб матн дейилади.

Ўқитувчи ифодали ўқишда матннинг туб маъносини очиб орқали тингловчиларга бадий асарни етказди. Асарнинг туб маъноси орқали ўқитувчи синфда ўзининг ифодасини, интилишларини намоёни қилади, тингловчиларни ишонттиради, тарбиялайди, ўргатади. Буларнинг ҳаммаси актив сўз, бадий образлар ёрдамида амалга оширилади.

Матннинг туб маъноси ҳар турли бўлади. Унинг кўпчи тарқалган тури шахсга ёки ҳодисага психологик муносабатдан бўлишдир. Бунини мисоллар ёрдамида тушунтирамиз.

Қуйидаги шеърни овоз чиқариб ўқинг:

Раъно кўрган марварид

Раъно чикди гулбоққа,
Эрталаб гул узмоққа.
Севимли опасига
Гулни ҳадя қилмоққа.
Гуллар баргида кўрди

Марварид – дур шодасин,
Камалакдек эгилган
Гулнинг шохи, новдаси.
“Мана, асл марварид
Боғда экан, билмабмиз.

Нега ҳар кун эрталаб
Этак-этак термабмиз?”
Севингандан Раънонинг
Гул кўзига кўринмас.
Энди терай деганда,

Марварид кўлда турмас.
Ундан кейин Раъноой
Гулдан узди бир даста.
Куёш чикди, марварид -
Учиб кетди бирпасда.

(Қ.Мухаммадий)

Ифодали ўқиш воситалари ёрдамида бу шеърнинг тўғри ва ҳаётий мазмунини очиб бериш мумкин. Унда кузги тонг манзарасининг бир эпизоди ифодаланган. Шоирнинг тасвирлашича, ёш ўқувчи қиз Раъно боққа гул тергани киради. Гул япроқларидаги шудринглар марвариддай кўринади. Уларни термоқчи бўлади, аммо улар қўлга илинмайди. Шундан кейин тарбиячи опасига ҳадя қилиш учун бир даста гул теради. Гулдаги марваридлар куёш чиқиши билан учиб кетади.

Табиатнинг бу ажойиб фазилати қизни таажжублантиради, унда зўр таассурот қолдиради.

Энди аллегорик асарлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Аллегорик характердаги асарларга масал ва эртақлар киради. Бундай асарнинг туб маъноси оддий сўзлар заминида яширинган бўлади. Муаллифнинг ривояти, панд-насихат тарзида айтиб ўтган гаплари бу маънони очиб беришга ёрдам беради. Масалда ғоя киши образлари воситасида эмас, балки кўпинча ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликлар ва бошқалар ёрдами билан ифодаланади. Асар охирида эса ихчам шаклда қиссадан ҳисса чиқарилади. Масал жанрининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг аллегорик образларга эга эканлиги ва китобхонни мажозий образлар орқали баён этилган фикрга ишонтиришдир. Чунончи, арча байрамига келган мактаб ўқувчилари Қорбобо, Тулки, Бўри, Қорқиз, Айик полвон кабиларнинг роллари ўз устозлари ва мактабдош ўртоқлари томонидан бажарилаётганини сезган ҳолда, маскалар туфайли ундан завқлангани сингари, китобхон ҳам масалдаги образлар заминида кимлар мавжуд эканини яхши билган ҳолда таъсирланади, эстетик завқ олади.



РЕЖА ТУЗИШ

Кўпинча ҳажм жиҳатидан катта ва бир қанча қисмлардан иборат асарларни ўқишга тўғри келади. Баъзан муаллифнинг ўзи бундай қисмларга ном қўяди. Қироатхон синфда ўқишга тайёрланган вақтда бундай асарларнинг қисмларини белгилаб олади, у билан бирга, ҳикоянинг қисмларида ифода этилган воқеаларни асосланиб, ҳар бир қисмга сарлавҳалар қўйиш лозим.

Ҳикояни қисмларга бўлиш ифодали ўқишни тўғри уюштиришга ва матннинг туб маъносини топишга ёрдам беради. Синфда ўқилиши лозим бўлган асарлар, айниқса, мазмуни осон асарлар узоқ ишлашни талаб қилмайди. Ўқитувчи қандай асар устида машғулот олиб бормасин, материал устида ишлаш соҳасида тажриба орттира боради, бошланғич синфларда ўқитиладиган адабий асарлар ҳисобига уни бойитади. Демак, ўқитувчи синфда ҳам, синфдан ташқари машғулотларида ҳам ўқувчиларни ифодали ўқишга, матн устида жиддий ишлашга ўргатади.


Раҳмдил Турғун

Режа:

1. Мактабдан қайтиш.
2. Учрашув.
3. Чолнинг олқиши.
4. Она хурсанд.

ИФОДАЛИ ЎҚИШ НОТАСИ

Ўқитувчи матнни ифодали ўқишга тайёрлаётган пайтда тегишли интонацияларни белгилаб қўяди, дарс давомида керак бўладиган айрим нарсаларни аниқлаб олади: ҳикоя қисмларини белгилаб, номларини ёзиб қўяди ва ҳоказо. Буни муваффақиятли чиқариш учун нутқ партитураси ёки “ифодали ўқиш нотаси”ни тузиш лозим. “Ифодали ўқиш нотаси” ўқитувчи ўқишга тайёр



ланган вақтида, матнни пухта ўйлаш, асарнинг логик томонларини, тўғри мазмунини таҳлил қилган вақтда керак бўлади. Асарнинг бирор ўрнини қандай қилиб ўқиш тўғрисида партитура оғоҳлаштирувчи сигнал беради, аммо шуни қайд қилиш керакки, "ифодали ўқиш нотаси" белгиларини китобдаги ўқиш материалларига меъридан ошиқ қўйиб уни чаплаштириб юбормаслик керак, бу кироатхонни қийнаб қўяди, шунинг учун матнга энг зарур белгиларнигина қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу белгиларнигина қуйидагилардан иборат:

1. Сўзда урғу / белгиси билан кўрсатилади;
ё харфи устига урғу белгиси қўйилмайди.
2. Синтагма урғуси ва логик урғу;
заиф урғу - пунктирлар (- - - - -),
ўртача урғу - битта чизик (—————),
кучли урғу эса - иккита тўғри чизик (=====) билан кўрсатилади.

3. Пауза: қисқа пауза - вертикал нуқталар (∙);
ўртача пауза - битта вертикал чизик (/);
узун пауза эса - иккита вертикал чизик (//) билан белгиланади.

4. Мелодика. Овознинг урғули бўғинда кўтарилиши (балинлашуви) ↗ белгиси, пасайиши ↘ белгиси билан, монотон сўз ————— тўғри чизик билан кўрсатилади.

Сўрок, ундов ва бошқа мелодикалар махсус белги билан кўрсатилмайди, улар учун одатдаги тиниш белгиларининг ўзи ифоя.

5. Агар муаллиф қўйган тиниш белгилари олиб ташланса ёки бошқа белгилар билан алмаштирилса, квадрат қавс ичига олинади, энг белги эса қавсдан кейинга қўйилади. Масалан: ['], ([:] ?).

6. Ўқиш темпи ҳақида сўз билан ёзиладиган белгилар матннинг ўнг томонидаги ҳошияга қўйилади. Масалан: тез, секин, ўртача ва ҳоказо.

7. Ҳикоя қисмлари ва бўлакчаларнинг номлари матннинг чап томонидаги ҳошияга ёзилади ва қисмларга номерлар қўйилади.

Ифодали ўқишга тайёргарлик пайтида бутун матн бир бетга ёзилади, унинг ўнг ва чап томонидан ҳошия қолдирилади. Матн таънига асарнинг туб маъносига ва ўқиш услубига алоқадор фикрлар ёзиб қўйилади.

СИНФДА ЎҚИШ

Ўқитувчи бошланғич синфларда деярли ҳар куни шеър, ҳикоя ёки мақола ўқиб беради.


Аммо ўқитувчи синфда ўқитиладиган шеър, ҳикоя ва бошқа материалларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бериши мумкин эмас. Чунки уларнинг ҳаммасини эсда сақлаб қолиш учун жуда кўп меҳнат ва вақт талаб этилади. Шунинг учун ўқитувчи дастурга киритилган бир қанча асарларни белгилаб олади, улар устида юқорида кўрсатиб ўтилган услубда ишлайди, ҳикояларнинг мазмунини эслаб қолади, муҳим прозаик парча ва шеърларни эса ёдлаб олади. Бошқа бадиий асарни ўқиётган пайтда кўз ташлаб туриши мумкин.

Асарнинг ёддан ёки китобга қараб ўқишидан қатъий назар, уни тингловчилар олдида ўқишга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Олдиндан тайёргарлик кўриш - асарни ифодали ўқиш вақтида ортиқча зўр бериш, ноўрин интонация қилишни чеклайди, тингловчилар билан тўғри муносабат ўрнатиш ва уларга самарали таъсир этиш имконини беради.

Тингловчилар ҳам асарни эшитишга тайёрланиши, уни идрок қила оладиган ҳолатда бўлиши керак. Одатда, эстрада дастурини олиб борувчи (конференсье) томошабин кайфиятини тинглашга тайёрлайди. Синфда эса асарни ифодали ўқувчи билан тингловчилар ўртасида бундай воситачи йўқ. Ўқувчиларни тинглашга тайёрловчи ҳам, ифодали ўқиш намуналарини кўрсатувчи ҳам ўқитувчининг ўзидир. Ўқитувчи бундай вақтларда турли воситалардан фойдаланади: дастлаб асар муаллифи ва унинг асарни яратиши ҳақида қисқача маълумот беради, асарнинг мавзусини айтади. Булар ўқувчиларни асарни тинглашга тайёрлайди. Кўпинча ўқувчилар синфга кириб, жой-жойларига ўтиришлари билан уларнинг диққат-эътибори ўқитувчининг янгиликларига қаратилади: улар ўқитувчидан янги нарсалар кутади.

Асарни ифодали ўқиш жараёнида мимика ва имо-ишораларга ортиқча берилиб кетиш ярамайди. Чунки асарни ифодали ўқишдан асосий мақсад тингловчиларнинг эшитиш сезгиларига таъсир этишдир.

Баъзи ўқитувчилар асарни синфда юриб туриб ўқийдилар, болалар ўқитувчи қаёққа юрса, ўша ёққа қарашга мажбур бўладилар, натижада ўқувчилар эътибори заифлашади, ўқиладиган асардан



старли таъсирланмайдилар. Шу сабабли асарни тикка туриб ёки ўтириб ўқиш мақсадга мувофиқдир. Асарни ўтириб ўқиб, ўқишни тўхтатмай ўриндан туриш мумкин.

Маълумки, дарс вақти чегараланган бўлади, шунинг учун ўқитувчи ўқиладиган асарнинг қанча вақт олишини олдиндан ҳисоблаб қўйиши керак. Ҳажм жиҳатидан каттароқ ҳикояларни қисмларга ажратиб, маълум қисмини навбатдаги дарсга ёки синфдан ташқари ўқишга қолдиришни ҳам илгаридан белгилаб олиши зарур.

Қироатхон тингловчиларни ҳам назорат қилиб туради. Ўқитувчи тингловчиларни сезгирлик билан кузатиши, уларнинг эътибори суствлашиб бораётганини сезса, иш услубини ўзгартириши, яъни тингловчиларга саволлар бериш, интонацияни ўзгартириш каби йўллар билан улар диққатини ўқилаётган матн мазмунини идрок қилишга жалб этиши лозим.

ШЕЪР ВА МАСАЛ ЎҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шеър ҳис-ҳаяжон билан ифодаланган нутқ бўлиб, у маълум вазн, интонация ва ритмга бўйсунди. Шу хусусияти билан бу жанр прозаик нутқдан фарқ қилади. Шеър учун характерли яна бир хусусият мусиқийликдир. Мусиқийлик шоир фикр ва кечинмаларининг киши юрагининг энг нозик жойларига етиб бориши учун хизмат қилади. Одатда, шеър сатрларга (йўлларга) бўлинади. Шеърнинг бу хусусияти уни бошқа жанрлардан фарқ қилиш учун қулайлик туғдиради. Шеърда қофиянинг ҳам ўзига хос роли бор. Қофия шеър сатрларини бир-бирига боғлайди, бирлаштиради, нутқ салмоғини кучайтиради, шеърый асарни оҳангдор ва таъсирчан қилади.

Шеърдаги ҳар бир сатрда ҳамма вақт фикр тугалланавермайди, балки иккинчи сатрдаги фикр билан боғланиб кетади. Шундай бўлса ҳам, шеър сатрлари қофия билан бирлашганлиги учун ҳар бир сатрдан сўнг пауза қилинади. Бу пауза сатрлар ўртасидаги пауза деб аталади. Мазкур паузага риоя қилмаслик шеър қофиясининг бузилишига сабаб бўлади. Шеър сатрларининг ички томонида қилинадиган паузалар узоқроқ ва муҳимроқ бўлиши мумкин.

Шеър ўқиш пайтида қофияларга риоя қилинади, аммо ҳамма қофиялар ҳам биринчи ўринга қўйилавермайди. Унчалик аҳамият-ли бўлмаган қофиялар камроқ таъкидланади. Умуман, қофиядош сўзлар бир хил куч билан талаффуз этилиши шарт эмас, шеър ўқиладиганда қофия кишининг гашини келтирмаслиги лозим. Агар бир ёки бир неча қофиядош сўзда муҳим фикр, хулоса, чакирик ифодаланса, қофия алоҳида аҳамият касб этади, таъкидлаб талаффуз қилинади. Қуйидаги байтга диққат қилинг:

3

3

3

Гунафша, / боғимга / безаксан, /

3

3

3

Баҳорда / энг яхши / чечаксан. //

(Ш.Саъдулла)

Биринчи мисрада учта тuroқ бор, ҳар бир тuroқ билан унга кирган сўз ва сўзлар охири мос келади, натижада ҳар бир тuroқ охирида ритмик пауза бўлади. Бу ҳол шеърнинг бошқа мисраларида ҳам қонуний тарзда такрорланади.

Одатда, шеърнинг қофияси маълум бир тартибга солинган бўлади. Маъно ва синтактик жиҳатдан тамомланган ва маълум қофия билан боғланган шеър бўлаги **банд** дейилади. Мумтоз адабиётимизда банд тўрт, беш, олти, саккиз мисрадан ташкил топади.

Шеърни ифодали ўқишда унинг оҳангдорлигига эътибор бериш лозим. Айниқса, лирик шеърлар алоҳида интонация билан ўқишни талаб қилади.

Масал эса бошқачарoқ ўқилади. Масал ахлоқий, сатирик мазмунни киноявий образларда акс эттирадиган кичик шеърый ва насрий асардир. Масални ифодали ўқишнинг ўзига хос хусусияти ҳаётий интонациядир.

ИККИ КИТОБ

Иттифоқо бир кун китоб жавонида

Икки китоб учрашиб қолди.

Қалин, оғир китоб ўзин ёнида

Эскироқни кўриб, сўз олди:

- Вой бўй, мунча қариб эзилмасанг-а?

*Турқингни қарагин, бўлмайди таниб.
Ҳеч кимса қайрилиб боқарми сенга?
Юрибсанда сен ҳам бир китобман деб.
Бизга тенглашишга ким қўйибди, бе-е...
Номинг борми ўзи, айтчи?
- Алифбе, -
Дея жавоб берди ҳалиги китоб,
Бу ҳол ҳаётда ҳам учрайди ҳисоб.
Баъзилар кибрга берилиб жуда,
Бошқани кўрсатар оёқ учида.*

(М.Худойқулов)

Масаллар кўпинча диалогли бўлади. Воқеага муаллиф аралашади ва хулоса чиқаради. Масал ўқилганда, унинг туб маъноси, диалогларнинг мазмунига қараб интонация берилади.


“Икки китоб” масалида гердайган, кибр-ҳавога берилган, бошқаларни менсимайдиган амалдорлар ҳажв қилинади. Масаллар ҳамиша диалогли бўлавермайди. Улар муаллиф тилидан ҳикоя қилиниши ҳам мумкин.

ДРАМАТИК АСАР ВА ДИАЛОГЛАРНИ ЎҚИШНИНГ БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ

Бошлангич синф ўқиш китобларида драматик жанрдаги асарлар берилмаган. Шунга қарамасдан, ўқитувчи драматик асарларни ифодали ўқиш усуллари билан яхши таниш бўлиши керак. Драматик асарларни ифодали ўқий олиш - синфдан ташқари машғулотларни ташкил этишда катта ёрдам беради.

Драматик асар сахнада қўйиш учун мўлжалланади. Унда муаллиф нутқи бўлмайди. Бундай асарларда воқеанинг ривожланиб бориши, асар қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари, фикр ва тушунчалари, руҳий кечинмалари ва ўзаро муносабатлари диалоглар орқали очиб берилади.

Драматик асарда образнинг равшан ва ишонарли бўлиши учун асардаги ҳаракат ва қаҳрамоннинг қилиқлари характерли ҳамда ўзига хос, яъни ифодали бўлиши лозим. Бу хусусиятлар сахнада, айниқса, истеъдодли артистлар ижросида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Сахнада бундай артистларнинг сўзи, ҳаракати тушунарли



бўлади. Аммо ўқитувчи ўқувчиларни пьеса билан ифодали ўқиш орқали таништиради. Ифодали ўқиш драматик асарнинг моҳиятини, айтиш вақтида нутқ кўринишлари (ритм, мелодика, хилма-хил маънодаги паузалар; нутқ оҳанги ва интонация, қисман мимика ва имо-ишора)ни очиқ беришда катта роль ўйнайди. Ифодали ўқиш ва мимика драматик асарнинг ғояси ва персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, интилишларини тингловчининг кўзи олдида яққол гавдалантиришга ёрдам беради.

Одатда, кироатхон қаҳрамоннинг фамилияси ёки исмини паст овоз билан айтади ва бироз пауза қилиб, интонацияга риоя қилган ҳолда унинг сўзларини ўқийди.

Муаллиф изоҳи (ремарка) алоҳида оҳанг ва паст овоз билан ўқилади. Агар диалогда фақат икки киши қатнашса, ҳар гал қаҳрамоннинг исми ёки фамилиясини айтиш шарт эмас. Чунки нутқ маъноси ва интонациянинг ўзи ҳам айтилаётган фикрнинг кимга тааллуқли эканини кўрсатиб турибди.


ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛ УСТИДА ИШЛАШ. СИНФДА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

ОҒЗАКИ ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Оғзаки ҳикоя қилиш, нутқ хусусиятларига кўра, асарни ўқиб беришдан фарқ қилади. Одатда, оғзаки нутқ ҳикоя қилиш пайтидаги тафаккур жараёнини ифодалайди. Ҳаётий вазиятга қараб, бирор нарса ҳақида ё батафсил ҳикоя қилиб берилади, ёки уни эслатиш билангина чекланади.

“Айтилган гап – отилган ўқ” деган халқ мақоли бор. Ҳақиқатан ҳам айтилган гапни ўзгартириб бўлмайди, чунки айтилган сўзни тингловчи идрок қилиб улгурган бўлади. Сўзловчи ҳикоя қилиш пайтида бирор сўз ўрнида бошқа сўз ишлатади ёки тингловчи тушунмаётганини сезса, унинг маъносини далиллар билан қайта тушунтиради.

Оғзаки нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда сўзловчининг луғат бойлиги ва гап тузиш маҳорати алоҳида роль ўйнайди. Агар ёзма нутқда аниқ маъноли термин, мураккаб қўшма гаплар қўлланилган бўлса, сўзловчи нутқда тингловчилар савиясига мослаб оддий сўзлар, таъсирчан ибора ва жумлалар ишлатилади.




Ҳикоя қилиш вақтида керакли сўз ёки иборани топишда кўпроқ пауза қилишга тўғри келади, бундай пауза нутқнинг таъсирини сусайтиради. Шунинг учун ўқитувчи оғзаки нутқнинг энг муҳим ва асосий хусусияти бўлган жонли интонация ва ифодалилигига алоҳида аҳамият бериши, ифодали ўқиш жараёнида интонациядан қанчалик унумли фойдаланса, оғзаки ҳикоя қилиш вақтида ҳам ундан шунчалик самарали фойдаланиши лозим.

Сўзловчи бирор адабий асар мазмунини ёки ўзи ижод этган бирор матнни ҳикоя қилади. Матн бирор ёзувчи асари ёки ўз ижоди бўлишидан қатъий назар, сўзловчи ундаги воқеа-ҳодиса ва ҳатти-ҳаракатларни “ўз ичидан чиқариб”, жонли тилдагидек ҳикоя қилади. Бундай жонли нутқда фабула (бадий асарда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларнинг баёни) ҳам, асар ҳам ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳикоя қилишда жонли нутққа яқинлашишга интилиш, табиийлик, оддийлик ва тилнинг тушунарли бўлишига амал қилиш, ифодали воситалардан ўрни билан камроқ фойдаланиш ва сўзларнинг таъсирчанлигига кўпроқ эътибор бериш ҳикоянинг таъсир кучини оширади. Ҳикоя қилувчи тингловчилар онгида ҳақиқий ҳаётни тўғри гавдалантириш учун нутқдаги ҳар бир сўз ва ибора нима сабабдан айтилаётганини чуқур ҳис этиши, воқеаларни тингловчиларга тушунарли қилиб баён қилиши лозим. Масалан, ўқитувчи Мирзачўлни ўзлаштирувчилар ҳақида ҳикоя қилганда, табиий офатларни енгиб, чўлни бўстонга айлантирган ғолибларнинг ишларини жонлантириб гапириши лозим.

Бундан ташқари, ўқитувчи берадиган маълумот тўғри, аниқ бўлиши билан бирга, таълим-тарбия талабларига тўлиқ жавоб бериши ҳам лозим. Улар маълум ёшдаги болаларнинг билим даражасига, хотираси, тасаввур этиш қобилиятлари, фикрлаш малакаси кабиларга мос келишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳикоя қилишга пухта тайёрланиш, ҳикоя мазмуни устида ишлашни биринчи ўринга қўйиш зарур эканлиги кўриниб турибди.

Ҳикояда қуйидаги босқичлар бўлади: экспозиция, туғун, воқеа ривож, кульминация, ечим.

Баъзан ҳикояда болаларга унча таниш бўлмаган сўзлар ва иборалар учрайди. Бундай пайтда асар мазмунига зарар етказилмай, айрим сўзлар унинг синонимлари билан алмаштирилади, иборалар,



ифодалар, мақоллар изоҳланади. Ҳикоя қилишнинг бундай усули “Ўз сўзи билан ҳикоя қилиш” деб юритилади.

Лекин ҳикоя қилишда вульгар, жаргон, архаик ва қўпол сўзларни ҳамда ибораларни ишлатмаслик керак.

Ҳикояда миллий турмуш белгиларини ифодаловчи, маҳаллий хусусиятларни акс эттирувчи сўзларни сақлаш ва уларнинг мазмунини тушунтириш, изоҳлаш зарур, чунки халқчил нафис сўзлар ҳикояга эмоционал гўзаллик бағишлайди. Ҳикоя қилиш вақтида болаларнинг эътиборини бўлмаслик учун бундай сўзларнинг маъносини ҳикоя қилишдан олдин тушунтирган маъқул.

МАТНГА ЯҚИН ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Ҳикоя қилинадиган материал устидаги дастлабки иш ифодали ўқиладиган материал устидаги дастлабки ишдан анчагина фарк қилади.

Ўқитувчининг ҳикоя қилишга тайёрланиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мавзу танлашда ва ҳикоя қилишда назарда тутилган таълим-тарбиявий мақсадни аниқлаш.


2. Керакли материални танлай олиш ва уни ижодий ўзлаштириш.

3. Ҳикоянинг композицион-сюжет режасини тузиш.

4. Синфга кирмасдан илгари ҳикояни овоз чиқариб ўқиш ва айнаи вақтда ҳикоя нутқининг образли-эмоционал ифодалилиги устида ишлаш.

Ўқитувчи ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ҳикоя қилишнинг ҳар хил турларидан: матнга яқинлаштириб ҳикоя қилиш, ижодий ишлаб чиқиб (қисқартириб ёки мукаммаллаштириб) ҳикоя қилиш, манбалар - адабий-бадий асарлар ва илмий-оммабоп мақолалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва шахсий ҳаёт тўғрисида ижодий ҳикоя қилишдан фойдаланади.

Ўқитувчи ҳикоя қилишга ана шу тартибда тайёрланади. Тайёргарлик вақтида ҳикоянинг баъзи ерларини соддалаштириши, баъзиларини эса расмлар кўрсатиш йўли билан мураккаблаштириши мумкин.



ҚИСҚАРТИРИБ ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Кўпинча ўқитувчи бадиий асарнинг бирор қисми билан ўқувчиларни таништириш мақсадида ундан парчалар танлайди. Ажратиб олинган бундай парчалар болаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ўқитувчи турли усуллардан фойдаланиб ўқувчиларни ҳикоя мазмуни билан таништиради. Бундай усуллардан бири қисқартириб ҳикоя қилишдир. Бу усулда ҳикоянинг дарсда батафсил ҳикоя қилиш учун танланган қисмидан қолгани қисқартириб ҳикоя қилинади.

Ҳикоячи қисқартириб ҳикоя қилишга ўтганда, тингловчилар унинг қисқартиришларини сезмай қолиши лозим. Ҳикоя тингловчи учун сўзлар воситасида баён қилинган бутун бир асардир.


ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАР ВА ДИАЛОГЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Ўқитувчи ҳаммавақт ҳам синфда ёки синфдан ташқари машғулотларда осон адабий-бадиий ҳикоялардан фойдаланавермайди, у таълим-тарбиявий мақсадни кўзда тутиб, дарслик материалларидан, илмий-оммабоп брошюралардан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи бундай манбалардаги материаллардан фойдаланиб, сюжетли ҳикоялар тузиб, бу ҳикояларга тафсилотлар ва диалоглар киритиб, жонлантириб сўзлаб беради.

АТОҚЛИ КИШИЛАР БИОГРАФИЯСИДАН ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ

Ўқиш китобларида мамлакатимизнинг атоқли кишилари: олимлар, ихтирочилар, жамоат арбоблари, саркардалар, шоирлар, рассомларнинг ҳаёти ҳақида материаллар берилган.

Атоқли кишилар ҳаётини ўрганиш катта - таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Ёзувчи, академик Ойбек Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодининг тарбиявий аҳамияти ҳақида шундай дейди: “Бой ила хизматчи”ни ёшлик чоғимда, эски шаҳар театрида кўрганман. Одам қалин, зал ёшлар, ўспиринлар билан лик тўла эди. Бутун юрагим билан, ҳаяжон билан тингладим. Қалбимга қон, кўзларимга ёш тўлди ва юрагимга хоин бойлар, золимлар, сотқинларга бениҳоят



кучли нафрат, ғазаб тўлди. “Бой ила хизматчи” менда сўнмас из, чукур таассурот қолдирган”.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни атоқли кишиларнинг биографиялари билан муфассал таништириш имконига эга эмасмиз, чунки бу ёшдаги ўқувчилар баён қилинадиган материални етарли даражада тушунмайдилар. Шу сабабли уларга ёзувчи ва шоирлар ҳаётидан айрим эпизодларни, масалан, А.Навоий, Ойбек, А.Қахҳор каби атоқли ёзувчиларнинг болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин.

БАДИЙ АСАР ВА РАСМНИ ИЗОҲЛАБ ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Сухбатнинг қизиқарли бўлишида бадий асардаги айрим воқеа-ҳодисаларни уларга оид кичик-кичик ҳикоялар тузиш билан изоҳлаш муҳим роль ўйнайди.

Изоҳли ҳикоя ўқувчиларни асарда тасвирланган ҳаёт ичига олиб киради. Болалар кўришга ҳозирланаётган кино ёки иншо ёзиладиган расмлар ҳам изоҳлаб ҳикоя қилинади. Албатта, ҳамма расмлар ҳам изоҳ талаб қилавермайди. Бундай ҳолларда зарурий эҳтиёжларга қараб иш тутилади.

Шундай қилиб, аниқ тушунчани изоҳлаш, ҳодисалар тавсифи, тарихий воқеалар ёки қатор бошқа воқеаларнинг баёни, биографик маълумот ва шу кабилар бадий асар ва расмларни изоҳлаб ҳикоя қилишнинг мазмуни бўла олади. Изоҳлаб ҳикоя қилишдан мақсад болаларнинг билим доирасини кенгайтириш билан бирга, уларнинг тасаввурларини аниқлаштириш, фикрлаш қобилиятларини такомиллаштиришдир.

ТАЙЁРГАРЛИКСИЗ ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Баъзан синфда кутилмаганда бирор воқеа юз беради: ўқувчилардан бирортаси ўз бурчига бепарволик билан қарагани, ўртоқлари, ўқитувчилари ёки ота-оналарини алдагани, хайвонларни қийнагани, ижтимоий фойдали ишларда иштирок этмаганлиги каби воқеалар маълум бўлиб қолади. Баъзан ўқувчилар мактаб ёки синф ҳаётида юз берган воқеадан таъсирланадилар, аммо унга нисбатан ўз муносабатларини билдира олмайдилар, бирор аниқ ҳодиса рўй берганда эса қандай иш қилишни билолмайдилар. Баъзан эса

ўқитувчи тушунтираётган ўқув материали болалар учун мавҳумдай туюлади. Шундай ҳолларда ўқитувчи тайёргарликсиз ҳикоя қилиш усулидан фойдаланади. Бундай тайёргарликсиз ҳикоя болалар диққатини жалб этиб, фикрини фаоллаштиради, ҳис-туйғуларини уйғотади, уларни ўз бурчларини виждонан, тўғри ва ҳалол бажаришга даъват этади.


Кутилмаганда юз берган воқеа-ҳодисалар учун ҳамма вақт ҳам тайёр ҳикоялар топилавермайди. Ана шундай ҳолларда ўқитувчи олдиндан тайёрланмаган, яъни ўша пайтнинг ўзида тўқиладиган ҳикоядан фойдаланади. Тайёргарликсиз ҳикоя аниқ ғояли, содда сюжетли ва қисқа бўлиб, таълим-тарбиявий мақсадга хизмат қилиши керак.

Ўқитувчи китоб, газета ва журналлар ўқиганда маълум мақсадни кўзда тутиб, баъзи ҳикояга расм ва мақолаларни қирқиб олади, радио эшитганда ва телевизор кўрганида эса керакли нарсаларни белгилаб, ён дафтарига қайд қилиб қўяди. Бу ўзига хос материаллар “гўплами”да шундай хилма-хил ва ажойиб маълумотлар бўладики, улар бирор воқеа таъсирида беихтиёр ўқитувчининг эсига тушади. Синфда ва синфдан ташқари машғулотларда улардан фойдаланиб, тайёргарликсиз бемалол ҳикоя қила олади. Тасвирланган ҳаётнинг муҳим томонларини очиб беради. Агар ўқитувчи асар мазмунининг ўзидан келиб чиқиб, унинг жонлироқ чиқишига имкон берадиган, уни тўлдирадиган имо-ишоралар қўлласа, унга эътироз билдирилмайди.

Сўзловчининг фикр ва кечинмаларини очиб беришда психологик имо-ишоранинг аҳамияти ниҳоятда катта. Психологик имо-ишора матннинг туб маъносини очиб беришга, ғоясини аниқлашга ёрдам беради. Ҳикоя қилишда ишлатиладиган имо-ишора психологик паузанинг келиб чиқишига сабаб бўлади, психологик пауза эса ўзидан кейин келадиган сўзнинг интонациясини кучайтиради. Имо-ишора нутқнинг маълум бир ерида ишлатилиши шарт эмас. Имо-ишорадан истаган ўринда (бирор сўздан олдин, кейин ёки ўша сўз айтилаётган пайтда) фойдаланиб, талаффуз этилган сўзнинг маъносини таъкидлайди ва тингловчиларни унга ишонтиришга ёрдам беради.

Мисол учун “Қутлуг қон” романидаги Йўлчининг куйидаги нутқига диққат қилайлик:

- Халойик! Бўш келманглар, оёқни тираш керак, муштни кўрсатиш керак. Жамики камбағал халқ қўлни-қўлга бериб, яктан



бўлиб турса, кимнинг ҳаққи бор мардикор олишга?!

“Халойиқ!” ундалмасидан кейин келган “Бўш келманглар, оёқни тираш керак, муштни кўрсатиш керак” жумлалари деярли бир хилдаги ҳис-ҳаяжон билан айтилади.

МИМИКА ВА ИМО-ИШОРА УСТИДА ИШЛАШ

Мимика юз мускулларининг ифодали ҳаракати бўлиб, ҳар хил ҳис-туйғуларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Бундай ифодали ҳаракат нутқнинг маъносини тўлдиради ва кучайтиради. Умуман, мимика тингловчиларга таъсир кўрсатувчи қўшимча воситалардан биридир. Ҳикоя қилувчи юз, кўз ҳаракати билан ўз кечинмаларини ифодалайди, асар қаҳрамонларига ва унда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Мимика сўзловчининг фикри, ҳатти-ҳаракати, ҳис-туйғуси ва бутун ички кечинмалари билан узвий боғланган бўлади. Ифодали оғзаки нутқда мимика воқеликни чуқур тушунишга, персонажнинг ички кечинмаларини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради. Масалан, М.Худойқуловнинг “Ваҳимачилар” масалида сичқоннинг ҳовлиқиб келиб, қўшнисига: “Ҳой, бу ёққа чиқинг дарров, қўшнижон!.. Ахир нима ейсиз эртага?” деган жумласи унга мос интонация (қўл, лаб, бош ҳаракати) билан ўқилганда, у тингловчига таъсир этади. Шунингдек, масални, айниқса, унинг диалогларини ўқиётганда, ёзувда тиниш белгилари (вергул, ундов, сўроқ) орқали ифодаланган мақсад оғзаки нутқда имо-ишора билан ифодаланади.

Имо-ишора оғзаки нутқда кучли ифода воситаси ҳисобланади, аммо қўшимча восита сифатида ифодали нутққа бўйсунди. Ўқитувчи имо-ишоралардан усталик билан фойдаланиб, асарда улар орасидаги вергул ўрнида қилинадиган узоқ пауза нутқнинг таъсирини кучайтиради. Нотиқнинг нутқи мазмунини тўлдиришга, мақсадни чуқур англашга ёрдам беради. Гапнинг логик урғуси ҳар учала иборада баравар қўлланилади. “Жамики камбағал халқ қўлни-қўлга бериб, яктан бўлиб турса” жумлалари бироз пастроқ овоз билан айтилади. Аммо “кимнинг ҳаққи бор мардикор олишга?!” деганда, овоз тони яна баландлашади. Унда ҳам сўраш, ҳам ундаш маъноси англашилади: қаҳр-ғазаб, ҳаяжон кучайиб, гап оҳангги кўтарилади.

Йўлчи монологи ўқилаётганда, қаддингизни ростлаб олишингиз, кўкракни эркин қўйиб, бошни магрур тутишингиз керак. Ҳаракатингизда олдинга – аудиторияга томон интилиш сезилиб турсин. Ўрни билан ўнг қўлингизни баланд кўтариб мурожаат қилинг. Шундагина тингловчи нутқингизни бутун вужуди билан берилиб эшитади, камбағал халқнинг исёнига хайрихоҳлик, ғалабасига ишонч туйғулари дилида жўш уради. Юқорида “камбағал халқ қўлни-қўлга бериб, яктан бўлиб турса” жумласи пастрок талаффуз қилинади, дедик. Бироқ бундан, бу ибораларга бефарқ қаралар экан, деган хулоса чиқмайди, чунки ғалабага халқнинг қўлни-қўлга бериб, яктан бўлиб ҳаракат қилиши орқали эришилади.

Монологни ўқишдан олдин имо-ишораларни ҳам ўз ўрнида қўллашга ҳозирлик қўрилса, асар ғояси мукамал тушунилади.

Таҷрибали педагоглар имо-ишорадан тежамли ва ўринли фойдаланишни маслаҳат берадилар. Айниқса, нутқ оҳангига мослаб столга чертиб туриш, сочни силаб қўйиш, ҳикояни бошлашдан олдин томоқни қириб қўйиш сингари сохта имо-ишораларни мутлақо ишлатмаслик керак. Бундай ўринсиз ҳаракатлар нутқни идрок қилишга ҳалақит беради, тингловчининг фикрини чалғитади.

Ҳатто самарали имо-ишоралар ҳам ҳадеб такрорланаверса, аҳамияти пасайиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳикоя қилувчи имо-ишораларни тежаб қўллаши, унинг натижасини яхшилаб кузатиб бориши ва улардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим.

БАДИЙ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Тингловчига асарнинг ғоявий мазмунини, муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, қаҳрамонларнинг ички ҳиссиётларини етказиш ифодали ўқиш олдида қўйиладиган асосий вазифадир. Шу мақсадда ҳар бир талаба ифодали ўқишнинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўрганиши керак. Уни пухта ўзлаштирган кишининг нутқи равон, ширали бўлиб, ўз фикрини тингловчига тўғри ва изчил етказа олади.

Тўғри, бадий асарларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда ўқилавермайди. Ҳар қандай асарни ифодали ўқиш унинг жанр хусусиятлари ва композицион тузилишига кўра белгиланади. Ўқитувчи асарни ифодали ўқишга киришишдан олдин унинг ғоявий мазмунини,



образлар барқарорлиги ва бадий хусусиятларини чуқур ўрганиши лозим.

Бадий асарларни ифодали ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари ўқиладиган асарнинг жанри, оҳангдорлиги (рукни), кофияланиш тартиби, банд қурилишига боғлиқ.

Биз қуйида бармоқ, эркин, аруз шеърӣ тузилишига мансуб асар-ларни ўқиш ҳақида қисқача фикр юритиб, мисоллар келтириш билан чекланамиз.

БАРМОҚ ВАЗНИДАГИ ШЕЪРЛАРНИ ЎҚИШ

Бармоқ вазнидаги шеърлар аруз вазнидаги шеърлардан тузилиши ва ўқилиши жиҳатидан фарқ қилади.

Бармоқ вазнидаги шеърлар чўзиқ ва қисқа бўгинларга ажратилмайди, балки тuroқлар миқдорига асосланади. Унда мисралардаги бўгинларнинг сони бир хилда, текис такрорланиши натижасида муайян рукн ҳосил бўлади. Масалан:

*Қизик, ҳар йил январда
Мен туғилган бир кун бор.
Келишади меҳмонлар,
Ёғиб турганда ҳам қор.*
(Зулфия)

Бу шеърнинг ҳар бир мисрасида тuroқлар сони еттитадандир.

Қи-зик, ҳар йил ян-вар-да
1 2 3 4 5 6 7
Мен ту-ғил-ган бир кун бор.
1 2 3 4 5 6 7
Ке-ли-ша-ди меҳ-мон-лар,
1 2 3 4 5 6 7
Ё-ғиб тур-ган-да ҳам қор.
1 2 3 4 5 6 7

Бармоқ вазни туркий халқлар шеърятининг энг қадимги тури бўлиб, халқ оғзаки ижоди ҳам шу шеърӣ вазн асосида яратилган.

Бармоқ вазни шунчалик узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, ҳозиргача эскирган эмас, балки ўзбек шеъриятида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбек шеъриятида бармоқ вазнининг тўрт бўғиндан тортиб, ўн олти бўғингача бўлган ўн уч тури мавжуд. Мисрадаги турокларнинг турлича келиши натижасида вазннинг сони ҳам кўпайиб бораверади.

Қуйидаги парча беш турокли вазнга мисол бўла олади:

Ўртоғим Турғун, -5

Мен билан юргин. - 5

Бизнинг богчани - 5

Бир бориб кўргин. - 5

(Қ. Ҳикмат)

Ойбекнинг шеъридан олинган қуйидаги парча эса олти бўғинлидир:

Қиш оқшоми кескин, - 6

Ел бирла қор ўйнар. - 6

Турмуш яна тошқин, - 6

Порлади чироқлар. - 6

Севимли шоирамиз Нозимахонимнинг “Нигорим” номли қуйидаги шеъри етти бўғинда ёзилган:

Қўзи сузук нигорим, - 7

Сўзи чучук нигорим. - 7

Бокмай қиё ўтарсан, - 7

Айбим нечук, нигорим? - 7

Ойбекнинг “Темирчи Жўра” достонидан олинган ушбу парча эса саккиз бўғинли ифодаланган:

Бир тўп ишчи билан қорда - 8

Жўра ётар ва муттасил - 8

Ўт очади, шу қаторда - 8

Турсун ҳам бор, отар дадил. - 8

Уйғуннинг “Ўқувчига” номи билан аталувчи қуйидаги шеъри тўққиз бўғинда битилган:



Шеърим агар бўлса бир лола,	- 9
Сиз - парвариш қилувчи офтоб.	- 9
Юрагимни айлаб пиёла,	- 9
Сизга тутдим ишқимдан шароб.	- 9

Куйидаги шеърий парча ҳам Уйғун қаламига мансуб бўлиб, ўн бўгинли вазнда ёзилган:

Мархабо, Янги йил, омон келдинг,	- 10
Яхши кунлар кутар яна олдда.	- 10
Кўзимга жаҳонни кўрсат кенг,	- 10
Кўрайлик ҳар на бўлса иқболда.	- 10

Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” драмасидан олинган куйидаги парча ўн бир бўгинлидир:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,	- 11
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.	- 11
Мен элимнинг юрагида яшайман,	- 11
Эрк деганнинг тилагида яшайман.	- 11

Собир Абдулланинг “Қиз севгиси” номли шеъри ўн уч бўгинлидир:

Менинг севгим ҳар хил гулга ўхшамас асло,	- 13
Хазон бўлмас - гуллар каби куз бўлган чоғда.	- 13
Мени севган ёр булбулга ўхшамас асло,	- 13
Баҳор – келиб, ташлаб кетмас - куз бўлган чоғда.- 13	

Ўзбек шеъриятида шеърий асарларнинг кўпчилиги 7,9,11,12, 13 туроқлидир. 4,5,6 туроқли шеърлар кўпроқ болалар шеъриятида учрайди.

Юқорида тилга олинган шеърлар вазни бир туркумга кирувчи туроқлар гуруҳидан ташкил топган ва шунинг учун улар содда вазнга мансубдир.

Ўзбек шеъриятида содда вазн билан бирга кўшма ва эркин вазнлар ҳам мавжуд. Агар шеърнинг ҳар байти икки туркумга кирувчи бўгинлар сонидан ташкил топса, кўшма вазн майдонга келади.



Грузин шоири Шота Руставелининг М.Шайхзода ва Миртемир томонидан таржима қилинган “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” номли асари кўшма вазн намунасидир.

Юқоридаги бармоқ вазнида ёзилган шеърлар биттадан ўртагача туроклар силсиласи борлигини кўриб ўтдик. Ҳар бир турокнинг ҳар бир қаторида эса бир неча бўғин бўлиши мумкин. Масалан:

3	3	3
На кўкнинг /	фонари /	ўчмасдан,
3	3	3
На юлдуз /	сайр этиб/	кўчмасдан,
3	3	3
На уфқ /	ўрамай /	ёқут-зар,
3	3	3
На булут /	силкитмай /	олтин пар,
3	3	3
Тонг кулиб /	боқмасдан /	Жонтемир
3	3	3
Қуюқ бир /	завқ билан /	турарди.

(Уйғун)

Бу парчада туроклар ичидаги бўғинлар 3-3-3 шаклида келтирилган бўлса, ўзбек халқ кўшиқларидан “Рўмолим”да 4-4 шаклида гуруҳланган:

4	4
Рўмолим, ох,/	рўмолим бор,
4	4
Рўмолимда /	туморим бор,
4	4
Бир кўришга /	хуморим бор,
4	4
Дод, алимдан/	кетди рўмол.

Мақсуд Шайхзоданинг “Муҳаммад тўпчи” балладасида эса туроклар ичидаги бўғинлар 4-5 шаклида келтирилган:

Кўза олиб / чиққан яхши қиз,

4

5

Гўзалларнинг / ҳусни, нақши қиз,

4


5

Бир жом сув бер, / сувинг кўп совуқ,

4

5

Ким учун бу / айтганинг кўшиқ?



ЭРКИН ШЕЪР ЎҚИШ

Эркин вазнли шеър тузилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, мисралар бўғинларнинг сонига эмас, балки оҳангдорлик (рукн) ва интонация мутаносиблигига асосланади.


Шеърни ифодали ўқиганда, шеърнинг мазмуни ва ўзига хос эркин шаклидан келиб чиққан маъқулроқ. Бунинг учун шоирнинг қувончи, фикри, ҳаяжонини чуқур ҳис этишга интилиш керак. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг “Нима бизга Америка” шеърини кўздан кечирайлик:

*Нима бизга
Америка?!
Нима бизга
унинг суръати?
Унинг тезлиги,
кучи,
қуввати,
Унинг шижоати,
унинг ғайрати?*

Умуман, эркин вазндаги шеърларни ҳам ифодали ўқишдан олдин туроқ ва бўғинлар аниқланиб, пауза ва ургули сўзлар белгилаб олинсагина, асар ғоясига тушуниб етиш осон бўлади.

АРУЗ ВАЗНИДАГИ ШЕЪРЛАРНИ ЎҚИШ

Аруз бир қатор Шарқ халқлари шеърлятида, жумладан, ўзбек мумтоз шеърлятида асосий ўрин тутди. У фақат ҳижолярнинг миқдорига эмас, балки талаффуздаги узун-қисқалигига ҳам асосланган бўлади. Шунга кўра, аруз вазни бармоқдан тубдан фарқ қилади. Аруз мисрадаги ҳижолярнинг гуруҳланиб такрорланиши асосида эмас, балки қисқа ва чўзиқ ҳижолярнинг, оҳангдор бўлакларнинг маълум тартибда такрорланиб келишидан ҳосил бўлади, шунга кўра ўзига хос оҳангдорликни, мусиқийликни вужудга келтиради.



Аруз илмий нуқтаи назаридан қараганда, ҳижо асосан икки хил: қисқа ва чўзиқ бўлади. Лекин айрим ҳолларда ҳижоларнинг ўта чўзиқлиги ҳам кўзга ташланади. Бундай ҳижоларни ўта чўзиқ ёки бир ярим ҳижо деб номлайдилар. Масалан, қуйидаги мисолни ўқиб кўрайлик:

*Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.*

(Нодира)

Агар шартли равишда қисқа ҳижо (V) шаклида, чўзиқ ҳижо (–) ва ўта чўзиқ ҳижо (~) шаклида кўрсатилса, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

*Қил-ма-гил –зин-ҳор –из-ҳор эҳ-ти-ёж,
фо-и-ло-тун –фо-и-ло-тун-фо-и-лон
Ким а-зиз –эл-ни қи-лур -хор эҳ-ти-ёж.
фо-и-ло-тун –фо-и-ло-тун-фо-и-лон*


Баъзан қисқа ҳижоларнинг чўзиқ ҳижога, чўзиқ ҳижонинг қисқа ҳижога ўтиш ҳоллари ҳам юз беради. Бу арузда имола деб юритилади. Шунинг ҳам эсдан чиқармаслик керакки, имола ҳодисасига кўра а билан тугаган очик бўғинлар сўз ўртасида қисқа, сўз охирида эса чўзиқ ва қисқа бўлиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, қолган барча унлилар билан битган очик ҳижолар ҳам қисқа ва чўзиқ бўлиши мумкин. Бордию ҳижоларнинг охирида икки ундош қатор келса (Масалан: шайх, чарх, халқ, завқ, баҳс, бахт), ҳижолар ҳам ўта чўзиқ ҳисобланади.

Айрим ҳолларда бир ундош билан тугаган ҳижолар ҳам ўта чўзиқ ҳижога айланиши мумкин. Масалан: ёр, бор, зор, тож, нур, шеър. Булар оғзаки нутқда: ёор, боор, зоор, тоож, нуур, шээр сифатида талаффуз этилади.

Демак, аруз вазнидаги шеърларнинг ҳижолари уларнинг ёзилишига қараб эмас, балки ўқилишига, оҳангига, қандай талаффуз қилинишига кўра аниқланади.

Шеърятда мисралар маълум бир тартибда бўлганлиги учун, улар бир неча ҳижодан иборат бўлакларга бўлиб талаффуз этилади. Мисранинг худди шу бўлаклари – рукн дейилади. Рукн биттадан тартиб, то беш ҳижогача бўлиши мумкин. Ҳар бир мисрадаги



рукнларни бир-биридан ажратиш учун қисқа пауза қилинади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Меҳрибоне топмадим” радифли газалидан олинган қуйидаги парчани олайлик:

*Меҳр қўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баче қилдим фидо, ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимга еттим, ғамғусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.*

Бу парча аруз вазни талабларига кўра қуйидагича рукнларга ажратилади.

*Меҳ-р -қўп –кўр/гуз-ди-м / ам-мо/ меҳ-ри-бо-не/ топ-ма-дим,
Жон- ба-се –қил/дим-фи-до-о/ро-ми –жо-не/ топ-ма-дим.
Ғам- би-ла –жо/ним-га ет-тим/ғам-ғу-со-ре/ кўр-ма-дим,
Ҳаж-ри-ла –дил/хас-та –бўл-дум/ дил-си-то-не/ топ-ма-дим.*

Рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ-қисқалигига қараб саккиз аслга бўлинади ва уларнинг ҳар бири махсус ном билан юритилади:

1. ФАУЛУН – уч ҳижоли руkn: фа-у-лун.

Биринчи ҳижо қисқа, иккинчи ва учинчи ҳижолар эса чўзиқдир.

2. ФОИЛУН ҳам уч ҳижоли руkn: фо-и-лун.

3. ФОИЛОТУН – тўрт ҳижоли руkn: фо-и-ло-тун.

4. МАФОИЙЛУН – тўрт ҳижоли руkn: ма-фо-ий-лун.

5. МАФЪУЛОТУ - тўрт ҳижоли руkn: мафъ-у-ло-ту.

6. МУСТАФЪИЛУН – тўрт ҳижоли руkn: мус-тафъ-и-лун.

7. МУТАФОИЛУН – беш ҳижоли руkn: му-та-фо-и-лун.

8. МАФОИЛОТУН – беш ҳижоли руkn: ма-фо-и-ло-тун.

Санаб ўтилган саккиз руknнинг турлича бирикиши натижасида баҳрлар вужудга келган. Баҳрлар эса аруз вазнидаги шеър ўлчовларининг асоси ҳисобланади.

Рукнлар ўзгаришсиз такрорланса, солим (аслий), бордию руknларнинг такрорланишида ўзгариш ҳосил бўлса, тармок (фаръий) баҳрлари ҳосил бўлади. Улар арузда солим ва тармок баҳрлари деб юритилади.

Баҳрлар сони арузда 19 та:

- | | |
|-------------|---------------|
| 1. Тавил | 11. Муқтазоб |
| 2. Мадид | 12. Мужтасс |
| 3. Басит | 13. Сареъ |
| 4. Вофир | 14. Жаид |
| 5. Комил | 15. Қариб |
| 6. Ҳазаж | 16. Ҳафиф |
| 7. Ражаз | 17. Мушокил |
| 8. Рамал | 18. Мутақориб |
| 9. Мунсарех | 19. Мутадорик |
| 10. Музореъ | |

НАСРИЙ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Прозаик асарларни ифодали ўқиш ҳам катта маҳорат талаб қилади. Чунки, адабий асарнинг бадиий хусусиятлари, унда олдинга сурилган фикрлар, ёзувчи дунёқараши каби муҳим масалаларни аниқлашда ифодали ўқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўқитувчи матнни танлашда жуда эҳтиёт бўлмоғи зарур. Матн юқори савияга, юксак бадиий қимматга эга бўлган, шу билан бир қаторда, таълим-тарбияга оид бўлмоғи керак. Олинган парча ҳажм жиҳатидан жуда ҳам катта бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, матнда диалоглар кам бўлишига эътибор бериш керак. Шундагина оғзаки нутқни ўстириш, бадиий асарнинг гоёвий мазмунини чуқур тушуниш, образлар тизимини ўрганиш, умуман, ёзувчининг ҳаётга бўлган муносабатини англаш каби ифодали ўқиш дарслари олдига қўйиладиган қатор талабларга жавоб бериши мумкин.

Прозаик асарларни ифодали ўқишнинг ҳаммага яқин ва осон бўлган халқ оғзаки ижодига мансуб эртақдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

ЭРТАКЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Эртақ халқ оғзаки ижодининг энг қадимги турларидан бири ҳисобланади. Унда фантазия ва муболаға кучли бўлиб, халқ ҳаёти, урф-одатлари, интилиш ва курашлари, орзу-умидлари акс эттири-



лади. Шуниси характерлики, деярли барча эртаклар асосида эзгу-лик билан ёвузлик ўртасидаги кескин кураш туради ва албатта, эзгулик тантанаси билан якунланади.

Эртакларни ифодали ўқишдан олдин, ўзбек халқ эртакларида турли-туман шаклда ишлатиладиган анъанавий муқаддима намуналаридан мисоллар келтирилиб, уларнинг бир-биридан фарқи тушунтирилади. Масалан, “Тулки билан товус” эртагининг муқаддимасига диққат қилинг: “Эртаги ё эртаги, эчкиларнинг буртаги, қирғовул қизил экан, қуйруги узун экан, ғоз-чи карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчук чакимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор...”.

Ўзбек халқ эртакларидан “Ойпарӣ”нинг муқаддимаси ундан фарқ қилади: “Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, ўтган замонларнинг бирида Хусанбой исмли камбағал бир бечора йигит бўлган экан, унинг ётарга уйи, турарга жойи ҳам йўқ экан. У туғи-либ ўсган қишлоғида эски масжиднинг хужрасида ётиб юрар экан”.

Эътибор берилса, иккала эртақнинг муқаддимаси ҳам бошқа-ча-бошқача ўқилишини сезиш қийин эмас. Масалан, биринчи эртақ муқаддимаси сажда ёзилганлиги учун ифодали ўқиганда ритмга ҳам катта эътибор берилади: “Эртаги ё эртаги, эчкиларнинг бур-таги”. Иккинчи эртақ муқаддимаси эса ундан бутунлай фарқ қилади: “Бор эканда, йўқ экан...” Бу парча худди муаллиф баёни каби вазмин ўқилади.

Эртакларнинг бундай хилма-хил анъанавий муқаддималари талабаларга тўғри ўқиб кўрсатилса, уларнинг бутун фикри-хаёли жалб этилади, асар мазмунига бўлган қизиқишлари тутиб турилади. Масалан, “Уч оғайни ботирлар” эртагининг ўқилишига эътибор қилинг:

“Бир бор экан (қисқа пауза), бир йўқ экан (қисқа пауза), қадим замонда (пауза) бир киши бўлган экан (пауза). Унинг учта ўғли бор экан (қисқа пауза), учови ҳам ўқиган (қисқа пауза), оқ-қорани таниган (қисқа пауза), юзлари ойдай (қисқа пауза), ўзлари тойдай (қисқа пауза), ёмон билан юрмаган (қисқа пауза), ёмон жойда турмаган экан (пауза). Тўнғичи – йигирма бир ёшда (қисқа пауза), ўртанчаси – ўн саккиз ёшда (қисқа пауза), кенжаси – ўн олти ёшда экан (пауза)”.

Тўнғичи, ўртанчаси ва кенжаси каби сўзларни ўқиётганда мантиқий урғу берилади, бу сўзлардан сўнг тире бўлганлиги учун



қиска бир пауза қилинади.

“Отаси (қиска пауза) бир куни буларни ўз олдига чақириб (қиска пауза), ҳар бирининг пешонасидан ўпиб (кичик пауза), бундай дебди (пауза)”:

- Ўғилларим (қиска пауза), мен бой эмасман (қиска пауза), мендан қолган нарсалар (қиска пауза) сизнинг турмушингиз учун етмайди (қиска пауза), энди мендан бирор нарса умид қилиб ўтирманглар (пауза). Ўлганимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар (қиска пауза), вояга етказдим (қиска пауза), қувватли бўлдингизлар (қиска пауза), яроқ ушлашни ўргатдим (қиска пауза), яроқ ишлатишга уста бўлдингизлар (қиска пауза), кўрқитмай ўстирдим (қиска пауза), ботир бўлдингизлар (пауза). Яна уч нарсани айтаман (қиска пауза), кулоқларингизга қуйиб олиб (қиска пауза), эсла-рингдан чиқарманглар (пауза). Тўғри бўлинг (пауза), бежавотир бўласиз (пауза). Мақтанчоқ бўлманг (пауза), уятга қолмайсиз (пауза). Дангаси бўлманг (пауза), бахтсиз бўлмайсиз (пауза). Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг (пауза). Қора тойни (қиска пауза), саман тойни (қиска пауза), кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим (пауза). Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим (пауза). Бахтингиз йўлда (қиска пауза), уни топиб олмоқ учун сафарга чиқингиз (қиска пауза), дунёни танимай (қиска пауза), дунё кишиси бўлмайсиз (пауза). Бахт кушини ушламоқ учун (қиска пауза), бахт овига чиқинглар (пауза). Хайр энди (қиска пауза), ўғилларим, - деб сўзини тамом қилибди (пауза)”.

Бу матнда меҳрибон отанинг-қариянинг севимли фарзанд-ларига қилаётган насиҳати сезилиб туриши керак. Ота сўзидаги: яроқ ушлашни ўргатдим, кўрқитмай ўстирдим, тўғри бўлинг, мақтанчоқ бўлманг, қора тойни, саман тойни, кўк тойни, каби сўзлар, худди юкорида кўрсатилганидек, алоҳида таъкидланиб, урғу бериб ўқилса, эртак гоаявий мазмунининг тингловчи қалбига бориб етиши осонлашади.

ҲИКОЯЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Ҳикоя эпик турнинг кичик жанри бўлиб, киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди, аммо шу воқеага қадар бўлган на ундан кейин рўй берадиган воқеаларни батафсил баён этмайди. Шуниси характерлики, ҳикояда қаҳрамон ҳаётдан кичик бир эпи-зод олиниб, унда ҳаётнинг муҳим, типик кўриниши ихчам шаклда тасвирланади.




Ўқувчи ҳикояни ифодали ўқишда бу жанрнинг ана шу жиҳатларини эътиборга олиши, матндаги муаллиф нутқи, табиат тасвири, диалоглар ҳамда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини пухта ўрганиши лозим. Масалан, куйида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясининг ўқилишини кўриб чиқайлик. Бу ҳикояда бир-бирига қарама-қарши икки синф вакиллари иштирок этган. Уларнинг маънавий қиёфаси ҳам, ижтимоий келиб чиқишлари ҳам тамоман бир-бирига қаршидир. Асарда Қобил бобо образи хонавайрон бўлган деҳқонларнинг ёрқин тимсоли бўлса, амин, пристав ва элликбошилар эксплуататорлар синфининг типик вакиллари сифатида тасвирланади. Шунинг учун ўқиш жараёнида Қобил бобонинг ниҳоятда соддалиги, амалдорлардан мадад кутиши, уларга ишончи, хўрланганлиги, амалдорларнинг эса порахўрлиги, иккиюзламачилиги, фуқарони менсимаслиги равшан сезилиб туриши керак. Шундагина тингловчида Қобил бобога нисбатан ачиниш, меҳр-муҳаббат, амалдорларга чексиз нафрат туйғулари уйғонади.

Ҳикоянинг бошланиш қисми муаллиф тавсифи бўлганлиги учун, паузаларга бўлиб куйидагича ўқиш мумкин:

“Кампир тонг қоронгида ҳамир қилгани туриб (қиска пауза), хўкиздан хабар олди (пауза). О (пауза)!.. Хўкиз йўқ (қиска пауза), оғил кўча томондан тешилган (пауза). Деҳқоннинг уйи куйса куйсин (қиска пауза), хўкизи йўқолмасин (пауза). Бир коп сомон (қиска пауза), ўн-ўн бешта хода (қиска пауза), бир арава қамиш (пауза) - уй (пауза). Хўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб кўйиш керак бўлади (пауза).

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган (пауза): бировни эри уради (қиска пауза), бировнинг уйи хатга тушади (пауза)... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди (пауза). Қобил бобо яланг бош (қиска пауза), яланг оёқ (қиска пауза), яқтакчан оғил эшиги ёнида туриб, дағ-дағ титрайди (қиска пауза), тиззалари букилиб-букилиб кетади (қиска пауза), кўзлари жовдирайди (қиска пауза), ҳаммага қарайди (қиска пауза), аммо ҳеч кимни кўрмайди (пауза). Хотинлар ўғрини қарғайди (қиска пауза), ит хуради (қиска пауза), товуклар қақағлайди (пауза). Кимдир шундай кичкина тешикдан хўкиз сиғишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди (пауза).

Қобил бобонинг кўшниси (пауза) – бурунсиз элликбоши кирди (пауза). У оғилга кириб, тешикни (қиска пауза), хўкиз боғланган устунни (қиска пауза) диққат билан кўздан кечирди (қиска пауза);



негадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди (қисқа пауза), сўнгра Қобил бобони чақирди ва паст овоз билан деди (қисқа пауза):

- Ҳўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди (қисқа пауза), топилади!”.

ПОВЕСТЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Повестларда бир эмас, бир неча персонажлар қатнашади ва улар бош қаҳрамон атрофида гуруҳлашади.

Повестларни ифодали ўқишга киришишдан аввал уларнинг жанр хусусиятларига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки повестларнинг барчасини бир хилда ўқиб бўлмайди. Масалан, автобиографик повестларда ҳаёт осуда, осойишта тасвир этилади. С.Айний, Ойбек ва А.Қаҳҳорларнинг автобиографик повестлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундай асарлар асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда осойишта, шошилмай ўқилади. Масалан:

«Болаликда кўрганларим, эшитганларим ҳаммаси эсимда. Айрим ҳодисалар, хотиралар ҳозир ҳам қуёшдан бир томчи каби ялт этиб кетади ҳаёлимда.

Умуман айтганда, бизнинг болалик ҳаётимиз бўш, бемаъни, зериктиргич, қайғу-аламга тўла бир ҳаёт бўлган.

Рўза ойлари мен саҳар туришни яхши кўрар эдим, аммо рўза тутишга сира тоқатим йўқ эди. Эртаси тунда, кўпинча эрталабқон рўзамни очиб юборардим. Қорним дарров очиб кетарди. Бувимнинг жаҳли чиқар, “Очофат, рўзанинг уволига қолдинг!” деб вайсар эди. “Жуда бўлмаганда рўзанинг бошида, ўртасида, охирида уч кундан тут. Қаноат лозим, қаноат қорин тўйдиради”, дерди бувим хуноб бўлиб» (Ойбек).

РОМАНЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Роман эпик турга мансуб бўлиб, инсоннинг жамият билан алоқасини ҳар томонлама кенг тарзда тасвирлаши, ҳаётнинг кўламдор манзарасини чизиши билан ажралиб туради.

Романнинг повест ва ҳикоядан фарқи шуки, унда турмушнинг йирик муаммолари каламга олинади, кўплаб персонажлар иштирок этади. Роман жанридаги асарларни ифодали ўқишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам шунда. Негаки, ўша персонажларнинг ҳар бирининг характери, маданий савиясини, юриш-туриши ва ҳатто сўзлаш имкониятларини, кишилар билан ўзаро муносабатини, дангаса

ёки чакқонлигини, қўйингки, жамият ҳаётидаги иштироки-ни тушуниб етмасдан туриб, ифодали ўқиб бўлмайди.

Маълумки, роман ўз навбатида, танланган мавзуи ва тасвирий ифода услубига кўра, яна бир неча турга бўлинади. Масалан, “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон” – тарихий роман; “Қуёш қораймас” – ҳарбий роман; “Сариқ девни миниб” – саргузашт роман; “Давр менинг тақдиримда” – ижтимоий-фалсафий роман; “Сароб” – ижти-моий-психологик роман ва бошқалар. Уларнинг барчаси бир хил ўқилса, кўзланган мақсадга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Бундай ўқиш кишини чарчатади, асарга нисбатан қизиқиш йўқолади. Тингловчи ҳам, ўқувчи ҳам ундан эстетик завқ ололмайди.

Романнинг ички турлари аниқлаб олингандан сўнг, унда қатнашаётган образларнинг нутқи, ҳатти-ҳаракати, сўзлаш услубини ҳам кўз олдига келтира билиш зарур. Сўнгра романдан олинган парчани бир неча маротаба ўқиб чиқиб, тиниш белгилари, урғу, пауза ва бошқа зарурий нарсалар аниқлаб чиқилса, мақсад янада равшанлашади. Бу вазифалар бажариб бўлингандан кейин, ифодали ўқишга киришилса бўлади. Масалан:

“Йўлчи турмада яшаркан (пауза), унга туғишган (қисқа пауза) оға-ини сингари меҳрибон бўлган Петров билан биринчи учрашувдан бошлаб (қисқа пауза) то сўнгги дамгача ўтган ҳаётини ҳозир ўз фикридан бир-бир кечирди (пауза). Петровнинг (қисқа пауза) у учун янги (пауза), ёрқин (қисқа пауза), улуг бир дунё очган (пауза), олмосдай ўткир (қисқа пауза), қуёшдай порлоқ (пауза), аммо шу билан баравар, содда (пауза), ҳар бир меҳнаткашнинг (қисқа пауза), ҳар бир эзилганнинг юрагига ёпишадиган фикрларига шўнғиб кетди (пауза)”.

ДРАМАТИК АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Драматик асарларни ифодали ўқишга киришишдан аввал, драма ҳақида қисқача умумий маълумот бериш лозим.

Драматик асарда эпик ва лирик асарлардаги каби муаллиф-нинг батафсил баёни ва ҳикояси бўлмайди. Драма кишини фақат ҳаракатда ифодалайди.

Драма бадий адабиётнинг асосий турларидан бўлиб, монолог ва диалоглар асосига қурилади. Шунинг учун ҳам у роман, повесть, ҳикоя ва шеърӣ асарлардан тубдан фарқ қилади.

Драматик асарда муаллиф қаҳрамонларнинг турли кайфия-тини, ҳолатини ва ҳатто ички ҳиссиётини ҳам уларнинг нутқи ва ҳатти-

ҳаракати орқали баён этади. Бинобарин, драматург ўз қаҳ-рамонлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмай, балки уларнинг ўзларини ҳаракатда кўрсатади.

Драматик асар қаҳрамонларининг нутқи эпик асар қаҳрамонларининг нутқиға нисбатан динамик ҳисобланади. Драматик асарларда нутқнинг аниқлиги, услуби, маром ва оҳангдорлик, паузалар катта аҳамиятга эга.

Драматик асарларни қўлга олиш билан дарҳол муаллиф изоҳиға кўз тушади. Бу изоҳ адабиётшуносликда ремарка деб аталади. Драматик асарларда бериладиган бу изоҳлар асарни саҳнаға қўювчи режиссёрға ва айниқса, уни ифодали ўқимокчи бўлган китобхонға қаратилгандир. Бинобарин, ремаркада асар иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, ҳатти-ҳаракатлари, қилиқлари, саҳна манзараси ва бошқалар ёритилади. Демак, муаллиф томонидан баён этилган ремарка асарни яхши тушуниш, ролларға бўлиб ифодали ўқиш учун жуда зарур.


Бу матнни ифодали ўқиганда персонажларнинг номларини аниқравшан талаффуз этиб, сўнг биров пауза қилинади ва тиредан сўнг баён ўқилади.

Ремарканинг иккинчи қисми, асосан, саҳна манзарасини ифодалаганлиги учун, бу матннинг барчаси дона-дона қилиб, ифодали ўқилади.

Драматик асарларни ифодали ўқишға киришишдан аввал талабаларға монолог ва диалоглар ҳақида қисқача маълумот бериб, уларнинг ифодали ўқилишини кўрсатиш зарур.

Жумладан, монолог грек тилидан олинган бўлиб, асар қаҳрамонининг суҳбатдошиға ёки ўзига қарата айтилган нутқидир. Монолог парда ёки кўринишларнинг бошида келса, воқеа ўрни билан бирға, асарда иштирок этаётган персонажлардан бирининг саҳнада пайдо бўлишиға замин ҳозирлайди ва у билан таништиради. Булардан ташқари, монолог асар қаҳрамонининг фикр ва кечинмаларини ифодалайди.

Диалог грек тилидан олинган бўлиб, икки киши орасидаги сўзлашув деган маънони англатади. Драматик асарлардаги қаҳрамонлар диалоги персонажларнинг асл мақсадлари, ниятлари, интилишларини, рухий кечинмаларини ва уларнинг бир-бирлари билан бўлган ўзаро муносабатларини очиқ беришға, асардаги воқеаларнинг ривожланиб боришиға ёрдам беради. Бундай хусусиятлар, айниқса, истеъдодли артистлар томонидан саҳнада ўйналганда янада ёрқинроқ



намоён бўлади. Аммо, ўқитувчи талабаларни диалог билан таништирганда, уни фақат ифодали ўқиш орқали таниш-тиради.


Эпик асарлардаги диалоглар кўпроқ кишилар ўртасидаги суҳбатга ўхшаса, драматик асарлардаги диалоглар турли тўкнашувлар асосига қурилади. Шунинг учун ҳам драматик асарларни ифодали ўқишда, мазмунини талабаларга етказишда ундаги маълум ҳаракат, турли-туман муносабатлар ва ҳатто персонажларнинг бир-бирлари билан сўзлашиб, тортишиб турган вақтларида қилинадиган пауза ҳам катта ўрин тутати.

Булардан ташқари, қаҳрамонларнинг характери, руҳий ҳолатлари, уларнинг портрети, воқеа содир бўлаётган жойлар ва ундаги шароитлар ҳам асарни ифодали ўқишга киришишдан олдин, машғулотнинг дастлабки пайтида, овоз чиқармай ичдан ўқиш вақтида белгилаб олинади. Масалан, драматик асарларни ичдан ўқиладиган пайтда ундаги персонажларнинг ўзига хос хусусиятлари, қандай касб ва ҳунар эгаси эканлиги каби масалалар уларнинг сўзларида, ҳатти-ҳаракатларида яққол сезилиб туради.

Умуман, драматик асарларни ифодали ўқишда фақат юқорида айтилганларга суянибгина қолмаслик керак. Асардаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини тасаввур қила билиш, уларнинг ҳолатига кира билиш керак.

Ролларга бўлиб ўқитиш учун ўқитувчи ўз гуруҳидан талабаларнинг ифодали ўқиш санъатини қай даражада эгаллаганидан хабардор бўлиши керак. Бўлмаса, олиб бориладиган амалий машғулотнинг сифати бўлмайди. Унга путур етади.

Драматик асарларни ролларга бўлиб ўқишда талабалар ифодали ўқиш назарияси билан амалий машғулотларда олган билимларини биргаликда қўшиб олиб бора оладиган бўлишлари лозим. Улар персонажларнинг ҳатти-ҳаракатлари, характери, ниятига яхши тушуниб етиши ва ҳатто образнинг қайси ҳолатда, қандай кайфиятда эканлигини ҳам билишлари, тушунишлари зарур.





АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Бадий асарлар

Ҳамид Олимжон

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппок бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб гунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода курғур илк сахар
Олиб кетти гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.
Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўрайман:
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб кушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сикқанича ол.



Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.


Умрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда,
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Абдулла Орипов

МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ

Қани айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг.
Нечук керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам.
Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,
Қайлардан туғилмиш бу оҳу фарёд.
Ким у йиғлаётган? Навоиймикин
Ва ё май куйчиси Хайёммикин, дод!
Етар, эй чолғувчи, бас қил созингни,
Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар.
Наҳотки дунёда шунча ғам бордир!
Агар шу муножот рост бўлса, агар,
Агар алдамаса шу совуқ симлар,
Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.
Сен бешик эмассан, дорсан табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан дунё!
Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар муножот.
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!



ЎЗБЕКИСТОН

Юртим, сенга шеър битдим букун,
 Қиёсингни топмадим асло.
 Шоирлар бор, ўз юртин бутун –
 Олам аро атаган танҳо.
 Улар шеъри учди кўп йирок,
 Қанотида кумуш диёри.
 Бир ўлка бор дунёда биров
 Битилмаган дostonдир бори:
 Факат ожиз каламим маним,
 Ўзбекистон, Ватаним маним.

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб,
 Томолмасам чекмасман алам.
 Ўтирмасман эртақлар сўзлаб,
 Мусалло деб йўнмасман қалам.
 Кўкламингдан олиб сурурни
 Довруғ солди устоз Олимжон.
 Ғафур Ғулом туйган ғурурни
 Қилмоқ мумкин дунёга дoston.
 Олис тарих кадамим маним,
 Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
 Илғай олмас барчасин кўзим.
 Мақтамасман мозийни биров,
 Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
 Забтга олиб кенг Осиёни,
 Бир зот чикди мағрур, давонгир.
 Икки аср ярим дунёни
 Зир қакшатди буюк жаҳонгир.
 Айтгум, бу кун, у маним, маним,
 Ўзбекистон, Ватаним маним.


Боболардан сўз кетса зинҳор,
 Бир калом бор гап аввалида.
 Осмон илми туғилган илк бор
 Курагоний жадвалларида.

Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўз олдимда кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор алашим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ – ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шеър.
Темур тиги етмаган жойни,
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним.
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-танним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...



ҒАЗАЛЛАР

Алишер Навоий

Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.

Вомиқу, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду, балоу ғуссаға
Толиб эл бошига келган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайидин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

Алишер Навоий


Қаро кўзим, келу мардумлуг эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир конидин ҳино боғла,
Итингға гамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.



Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил,

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий шароби нобким, ишрат замонидур.

Гаҳе саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳе саҳни чаман гул чехрасидин арғувонийдур.

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин.
Магарким сунънинг наққошига ранг имтихонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тарахҳум айлагилким, анда жонидур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафъй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдун ёмонлиғ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ, не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.



Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўк
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

НАСРИЙ АСАРЛАР

Зумрад ва Қиммат (Эртак)

Ўтган замонда катта сой бўйида бир уй бўлар экан. Бу уйнинг бир томони қалин ўрмон билан туташган экан.


Бу уйда чол, унинг кизи Зумрад, ўғай она ва унинг Қиммат деган арзандаси яшар эканлар. Кампир арзанда кизи Қимматни ардоқлар, уни эркалар, талтайтирар, Зумрадни эса жуда-жуда ёмон кўрар экан.

Хуллас, кампирнинг Зумрадни кўргани кўзи, отгани ўки йўк экан. У ҳадеб эртадан кечгача Зумрадни уриб, қарғаб ишлатаркан, бечорага бир пас ҳам тинчлик бермас экан.

Зумрад чиройли, одобли, мулойим, ақлли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қиларкан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан.

Кампирнинг арзандаси Қиммат эса, иш ёқмас, инжиқ ва тантик қиз экан. Унинг бутун куни уриш жанжал ва тўполон билан ўтар экан. Зумрад ҳар куни эрта билан барвақт кўзасини кўтариб сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда лолалар, ранг-баранг гуллар уни кўриб, бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб, унга қўшиқлар айтиб берар эканлар.

Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркаламас эканлар, бу қиз гулларга озор берар, уларни юлиб ташлар, тепкилар экан, лолалар, гуллар, Қимматнинг келишини билиб қолсалар, ковоқларини солиб, юмилиб қоларканлар. Ёвуз кампир бундан ғазабланар экан ва буни Зумраддан кўраркан. Бир кун нияти бузилипти, у Зумраддан қутилмоқчи бўлипти, у чолни чақириб олиб, унга дағдаға қилиб: «Қизингни ўрмонга олиб бориб адаштириб келмасанг, мен сен билан бирга турмайман!» - депти.



Бечора чол ноилож зор-зор йиғлаб, қизи билан ўрмонга йўл олипти, тоғу тошлардан ўтипти, бир ўрмонга борипти. Ота-бола ўрмон ичида узоқ юришипти. Охири куюқ сояли бир жойга бориб тўхташипти. Кейин чол ўтин кесгани кетипти. Зумрад эса ёлғиз қолипти.

Бирдан шамол турипти. Чол эса ўрмондаги бир катта дарахтга болтасини осипти-да, унга оғирроқ тош боғлаб каттиқ итариб юборипти. Болта у ёқдан-бу ёқда урилиб тўкиллайверипти.

Шамол кучайипти. Болта шамол кучи билан дарахтга урилиб «тўк-тўк» қилиб товуш чиқазипти.

Зумрад «отам ўтин кесаётипти» деб ўйлаб, уни анчагача кутипти. Кеч бўлипти, отадан дарак бўлмапти. Шамол тўхтапти.

Қиз ўрмондаги чучмомаларни териб юриб, беҳосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолипти. Қараса отаси йўқ эмиш.

— Вой, шўрим курсин! Вой отажон!—деб уввос солиб йиғлаб, тўрт томонга югурипти. Ҳеч кимдан дарак бўлмапти, қиз адашиб қолипти.

Ўрмон яна ҳам ваҳимали бўлиб кўринипти. Бесунақай дарахтлар, кингир-қийшиқ шох-шаббалар орасидан ваҳимали, бахайбат йиртқич ҳайвонлар чиқиб келаётгандай туюлипти. Қиз қаёққа боришини билмай, охири кичик бир сўқмоқ йўлдан чопиб кетаверипти.


Зумрад узоқ йўл босипти. Гуллар эса қоронғида унинг йўлини ёритипти. Кета туриб, бир вақт қараса, узоқда милтиллаган чирок кўринипти, итнинг хургани эшитилипти. Қиз ўша томонга қараб юраверипти. Тезда бир уйга етипти. Уйнинг деразасидан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдига кирипти, унга салом бериб, бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир айтиб берипти.

Шундай чиройли қизчанинг уйига келганини кўрган кампир жуда қувонипти, қиз унга ёқиб қолипти. Кампир сеҳргар экан. У қизнинг йиғлаганини кўриб:

— Йиғлама, қизим, мен сенга ёрдам бераман,— деб Зумрадни овутипти, яхши эртақлар айтиб берипти. Қиз ҳам хурсанд бўлиб:

— Раҳмат, бувижон! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишингизни жоним билан қиламан,— деб жавоб берипти.

Шу чоғ уйнинг томига бир гала қуш келиб қўнипти. Қушлар қизчани мақтаб сайрашипти. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир



яна ҳам қувонипти ва кизга дунёда топилмайдиган китоб, қўғирчоқлар бериб:

— Оппоқ қизим, ширин қизим, думбогим, мунчоғим!—деб қизни эркалапти.

Улар анча кун бирга туришипти. Кампир қизчани парварини қилипти.

Зумрад ҳар куни уйни супуриб-сидириб, дераза ойналарини артиб-суртиб, ҳамма ёқни чиннидай қилиб қўяр экан. Буни кўрган кампир яна ҳам қувониб кетар экан.

Бир куни кампир кизга ош қилиб бермоқчи бўлипти. Зумрадга қараб:

— Жонгинам, томдан ўтин олиб туш, ош қилиб бераман,— депти:

Қиз:

— Хўп бўлади, онажон,— деб дарров томга чиқипти. Том жуда баланд экан, ҳамма ёқ кўриниб турар экан.

Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолипти. Юраги ўйнаб, йиғлаб юборипти. Буни эшитган кампир:

— Нега йиғлайсан, жон қизим?— деб сўраган экан, қиз:

— Кўзимга уйимиз кўрииниб кетди, отамни соғиндим,— деб яна йиғлапти.

Кампир уни юпатипти, икковлари овқат пишириб ейишипти.

Эрта билан кампир:

— Қани, нарсаларингни йиғиштир-чи қизим!—депти.

Қиз китоб, қўғирчоқларини йиғиштирипти.

Кампир қизга:

— Томда иккита сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизини сандиқни олиб туш!— дебди-ю, ўрмонга кириб кетипти ва ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизни аравага ўтказипти.

— Сандиқни уйга боргандан кейин очгин, оппоқ қизим,— деб кампир Зумрадга бир калит берипти.

Қиз билан кампир қайта-қайта хайрлашиптилар. Зумрад йўлни тушипти. Бир зумда арава қизнинг уйига етиб келипти. Шу вақт севимли қизидан ажралиб қолган бечора чол ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, Зумрадни соғиниб эшиги олдида йиғлаб ўтиргани экан. Қиз отасини кўриши билан:

— Салом, отажон!—деб унинг бағрига ташланипти. Чол хурсанд бўлганидан анчагача кўз ёшларини тўхтата олмапти. Охири йиғидан тўхтаб, қизига:

— Оппоғим, мени кечир,— деб, қизини бағрига босипти. Улар уйга киришипти. Қизнинг келгани ҳаммага маълум бўлипти. Қўни-қўшнилар йиғилишипти. Улар Зумраднинг қандай қилиб келгани, нималар олиб келганини билишга қизиқишипти. Шу пайт қиз қизил сандиқни очиши билан ҳамма ҳайрон қолипти: сандиқ асил моллар билан лик тўла экан. Мол шунча кўп, шу қадар ажойиб эканки, Зумраднинг бутун умрига етиб ортар экан.

Буни кўриб ўгай она қаттиқ ташвишланипти, қахру қазабга тўлипти.

Очкўз, ичиқора кампир арзандаси Қимматнинг ҳам шундай бойликка эга бўлишини истапти ва чолга дағдага қилипти, қизи Қимматни ҳам тезда ўрмонга обориб, адаштириб келишини буюрипти. Чол Қимматни дарров ўрмонда адаштириб келипти.

Кеч кирипти, Қиммат ҳам Зумрадга ўхшаб, болта осилган дарахт тагига бориб қолипти ва адаштирилганини сезипти, ҳўнг-ҳўнг йиглапти, уни ҳеч ким овутмапти, эркаламапти. Унинг рўпарасида бойқушлар ўтириб олиб, ҳунук товушлари билан сайрашипти, Қимматни масхара қилиб кулишипти; ўрмон яна даҳшатли кўринипти.

Ўрмон Қимматни ваҳимага солипти. У кўрқиб қоча бошлапти. Ўрмон қоп-қоронғи. Қиммат сеҳргар кампирнинг уйига кириб борипти. Кампир уни яхши кутиб олипти, овутипти, меҳмон қилипти. Сўнгра қизга қараб:

— Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман,— депти. Аммо Қиммат сеҳргар кампирга бир огиз ҳам ширин сўз сўзламапти, чунки онаси унга бирорта ҳам ширин сўз ўргатмаган экан. Кампир уни севмапти, эртак ҳам айтиб бермапти, китоб ва кўғирчоқ ҳам бермапти.

Қиммат ялқов, дангаса қиз экан, у эртадан-кечгача сеҳргар кампирникида ўтираверар экан, уйни йиғиштирмас, супуриб-сидирмас экан.

Бир куни кампир ўрмондан қайтиб келиб, унга:

— Томдан ўтин олиб туш, қизим!— деган экан, қиз:

— Ўзингиз олиб туша қолинг, малайингиз йўқ!— депти.

Кампир жудаям хафа бўлипти, аммо қизни алдаб-сулдаб томга чиқарипти. Лекин қиз ўтин олиб тушмапти, том бошида чинқириб



йиглайверипти. Кампир буни эшитиб:

— Нега йиглайсан, қизим? — деб сўраган экан, Қиммат ер тепиниб:

— Уйимни кўрдим, кетаман, — деб хўнграб йиглайверипти.

Сеҳргар кампир унга:

Жуда яхши, томдаги сандикни олиб туш!—депти. Қиммат сандикни олиб тушипти. Кейин кампир қизга бир калит узата туриб:

— Мана калит, сандикни уйингга борганингда очасан,— депти.

Қиз шу захотиёқ йиғидан тўхтапти ва оқ сандикни орқалаб жўнапти. Сеҳргар кампир унга арава ҳам бермапти, қиз оғир сандикни кўтарганича уйига келипти.

Қизнинг келишини даставвал олапар ит сезипти. У Қимматнинг онаси олдига бориб:

— Вов, вов, вов,— деган экан, кампир кулоқ солмапти, ит яна вовиллапти.

— Опам келаётирлар, орқалаганлари оқ сандик, илон билан лиқ тўлиқ,— депти.

Кампир ғазабланипти, ўқлоғи билаи итни уриб, оёғини синдирипти.

— Менинг қизим ақлли. У қимматли моллар келтиради,— депти у.

Қизининг келганини кўриб, кампир ўзида йўқ севинипти. Қўни-қўшнилар йиғилипти, сандикни очмоқчи бўлишипти.

Шунда кампир билан қизи: «Йўқ очманглар!»—деб ўзларини сандик устига ташлаптилар. Кейин сандикнинг икки қулоғидан кўтариб уйга олиб кириб кетиптилар.


Ярим кеча экан, кампир билан қиз эшик-эликни ёпиб, сандикни очипти-ю, бирданига «Вой дод, қутқаринглар!», «Аждар!», «Вой дод!» деб бақаришипти.

Сандикда иккита аждар ётган экан. Қоқбош кампир билан унинг уришқоқ қизи додлашиб, уйни гир-гир айланишипти, қўрққанларидан кулф эшикни очолмаптилар.

Икки аждар кампир билан қизни ютиб, дарчадан чиқиб кетипти.

«Вой дод!» деган овозни эшитган қўни-қўшнилар эшикни бузиб ичкари кириптилар. Қарасалар, ҳеч ким йўқ эмиш. Уйда ёвуз кампирни ҳам, унинг уришқоқ қизини ҳам тополмаптилар.

Шундай қилиб, оқ кўнгил Зумрад билан ота иккиси тинчгина яшаб, мурод-мақсадларига етиптилар.



ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(ҳикоя)

1

Баҳорда, атрофда ажиб бир уйғонишнинг ёқимли бўйлари уфура бошлаган тароватли бир айёмда, чўққи соқоли, ораста кийими ўзига чунон ярашган, қўл тегса тилиб юборгудек қиррадор дўппи кийиб олган истараси иссиқ оқсоқол етти-саккиз ёшлар чамасидаги, ғайрати танасига сиғмай, қулай фурсат топдим дегунча ўзини ҳар ён уриб кўраётган чакмоқдек болакайнинг қўлидан маҳкам ушлаб олган кўйи мамлакатнинг бош шаҳрига келиб тушди. Отахон бошқа томонларга чалғимай болажонни тўғри Хотира майдонига етаклади. Саккиз қиррали юлдуз ичра гуриллаб ёниб турган оловни айланиб ўтдилар-да, «Мотамсаро она» ҳайкали қошида бир муддат тўхтаб эҳтиром кўрсатдилар. Сўнг бобо қўлидаги гулдастани тутқазиб имо қилганди, зехнли набира уни бирпасда она пойига тўшаб қайтди.

Кейин нақшинкор айвон томон юрдилар.

— Вуй, анави китобларни!.. - ҳайратини яширолмади болакай.


— Ҳа, ажойиб-а! - набирасининг завқига шерик бўлди бобо айвон деворларига ўрнатилган, олтинранг улкан китобларни авайлаб varaқларкан. - «Ҳамдамов К. 1918 - 1943», - ўқиди бобо овоз чиқариб. Сўнг ўқиган жойига кўрсаткич бармоғини элтиб: - Болам, бу киши менинг отам, сенинг эса катта бобонг бўлади, - деди.

- Бобо, нега катта бобо бу ерда, китобнинг ичида? - сўради набира чандон қизиқиб.

— Чунки, болам... - дабдурустдан нима дейишини билмай бир зум тараддудланди бобо, сўнг борини борица айтишга қарор қилди, - чунки у киши урушда ҳалок бўлган. Ватанимизга бостириб кирган душманга қарши жанг қилган...

— Бобо, яна гапириб беринг.

Бобо ўйга толди. Раҳматли онасининг айтишича, у киши Иккинчи жаҳон урушида қонли жанглардан бирида оёғининг остига келиб тушган бомбадан чилпарчин бўлиб ўлган экан. Аммо ҳозир негадир ўз отаси қисматини эмас, балки элининг узоқ тарихида юз берган бошқа бир воқеани ҳикоя қилиб бергиси келди. Назарида, худди шу ҳикоя мағзида нафақат ўз падари бузруквори, балки ер юзидаги жамики Ватан қаҳрамонлари тақдири жо бўлган эди...



— Тавба, - деб қўйди у ҳикоясини бошлашдан олдин ўзига ўзи, тарих шундоқ кўз ўнгида такрорланаётган эди: ахир гуё кечагина ўзига ҳам буни бобоси ҳикоя қилиб берганди-да. Яна қўшиб қўйганди: «Бу Ватан ҳақида қушиқ бўлади, ёдлаб олгин-да, вақти-соати етганда уни болаларингу набираларингга айтиб бергин...»


2

Қор бирданига босди. Ҳеч кутилмаганда. Ҳали эрта эди, аммо... Ортидан қора совуқ келди. Нафас олсанг, бурун катакларингнинг гирди гуё бирлашиб ёпишиб қолаётгандек, оёқ ва қўл бармоқларингнинг учи увишиб, ўзининг бор-йўқлигини сезмаётгандек бўлаверади. Ҳовузлардаги сув тарақлаб музлаган. Челак тугул, найза билан тешиб удда қилолмайсан: шундоқ ҳам суви кам қолган ҳовузлар тубигача яхга айланган. Бир кучоқ музни амаллаб олиб чиқсанг, уни эритиб-қайнатиб чой дамлаш учун на тезак ва на ўтин топилади. Дарахтларми?.. Бе-е, бор бўлса, дарахтлар ҳақида гапирилади-да! Қайда қопти дарахт дегани? Ҳаммаси ўтган йилги аёзда кесилиб, ўтинга ишлатилиб соб бўлган...

... - Шимоли-ғарбий дарвозалар бағоят заифлашиб қолди, ҳукмдорим! Таслим бўлишдан ўзга иложимиз йўқ! - ҳаяжону кўркувдан дир-дир титраб келиб деди қалъабегини. - Шундай қилсак, зора, аёлларимизу болаларимизга тегишмаса... Ахир ёғийнинг ваъдаси ҳам шундай эди-ку!

Қачон эди? Шунча қаршилик кўрсатдик. Аламлари бўғизларида. Жон аччиғида бутун халқни қиличдан ўтказишса, биздан, миллатдан нима қолади? - эътироз билдирди амирбоши.

- Ахир, айтинг, тузукроқ ўзга чорамиз борми?! Бўлса, бош устига! Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бир йилдан бери тиш-тирноғимиз билан қаршилик кўрсатамиз. Аскарларнинг катта қисми ҳалок бўлган, борининг ҳам шарти кетиб, парти қолган: неча кундир сувсиз-нонсиз совуқда қотиб ўтирибди, у ёқда уқ-дорисининг ҳам таги кўриниб ётибди. Қўлимиздаги қиличу юракларимиздаги умиддан ўзга ҳеч вақомиз йўқ энди! Ўша умид билан Тангрига сигинайлик-да, қиличларни ёғий оёғи остига ташлайлик, ҳукмдорим!.. Ҳукмдор қалъабегининг гапларига диққат билан қулоқ тутиб тураркан, ушбу оқил ва мард жангчи билан хаёлан баҳслашарди: ахир қайси юз билан таслим бўлишади? Тарих кечирадими?.. Тарих... Қанақа тарих? Таслим бўлмаса, яна нари борса бир неча ҳафта ичида ҳаммаси патарат топади-ку! Бир йилдир дош бериб турган дарвозалар қулайди-




да, ичкарига мўр-малахдек бостириб ёғий киради ва ваъдасини бекаму кўст адо этади: эркаларнинг уруғини куришиб, қизу аёлни ўртада бебурд қилади, болаларни эса кул ва чўрига айлантиради. Сўнг унинг Ватани ҳам, унга қўшилиб элининг тарихи ҳам ер юзидан супурилиб кетмайдими?..

Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин, агар... Агар у қалъабегини ўғиниб сўрагани каби иш тутса!.. «Шунда... шунда кўзи қонга тўлган душман кўлида қилич тутабилгич жамики эркаларни сўйса ҳам, аёллару ёш болаларимизнинг омон қолишига умид қилса бўлади. Шунда... шунда менинг халқим батамом қирилиб кетишдан сақланиб қолади ва қачонлардир яна ўзлигини тиклайди!.. Оҳ тиклармикан!?»

Шундай дер эди-ю, ҳукмдор алам билан лабини тишларди. Чунки бу эҳтимол ҳам мавжуд воқелик қаршисида ғоят ҳақир кўринарди. Шунчаларки у дам кўзга илашар, дам эса йўқ. Шунинг учун ҳам у бисотидаги сўнгги чорани қўллаш ҳақида ўйлай бошлади. Сўнгги чора! Бас, у ҳаммасини ҳал қилади: ё ҳаёт, ё ўлим!..

Ҳукмдор уззукун шу ҳақда ўйлади. Сўнгги чорани қўллаш вақти келдимикан деб бу борада хато қилиб қўймаслик устида узоқ ва жиддий бош қотирди. Ниҳоят, бир қарорга келди: аъёнларини тўплаб кўнглини дастурхон этди...

Эртаси кун ҳукмдор юрт кезмоқ учун ташқари чиқди. Элнинг катта бир қисми сарой атрофида тўпланиб, унинг навбатдаги, балки, охиргидир, фармонига бутун вужудлари кулокқа айланиб маҳтал туришарди. Уларнинг олдиларидан бир-бир босиб ўтаркан, ҳаммасининг дард тўла нигоҳларида очлик ва совуқдан, мусибат ва чарчоқдан, умидсизлик ва чорасизликдан дол бўлган қадларида битта, ҳа-ҳа, биттагина тилакни кўрар, у ҳам бўлса қалъабегининг айтганлари билан муштарак жаранглар: «Ҳаммамиз сенинг шонли туғинг остида шунча вақт аҳил яшадик, тирикликнинг аччиқ-ширинини бирга тотдик, ёв келганда бир тану бир жон бўлиб курашдик, нимаики юртда содир бўлаётган экан, бари-барини кўриб-билиб турибмиз, сен ҳақиқий миллатсевар, ватанпарвар ҳукмдор экансан, лекин энди қўлингдан нияям келарди, элга келган тўй экан, биз ҳам, сен ҳам имконимизда борини қилдик, энди сен биздан рози бўлмоғинг кераклигидек, биз ҳам сендан розимиз, дарвозаларни очайлик-да, тақдиримизнинг қолган қисмини пешона ёзиғимизга топширайлик!» - деётгандек туюларди.



Юртнинг қамал қилинган бўлагини пою пиёда узоқ айланди ҳукмдор. Ҳар одимда мудофаа билан борлиқ турли-туман ишлар жонсизроқ бўлса-да давом этиб турарди. Аммо бир пайтлар гулистон бўлган мамлакат энди харобазорга дўнганди, бир пайтлар мағрур юрган ватандошнинг энди боши ҳам, қадди букик, нигоҳи синик эди... Юра-юра илгари обод, энди эса барбод бўлган бир мавзе марказидан чиқиб қолди ҳукмдор. У ерда тўпланган тумонат одам нима-нидир бўлиша олмай баҳслашиб-тортишиб турарди. Ҳукмдорни кўрганларнинг бир қисми бош эгиб таъзим қилди, аммо уришиб-талашаётганларнинг аксари қиё ҳам боқиб қўймади, аксинча, зўр бериб ўзларини тўданинг ўртасига урарди. Ҳукмдор синчиклаб разм солди-ю, ўртада талаш бўлаётган бир бўлак зоғора нонни кўрди. Очликдан силласи қуриган одамлар ана ўша бир парча егулик илинжида бир-бирларининг юзу кўзларига охирги кучларини тўплаб мушт туширар, бир-бирларининг етти аждодини буралаб сўкар ҳам эди. Туртиниб-суртилишлар натижасида нондан укаланиб ерга тушган ушоқларни териб қор ва муз парчаларига қўшиб оғзига солиш илинжидагилар ҳам ўшанча топиларди... Ҳукмдор аянч манзара қаршисида узоқ қололмади, ўзига ўзи ҳа-а, уруш элни не қўйларга солиб қўйди?..

Аммо қай тадбирда хато қилдим мен?! Кўргиликнинг барига мен айбдор, ҳа, мен!...» - деганча юрагида гуриллаб ёнаётан олов билан дуч келган томонга боса кетди...

Кун оға бошлаганда эса темирчилик устахонасига келиб қолди. Аёнларини эргаштириб устахонага бош суққан ҳам эдики, ичкаридаги тақир-туқир бирданига тинди. Усталар юзланиб, қўлларини кўксиларига қўйганча ҳукмдорга таъзим бажо келтирдилар ва шу қўйи ҳайкалдек қотдилар. Фақат четда бир киши орқа ўгириб олиб, бошини қўйи солган қўйи ўнг қўлидаги гурзидек катта болға билан чап қўлидаги, оловдан эндигина чиққан, позиллаб турган чўғ-қилични савалаб ишлов беришини қўймади: тақ-тақ-тақ... Қўрқиб кетган уста-боши «ҳой!» дея сасланди. Бироқ уста ишга шу даражада берилиб кетгандики, ҳеч нимани пайқамади. Бирданига ҳамманинг нафаси ичига тушди. Устабоши жон ҳолатда чопиб бориб устанинг елкасидан туртаркан, дўк урди: «Таъзим қил!»

Уста ўгирилиб ҳукмдорини кўрди ва болгани қўйиб қўлини кўксига олиб борди, бошини эгиб ҳурмат кўрсатди. Ҳукмдорнинг ўрта бўйию чайир билакларига, меҳнатдан қорайиб кетган чехрасига



негадир кулимсираб тикилиб қолди. Уста бир муддат кутди, сўнг яна бутун киёфаси билан ҳукмдорига эхтиром кўрсатди-ю, қўлига «гурзи»ни тутди: тақ-тақ-тақ!, Устабошининг яна капалаги учди ва «Бас қил!» - дея кескин буйруқ берди. Уста ишдан тўхтаб, «нима гап?» дегандек ҳайрон қаради. «Эсингни едингми? қаршингда ҳукмдор турибди, таъзим бажо айла, нодон!» Уста унга ҳайрон қаради ва хотиржам, аммо қатъий оҳангда: «Мен зиммамга тушган вазифани бажаряпман. Колганлар ҳам ўз ишини сидқидилдан адо этганда эди, дарвозаларимиз ортида лак-лак душман қўшини келиб турмас эди!» - деди. Наштардек ушбу жавобдан устабошининг эси оғиб қолаёзди: у яшин тезлигида нимадир демоқчи бўлди-ю, ё ичидаги қурқувига, ё ҳаяжонига тикилиб тутилди. Балки, айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган гапининг маънисига урилиб кетган бўлиши ҳам мумкин... Нима бўлгандаям, устабоши вазиятни тузатолмас ҳолларга тушиб гангиди. Шунда ҳукмдор унинг озурда жонига ора кирди: қўли билан «ҳожати йўқ» дегандек имо қилди. Сўнг бир маромда ишлаб турган устага тикилиб турди-турди-да, унинг елкасига енгилгина шапатилаб қўйганча устахонанинг чиқиш томонига йўналди. Қолган усталарнинг бари қуллуқ қилган қўйи уни кузатиб қолишди... Ҳукмдор устахонадан чиқиши билан эса ёппасига тақир-туқур бошланди. Аммо у уч-тўрт чақирим олислаб кетганда ҳам ортидан унинг қулоқларига фақат ўша устанинг болғасидан чиқаётган товушгина келиб турарди: тақ-тақ-тақ ва у негадир худди бир пайтлардаги, озод ва обод юртидаги темирчилик устахоналаридан келадиغان садони ёдига соларди...

...Эртаси кун азонда ҳукмдор сарой олдидаги баланд супага чиқиб келди. Неча замондир фармонни жарчи ўкиб халойиққа ошкор айлар эди. Энди сахнада ҳукмдорнинг ўзи қад ростлаб турибди. Аммо бу гал «жарчи»нинг қўлида фармон битилган қоғоз йўқ эди. Ҳамишаги жарчи: «Ҳукмдоримизнинг фармони олийлари эълон қилинади!» - дея жар солиши билан бутун эл у ерга ёпирилди ва ўз ҳукмдорлари билан юзма-юз келди. Одатда, бундай манзарадан оғизлар очилиши керак эди-ю, бундай бўлмади, ахвол изохларсиз ҳам кундек равшан эди...

«Эй муқаддас тупроқ! Эй шу тупроқ эгалари! Эй водийлар, эй воҳалар! Эй бепоён ўлкамнинг боғу роғлари, эй дашту далалар ва чўлу биёбонлар! Эй юртимнинг осмонўпар тоғларию улардан тушиб келгувчи дарёю сойлари! Эй сахий куёш, эй кечалари бошларимиз

узра порлаб тургувчи беминнат ойу юлдузлар!.. Мен сизлардан мингдан-минг розиман! Фақат ўзим учун сиздан рози-ризолик тилашга тилим айланмайди. Чунки биламанки, бунга асло ҳаққим йўқ! Яхши ҳукмдор Ватанини ёвга топширмайди. Аксинча, уни ҳеч бир ёвнинг дасти етмайдиган баландликларга олиб чиқади ва мудом ўша ерда қолмоғини таъмин этади. Надоматлар бўлғайким, бу менинг илкимдан келмади!...» Ҳукмдор бу аччиқ, аламли сўзларни ирод қилмоқчи эди, аммо айтолмади. Улар ҳукмдорнинг ботинида жарангларди. Мана неча ойдир кунда жаранглайди улар. Бас, бутун вужудини қоплаган титроққа бир зум енгилиб, кўзларини юмди... киприкларида реза-реза ёш ҳалқаланди... У ўзини қўлга олишга тиришаётгани бутун қиёфасидан, айниқса, бугриқиб бораётган юз-кўзидан, бўртиб чиқаётган бўйин томирларидан, дам-бадам силкинишга тушаётган вужудидан шундоқ билиниб турарди...

- Мен... Мен кеча юрт кездим, - деди у, ниҳоят, овоз чиқариб, - гулдек ўлкамнинг ёғийга таслим бўлишини ўйласам, ҳалигача тирноқларимнинг учигача титраб кетяпти!.. Ахир бу сиз билан бизнинг юртимиз! Уни биз ўз қўлларимиз билан бунёд ва обод этдик. Бас, тупроқларимизда биздан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак! Эсланг, ҳаммамиз шу юрт кучоғида туғилдик, унинг кенгликларида дунёни танидик, ҳаёт деган тенгсиз неъмат билан юзлашдик, ота ким, она ким, дўсту ёр ким, билдик. У бизнинг ору номусимиз, бору йўғимиз! Бас, унинг бағрига ғайри кимсаларнинг киришига минбаъд рози бўлмаганмиз!.. Шундай деймиз-у, энди... Ҳукмдор кўз ёшларини култ этиб ютиб юборди, - энди кўрмайсизми, ёв манави деворларимизнинг, дарвозаларимизнинг шундоқ ортида тиш ва қилич қайраб турибди. Бизнинг эса егани нонимиз, ичгани сувимиз қолмади. Қуролу аслаҳамиз ҳам уларникидек эмас. Устига-устак, ҳолдан тойганмиз, жангчиларимизнинг кўпи очик жангларда ҳалок бўлган. Қолгани оч ва юпун... Жосусларимизнинг сўнгги маълумотларига қараган-да, душман биздан ўн ҳисса зиёд. Ҳам қорни тўқ, ҳам қуроли соз. Шунча кўргилик етмагандек, эшик қоқмай қаҳратон қиш кириб келди. Худди ёғий каби қўққисдан босди у ҳам бизни. Ёғийни мамлакатга сўқмасак ҳам бу туришда қишдан омон чиқишимиз амри маҳол... Мен кеча мамалакат кездим, сиздан бир оғиш сўроқ сўрмай ҳолингизга қарадим. «Нима қилай-лик?» - деб юзу кўзингизга тиланчи каби мўлтираб боқдим. Биласизми,



ҳаммаларингнинг нигоҳларингда битта жавобни кўрдим: «Дарвозаларни очайлиг-у, у ёғини тақдирга ҳавола этайлик!» деган...

Мен дунёга келиб сиздек мард, сиздек садоқатли халқни кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Сизлардан айримларингиз аллақачонлар мени, юртимизни, миллатимизни сотиб душман тарафга қочиб ўтишингиз мумкин эди. Аммо буни қилмадингиз. Биронтангиз нону тузимизга хиёнат қилмадингиз, орқадан пичоқ урмадингиз. Мен, аввало, шунинг учун ҳам Яратганга шукроналар келтираман! Сизларга эса қуллуқ қиламан! Лекин энди вазият бошқача йўл тутишни тақозо қиляпти экан, бу ҳам қисматда бор кўринади. «Таслим бўлсак, душман ўз ваъдасида туриб аёлларимиз ва болаларимиз ҳаётини сақлаб қолар...» - демокдасиз сиз. Наҳотки бисотимизда фақат шугина бир умид қолган бўлса?!. Биргина шу умид!.. Наҳотки сизнинг айтадиган бошқа гапингиз, ўзга таклифингиз бўлмаса?! - хирқироқ овоз билан хитоб қилди ҳукмдор...

Халқдан эса садо чиқмади.

— Айтинг, шу чоққача фармонни мен бердим, энди бир гал сиз беринг. Бу фармонга Ватанимизнинг, сизларнинг, ҳаммамизнинг тақдиримиз боғлиқ! Ёлон қилинг фармонни! - хайқирди ҳукмдор энди...

— Сўз айтмоққа рухсат беринг, ҳукмдорим! - одамлар орасидан кўримсизгина, шу ерда йиғилганларнинг кўпчилиги катори усти-боши кир-чир, йиртиқ-ямоқ бир йигит чиқиб келди-да, ҳукмдорнинг қаршисида тиз букди.

— Сўйла! - буюрди ҳукмдор.

— Модомики фармонни биздан кутаётган экансиз, менга жангда ҳалок бўлиш шарафини ато этинг! Ёвга таслим бўлиб қул бўлгандан кўра душман қиличидан ўлиб озод бўлишни афзал биламан!.. Мен жонимни таклиф қилиб келдим, ҳукмдорим!!! Ахир Ватан қўлдан кетар экан, жонни нима қиламан?! Мен Ватанимни бошқача яхши куrolмайман!..


Боягина атроф сув қуйгандек жим эди, бирдан ғала-ғовур бошланди:

— Эсини еб қўйибди бу!..

— Битта ўзи лак-лак қўшинга қарши борадими?..

— Мусибат элтиб қўйган буни...

— Рухсат берманг, ҳукмдорим! Йўкса, ҳаммамиз шу темирчининг касрига қоламиз! Душманнинг яна ғзабини келтириш-



нинг нима хожати бор? Аслида, муносиб ёғийга муносиб тарзда таслим бўлиш ҳам бир шараф! Шунда ғолиб мағлубни афв этади... Бу шўринг курғур йигитча бизни ўша сўнгги имкондан ҳам махрум айламоқчи!..

Ундан у, бундан бу дегандек, кўпдан-кўп гап чикди. Лекин уларнинг бари йигитнинг сўнгги истагига қарши жаранглади.

— Жим! - Қўлини азот кўтарди ҳукмдор. Сўнг яқин келиб фуқарони елкасидан тутиб турғазди. - Сен кечаги темирчи йигит эмасмисан мабодо?

— Ҳа, ҳукмдорим, ўшаман, - кўзларини ердан ўзмай жавоб берди темирчи.

— Отинг нима?

— Турон! - фахр билан деди йигит.


Ҳукмдор йигитни маҳкам бағрига босиб қулоғига шивирлади: «Агар ҳамма сендек жасур бўлиб, сендек фикр юритганда эди, остонамизда ҳозиргидан ўн ҳисса кучли ёв турганда ҳам, барибир, енгиб чиққан бўлар эдик! қани энди ҳамманинг кўксиди сенинг юрагингдек юрак ура бошласа!..» Ажабтовур манзарани кўриб халойиқнинг нафаси ичига тушди, шовур эса тинди.

— Майли, сенинг тилагингни қабул қиламан, жангчи! Тангри сенга, менга, бутун туронликларга мададкор бўлғай!.. - сўнг ҳукмдор қалъабегии томон юзланиб ҳайқирди: - Дарвозани очинг!

Лекин жавобан на қалъабегии ва на аскарлар - ҳеч ким ҳаракатга келмади. Афтидан, улар нима бўлаётганини бирданига фаҳмлай олмай довдираб туришарди.

— Дарвозани очинг дедим, қалъабегии! - баланд оҳангда такрор ҳайқирди ҳукмдор. Қалъабегии дархол ҳушини тўплаб дарвозабонларга буйруқ берди. Зумда саройга энг ёвуқ дарвозанинг бир қаноти хиёл очилди. Кечаги кунга довр темирчи, бугун эса жангчига дунган йигит ҳукмдорнинг бағридан айрилди-ю, дарвозадан шитоб чиқиб тўғри душман ёққа йўналди. Ўн-ўн беш одим юргач эса белига тақилган қинни кўлига олди. Сал нарида эрталабдан янги ҳужумга тайёргарлик кўриб саф тортиб турган ёв қўшини аввалига анграийиб турди, сўнг биргина йигитнинг қилич суғуриб қинини дуч келган томонга улоқтирганча жангга ҳозирлигини кўргач хохолаб кулиб юборди.

Бу пайтда Турон эли баландлиги нақ бир терак бўйи, устида иккита арава бемалол ёнма-ён юроладиган қалин деворлар устига чиқиб олганча воқеани кузатар эди. Ҳукмдорнинг эса бутун вужуди



кўзга айланиб, лаблари тинимсиз пичирларди...

Йигит ёв қўшинига жуда яқин қолганда улар орасидан бир неча пиёда жангчи ажралиб чиқиб қиличларини яланғочлади. Йигит улардан энг пешдагисига ҳамла қилди ва қиличининг бир ҳимоси биланок душман бошини сапчадек узиб ташлади. Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчисини ҳам худди шундай осонлик билан саранжомлади. Ушбу манзара бир қарашда гуё ўтда ёнмасу сувда чўкмас, қилич чопмасу енгилмас қаҳрамонлар ҳақидаги эртақларни ёдга соларди, соларди-ю, аммо бу эртақ эмас, балки аини ҳақиқат эди. Чунки у ҳамманинг - минг-минглаб жангчию қалин деворлар устига чиқиб олган Турон элининг шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётганди... Алқисса, ёғийнинг ўндан зиёд аскарлари ер тишлаб қолди. Эндигина қаҳқаҳлаб турган улкан қўшиннинг кайфияти бузилган, йириб очилган кўзлари омонсиз жанг давом этаётган дўппидек майдонга михланганди. Йигит-чи, у жонини жабборга топшириб қўйганча қилич сермар, «бир, икки, уч!» дегунча ўзига баъзан бир яримта келадиган давангир-давангир душман жангчиларини ерга қулатар, сўнг яна олдинга ташланарди. Бунга ортиқ чидаб туриш мумкин эмасди, майдон ёв жангчиларидан сачраган қону уларнинг жасадларига тўлиб бораётган эди. Шу пайт денг, бир жойда қоқилган қозикдек тек турган қўшин ҳаракатга келди-ю, ундан ажралиб чиққан жангчиларнинг катта бир гуруҳи халқа бўлиб йигитни ўраб олди. Йигит энди гоҳ у ёндан, гоҳ эса бу ёндан ҳамла қилаётган ёғийга қараб шердек ташланар, наъра тортарди. Ниҳоят, унинг қиличи навбатдаги душманнынг боши узра азот кўтарилганда чор томондан сиқиб келган ёв кўлидаги ўнларча узун найзалар жангчининг ёшгина баданини илма-тешиқ қилиб тешиб ўтди... ва... ва йигитнинг вужуди ўша алпозда ҳайкалдек қотди...

...аммо худди шу аснода тарих ўз йўлини ўзгартирди!.. Чунки худди шу лаҳзада Турон элининг юрагида ухлаб ётган шер каттиқ наъра тортганча гафлат уйқусидан бош кўтарди!..

...борлиқ дарвозалар бирданига лангиллаб очилди ва ҳайқириб, сурон солиб Турон жангчиларию оддий эл душманнынг устига ёпириб кела бошлади. Уларнинг орасида етти ёшдан етмишгача, эркакдан аёлгача, фаррошдан ҳукмдоргача бор эди. Соғми-касалми, бутунми-чўлокми, карми-соқовми... ҳамма ўзини жанг майдонига отганди!.. Барчанинг кўз ўнгида эндигина Ватаннинг ору номуси дея бир ўзи бутун бошли душман қўшини қаршисига чиққан, чиқа олган жангчи

йигит ва унинг душман билан бўлган тенгсиз олишуви сувратланиб қолганди. Бас, энди бу кўшин қаршисига чиқишга жазм қиладиган кўшин бутун ер юзини айланиб битирганингда ҳам топилмасди. Тополмасдинг ҳам! Гуё бу кўшин жангчиларининг ҳар бири эндигина йигирма чоғли душманни ер билан яксон қилган ўша жасур жангчи йигитга айланиб бўлганди... худди ҳукмдор орзу қилгандек...

Ха-я, сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди: ҳукмдорнинг охириги чораси... У шу эдими ё бошқа, буни ҳеч ким билмади. Ўшандаям, ҳозирам... Зеро, ғалабадан кейин буни ким ҳам сўраб-суриштирарди дейсан...

3

— Жангда ким ғолиб бўлди, бобо?! - ҳикоя мағзини тушуниб қолганига қарамай, янада аниқлик киритмоқчи бўлиб сўради таъсирланиб кетган болакай.


— Албатта, туронликлар! Чунки улар сонда ўн ҳисса оз бўлса ҳам, амалда душмандан йигирма ҳисса кучли эдилар. Туронийигитнинг мардонавор ўлими уларнинг юрагини уйғотиб, ундан ўлим кўркувини кувиб солганди. Уйғонган юракда гап кўп, болам. Юраги уйғок инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло енгиб бўлмайди...

Бобо ҳикоясини тугатгандан сўнг узок муддат сукутга чўмди. Боланинг бўлса нигоҳларида ҳайрат қотиб қолганди. У ҳаммасини тушунган каби савол беришни бас қилган, фақат бир бобосига, бир она ҳайкалию бир унинг қаршисида - майдон ўртасида ёниб турган мангу гулханга ва бир катта боболарнинг исмлари битилган мис китобга маъноли-маъноли қарар, ўзича нималарнидир укиб олмоқчи бўлар эди. Яна бирпас кутиб олгач бобо боз тилга кирди:

— Бу Ватан ҳақида кўшиқ бўлади, болам. Ёдлаб олгин-у, унутмагин. Кун келиб уни қикоя қилиб бериш гали сенга етади...

Бобо ва набира кун буйи майдон айланиб, савол-жавоб қилиб, суҳбатлашиб юришди-да, шом туша бошлагачгина бекат ёққа оҳиста одимлашди. Бу чоғ ҳув узокда, уфқда қуёш ол рангларга чулғаниб ботаётган эди.

Қара, эртага кун яна-да мусаффо бўлади! - деди бобо. Боланинг эса нигоҳи бобоси ишора қилган томонга қадалган бўлса-да, кўн қорачиғида, ором олиш учун рангин шафақ - ёстикқа бош қуяётган бобоқуёш эмас, йўқ, балки Ватан шаъни, миллат ҳимояси учун сон-саноксиз ёвга қарши бир ўзи жанг майдонига кириб кетаётган ўша ёш ва баҳодир йигит суврати аксланар, лаблари эса: «Бобо, у менинг катта бобомнинг ҳам катта бобоси экан», - дея пичирларди...



ДРАМАТУРГИЯ

Эркин Хушвақтов

ҚИРМИЗИ ОЛМА

Икки пардали этнографик томоша

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р :

Қ у р б о н м о м о – 60 ёшда
А б д у р а й и м б у в а – 65 ёшда
Р ў ш а н а – 17 ёшда
А б б о с – 19 ёшда
С а и д а б о н у – 30 ёшда
Г ў з а л о й – 30 ёшда

1 Парда

Олмазор. Боғнинг ўртасида бир туп қирмизи олма ғарқ пишиб, оқиб ўтаётган арикқа шоҳлари эгилиб тушган. Олмани тагидаги супада куруклардан қилинган кашта ёзилган. Ўнг томондаги ертандир олдида сополдан ясалган, ҳар хил шаклдаги идишлар териб қўйилган. Қ у р б о н м о м о супада ўтириб тонгда ният қиляпти.

М о м о. Икки кундан буён уйимизни остонасини кимдир супуриб кетаяпти. Эй худо, остонамга қадами теккан элчини дили, нияти пок бўлсин! (Дуо қилиб кириб кетади.)

С а и д а б о н у (кириб хиргойи қилади):

Тонг сахарда турайин
Яхши ният қилайин.
Момоларим удумин
Эслаб ёдга олайин.
Бисмилло, - деб бошладим,
Қамишдан бел боғладим,
Қобилгина ўғлимга
Оқила қиз изладим.

Худоимга ёлвордим,
Бокира қиз сўрадим,
Орзу-ҳавас кўрай, деб
Бўсагадан хатладим.
Остонасин поклайин,
Кўнглига йўл топайин.
Умидларим ушалиб,
Муродимга етайин.

Остонани супура бошлайди.

М о м о. (Секин келиб Саидабонуни маҳкам ушлайди.)
Остонамни супуриб кетадиган «элчи»ни қўлга туширдим-ку!

С а и д а б о н у. (қўлидан чикмоқчи бўлади). Қўйворинг, моможон!

М о м о. Урф-одатларимиз бўйича қўлга тушган «элчи»ни юзига қора суркалган. Юзингизга озгина қора суртаман, чидаб турасиз, жоним отим! (Қозоннинг тагидан қоракуя олади.)

С а и д а б о н у. Одатларимиздан ўргилай. Суртинг, моможон! (Супургини четга қўйиб юзини тутеди.)

М о м о. Ўзингиз ҳам ойдеккина экансиз, яна ҳам ойдай қилиб қўяй! (Қора суртади.)

С а и д а б о н у. Остонангиздан ноумид қайтмасам бўлди.

М о м о. Иримимизни қилдик, энди юз-қўлингизни чайиб олинг! (Офтобада сув тутеди.)

С а и д а б о н у. Моможон, одамни уялтирманг! Офтобани ерга қўйинг, ўзим юваман.

М о м о. «Меҳмон атои худо» дейдилар, хижолат бўлмасдан қўлингизни тутинг! Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! (Сув қуяди.)

С а и д а б о н у. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! (Қўлини ювади.)

М о м о (сочик тутеди). Сиз супага чиқиб ўтиринг, мен ҳозир дастурхон, нон-чай олиб чиқай!

С а и д а б о н у. Ҳеч нарсага овора бўлманг моможон!

М о м о. «Эрталабки муштдан ҳам қайтма» дейдилар (кириб кетади).

С а и д а б о н у (кўрпачани тагини кўтариб кўради). Ушоқ-пушоқ тўкилгани йўк! (Гиламнинг тагини кўради.) Тушиб қолган соч, чанг-панг ҳам йўк (ўчоқ бошини кўради). Суприндилар уйиб қўйилмаган (ҳовлини айланиб кўради). Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Эл мақтаганича бор экан! (Супага ўтиради.)


М о м о (дастурхон чой-нон олиб чиқади). Ичингиз қизиб қолмадими, жоним отим?

С а и д а б о н у. Йўғ-ей! Фариштали ҳовлингизда ҳузур қилиб ўтирибман.

М о м о. Барака топинг, жоним отим! (Дастурхонни ёзиб, чой қуймоқчи бўлади.)

С а и д а б о н у. Чойнакни менга беринг, мен қуйиб узатай.

М о м о. Сиз уйингизда чой қуйиб узатасиз, жоним отим.



(Чойни уч марта қайтаради.) Биринчиси лой, иккинчиси мой, учинчиси чой! «Олдини отанга берма» дейдилар. (Чой қуйиб ўзини олдига қўяди, бошқа пиёлага чой қуйиб узатади.) Чойдан ичинг!

С а и д а б о н у. Табаррук қўлингиздан айланай, моможон!

М о м о. Ўғил-қизларингиз чопқилаб-чопқилаб юришибдими?

С а и д а б о н у. Шукр моможон! Ўзингиз яхшимисиз?

Одамларга бахт, тахт, меҳр-окибат улашиб чарчамаяпсизми?

М о м о. Худога шукр, жоним отим!

С а и д а б о н у. Илоё дунё тургунча туринг! Сиз...

М о м о. Сўзимни кўнглингизга олманг-у...

С а и д а б о н у. Тушундим. «Мақтамасдан мақсадга ўт», демоқчисиз.

М о м о (кулиб). Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

С а и д а б о н у. Неварангизни сулувлиги, ақл-фаросати, чеварлиги, тоза-покизалиги тилга тушиб, бизни узоқ қишлоққа ҳам етиб борган. Неварангизни қўлини ўғлимга сўраб қулчиликка келдим.

М о м о. «Қул» қайси қишлоқдансиз?

С а и д а б о н у. Хув, анави тоғлар ортидаги «Гулдара» қишлоғиданман.

М о м о. Ўғлингиз неvara қизимни кўрганми?

С а и д а б о н у. Йўқ! Ҳусни-жамолининг таърифини эшитиб ошиқ бўлиб қолган.


М о м о. «Мулкини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол!» дейдилар машойиҳлар. Невара қизимни ота-онаси шаҳарда насибасини териб ейиш учун овораи жаҳон бўлиб юришибди. Мени ёлғиз қолмасин деб, қизи бир ёшга тўлиши билан менга бериб кетишган. Неварамни қалб кўрим билан иситиб, меҳрим билан эркалаб, оёқларига кирган тиконни киприкларим билан суғуриб катта қилганман. Ўғлингиз неvara қизимни кўрмаган бўлса, мабодо тақдир қўшган бўлса, «сўнгги пушаймон ўзинга душман» дейдилар. Пушаймон бўлиб юрмайсизларми.

С а и д а б о н у. Ўғлим фақат сизни неварангизга уйланаман, деб икки оёғини бир этикка тикиб олган.

М о м о. Хўжайинингиз ва ўзингизнинг касб-корингизни билсам бўладими?


С а и д а б о н у. Хўжайиним мактабда тарихдан, мен адабиётдан сабоқ берамиз.

М о м о. Улуғ касбни этагини тутган экансизлар.



АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон, Тошкент, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Ўзбекистон, Тошкент, 2011.
3. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Ўзбекистон, Тошкент, 2010.
4. Ахмедов А. Ифодали ўқиш. Тошкент, 1987.
5. Бегматов Э. Нотиқлик - нодир санъат. Тошкент, 1980.
6. Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. Тошкент, 1991.
7. Жўраев К. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш. Тошкент, 1968.
8. Зуннунов А. Бадиий асар таҳлили методикаси. Тошкент, 1989.
9. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. Тошкент, 1994.
10. Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари. Тошкент, 1973.
11. Иномхўжаев С., Зуннунов А. Бадиий ўқиш асослари. Тошкент, 1978.
12. Имомов К. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент, 1990.
13. Каримов С. Бадиий матннинг лисоний аломатлари. Самарқанд, 1992.
14. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд, 1992.
15. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг тасвирий ифода воситалари. Самарқанд, 1994.
16. Мамажонов С. Услуб жоллари. Тошкент, 1972.
17. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Тошкент, 1994.
18. Носиров У. Образларда услуб жоллари. Тошкент, 1991.
19. Орипов Қ., Обидова М. Ифодали ўқиш. Тошкент, 1982.
20. Пўлатов А., Пўлатов С. Боғчаларнинг тайёрлов гуруҳлари учун хрестоматия. Тошкент, 1979.
21. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987.
22. Самадов К. Ўзбек тили услублари. Тошкент, 1991.



23. Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980.
24. Турдиев Б. 4-7-синфларда ифодали ўқиш. Тошкент, 1978.
25. Умиркулов Б. Лектор нутқи ва бадиий тил. Тошкент, 1981.
26. Хўжаев А. Ифодали ўқиш. Тошкент, 1976.
27. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. Тошкент, 1995.
28. Ҳожиаҳмедов А. Аруз луғати. Тошкент, 2000.
29. Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 1984.
30. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. Тошкент, 1984.
31. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Тошкент, 1993.





КБК 74.57
С73

Бахтиёр СОАТОВ, Махфуза Усмонова, Гулбаҳор Хамидова.

Ифодали ўқиш. Масъул муҳаррир: Т.Юсуф; Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими Вазирлиги, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика
институту – Жиззах: «Сангзор» нашриёти. 2015. - 100 бет.

УДК: 325.575.1
КБК 74.57

***Педагогика институтларининг мактабгача таълим йўналиши
талабалари учун мўлжалланган***

Жамоатчилик асосида масъул муҳаррир: Туроб ЮСУФ

Муссаҳхих: Баҳора КАМОЛОВА

Техник муҳаррир, саҳифаловчи: Жамшид СОАТОВ

«Сангзор» нашриёти, 130100
Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Теришга 19.12.2014 йил берилди. Босишга 05.01.2015 йил рухсат
этилди. Қўғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида чоп этилди. «Times New Roman»
гарнитураси. Нашриёт ҳисоб табағи: 5,0+0,04. Буюртма 305. Адади 200.

Нархи шартнома асосида.

«Сангзор» нашриёти матбаа бўлимида саҳифаланди.

E-mail: sangzornashriyoti@inbox.ru

«Жиззах принт» масъулияти чекланган жамият босмахонасида чоп этилди.
Жиззах шаҳри, Сайилжойи - 4.